ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 94(575.1)+34(575)(09)

КОМОЛОВ ДИЛШОД ПУЛАТОВИЧ

ТУРКИСТОН АССР СУД ТИЗИМИ ТАРИХИ
(1917 – 1924 йиллар)

07. 00. 02 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

ИЛМИЙ РАҲБАР: **тарих фанлари доктори**
Д.Ҳ.ЗИЯЕВА

ТОШКЕНТ– 2008

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

I. БОБ. ТУРКИСТОН АССРДА СОВЕТ ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.....20

1.1.Совет халқ судлари ташкил этиш жараёнидаги зиддиятлар.....20

1.2.Совет халқ судларида кадрлар муаммоси.....43

II. БОБ. ФАВҚУЛОДДА СОВЕТ СУДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ.....58

2.1.Инқилобий трибунал ва унинг суд тизимидаги ўрни.....58

2.2.Ҳарбий ва темир йўл трибуналларининг ташкил топиши.....81

III БОБ. ТУРКИСТОН АССРДА СУД ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....101

3.1.Туркистонда ягона суд тизимининг ташкил топиши.....101

3.2.Қози ва бий судлари трансформацияси ҳамда тугатилиши.....115

ХУЛОСА.....129

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.....133

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллий давлатчилик тараққиётида янги давр бошланди. Мустабид совет тузуми парчаланиб кетгандан кейин ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг бой тажрибаларини ўрганган ҳолда ҳуқуқий тизимни ислоҳ этишга киришилди, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Совет даври Конституцияларидан фарқли ўлароқ, мазкур Асосий қонунда илк маротаба демократиянинг энг муҳим тамойилларидан бири – ҳокимиятларнинг бўлиниши ўз аксини топди. Жумладан, Конституциянинг 11-моддасида қайд этилганидек: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»[1]. Шу тарзда, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида адолатли суд ҳокимиятини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагича таъкидлаган эди: «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир» [2].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 5.

[2]Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир / Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.– Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т.13. – Б. 186-187.

Суд тизимидаги кўплаб муаммоларнинг илдизлари совет даврида шаклланган бўлиб, ўша вақтда суд муассасаларининг мустақиллиги партия-давлат органлари томонидан чеклаб қўйилган эди.

Танланган мавзунинг долзарблиги, энг аввало, шу билан асосланадики, ҳозирги шароитда суд ислоҳотларининг муваффақиятли амалга оширилиши ва фуқароларда янги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши кўп жиҳатдан, совет даври мафкурасининг салбий оқибатларининг тугатилиши билан боғлиқ. Бинобарин, мустабид совет ҳукмронлиги давридаги суд сиёсатини таҳлил қилиш, суд идоралари фаолиятини холис баҳолаш, унинг мақсад ва вазифаларини тадқиқ этиш тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

1917 йил октябрь ойида давлат тўнтаришини амалга оширгандан сўнг большевиклар собиқ империя судларининг тугатилиши ва дунёдаги «энг демократик ва одил» судларни тузилиши ҳақида эълон қилдилар. Бироқ янги суд идоралари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар шошма-шошарлик билан қабул қилинган бўлиб, қарама-қаршиликларга тўла эди. Жаҳон андозалари талабларига мос келмаган ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар тенглик ва ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга эмас, балки синфий ҳамда «инқилобий» кураш ғояларига хизмат қилган. Шу тарзда суд идоралари совет ҳокимиятининг жазо органига айлантирилди.

Лекин ҳукмрон мафкура ва қаттиқ цензуранинг мавжудлиги туфайли мазкур муаммо совет судларининг шаклланиши тарихига бағишланган илмий нашрларда холис ёритиб берилмади. Айнан шу сабабдан ушбу мавзуни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мусулмон аҳолисининг анъанавий шариат судларидан совет ҳокимиятининг суд идоралари сиймосидаги дунёвий суд тизимига ўтишидан иборат мураккаб жараён айнан шу даврда юз берганди. Объектив сабаблар туфайли мазкур жараён икки суд тизимидан бирини танлаши лозим бўлган маҳаллий аҳоли учун жуда қийин кечди. Бунинг устига, суд ислоҳотлари зўравонлик усуллари ёрдамида амалга

оширилди. Қонунчилик асослари, мутахассис кадрлар, зарур моддий ва техника воситаларининг йўқлиги ушбу зиддиятли ва мураккаб жараёнларнинг кечишини янада оғирлаштирди. Юзага келган мураккаб вазият туфайли суд тизимида порахўрлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, бошқарув органларининг судлар фаолиятига аралашуви каби салбий ҳолатлар кенг тарқалди.

Зиддиятли ҳолатларни дастлабки совет судлари фаолиятига таъсирининг сабаб ва оқибатларини замонавий ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар билан қиёслаб тадқиқ этиш, шубҳасиз, муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини янада оширади. Шунингдек, совет ҳуқуқ тизимининг шаклланиш тарихи ва суд идораларининг фаолиятини ўрганиш совет давлатчилигининг мустабидлик хусусиятини, унинг асосий тамойилларини, шаклланиш ва қарор топиш босқичларини объектив очиб бериш имконини беради.

Тадқиқотнинг хронологик доираси 1917–1924 йилларни ўз ичига олади. Туркистон АССР 1918 йил 30 апрелда ташкил этилган бўлса-да, зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаши натижасида Тошкентда большевикларнинг сиёсий бошқарув тизими 1917 йил 1 ноябрда қарор топган эди. Шу сабабли тадқиқотнинг дастлабки босқичи 1917 йил қилиб белгиланди.

1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши муносабати билан Туркистон АССР тугатилди. Ушбу ҳолатлар диссертациянинг хронологик доирасини белгилаб олишга асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. ТАССРда совет суд тизимининг шаклланиши тарихига оид фикрлар Туркистон тарихининг турли масалаларига бағишланган илмий нашрларда баён этилган. Тадқиқот мавзусига доир адабиётларни илмий-концептуал нуқтаи назардан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар;
– мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар;
– хорижий муаллифлар томонидан эълон қилинган ишлар.

Совет давридаги тадқиқотлар ўз навбатида икки туркумга бўлинади:

– 1920-йилларда партия-давлат аппарати вакиллари томонидан ёзилган асарлар;
– 1930-1991 йиллар мобайнида эълон қилинган ишлар.

Шуни қайд этиш зарурки, ТАССР суд тизимига хос хусусиятлар 20-йиллардаги давлат ва жамоат арбобларининг асарларида бир мунча холис акс эттирилган. Хусусан, Г.Сафаров, Н.Тўрақулов, Т.Рисқулов, Н.Фиолетов[3] каби муаллифларнинг асарлари совет суд идоралари ҳақида қимматли фактологик материалларни ўз ичига олиши билан ажралиб туради. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда ҳали қаттиқ цензура ўрнатилмагани боис эълон қилинган ишларда мавжуд суд тизимига холис баҳо берилгани ва очиқ танқид қилинганини кўриш мумкин. Масалан, Туркистон МИҚ раиси Турор Рисқулов инқилобий трибунал ва фавқулодда комиссия фаолиятини кескин танқид остига олади. Муаллиф таъкидлаб ўтганидек, мазкур идоралар совет ҳокимияти душманларига қарши кураш баҳонасида ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, талон-тарож ва ноқонуний қурол сотиш билан шуғулланганлар[4].

Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, олий ҳокимият идоралари томонидан цензуранинг кучайтирилиши муносабати билан муаммога холис баҳо бериш имконияти чеклаб қўйилди. Ана шу даврдан бошлаб Туркистонда 1917–1924 йилларда юз берган жараёнларни ҳукмрон доира фойдасига сохталаштириб талқин этиш ва мафкуралаштиришга

---

[3] Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – 147 с.; Туракулов Н. Ферганская проблема // Военная мысль. – Ташкент, 1921. – № 2. – С. 111; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Ч. I. 1917–1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925 – 218 с.; Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право. – М., 1927. – № 1 (25) – С. 132-146; Унинг ўзи. Судопроизводство в мусульманских судах (суды казиев) Средней Азии // Новый Восток. – М., 1928. – № 23-24. – С. 204-217.

[4] Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана … – С. 95.

қаратилган расмий концепция қарор топа бошлади. XX асрнинг 40-80-йилларидаги совет нашрлари, хусусан, М.Кожевников, Л.Крахмальник, И.Садовников, К.Горшенин, С.Бордоновларнинг тадқиқотлари шундан далолат беради[5]. Уларда совет судлари дунёдаги энг адолатли, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар эканлиги ҳақидаги ғоя асосий ўринни эгаллайди. Мазкур ғоя суд тизими тарихига бағишланган тадқиқотларнинг барчасидан қизил ип каби ўтказилганди.

Туркистонда совет судларининг шаклланиш тарихига бевосита дахлдор бўлган биринчи махсус тадқиқот Х.Сулаймонова томонидан амалга оширилди[6]. Муаллиф ўзининг докторлик диссертациясида ТАССРда суд идораларининг ташкил топиши ва ривожланишини тадқиқ этди. Мазкур тадқиқотда судлар фаолияти биринчи марта тизимли таҳлил қилинди. Бироқ, уларда ҳукмрон мафкура таъсири остида муаммонинг кўп жиҳатлари холис ёритилмайди. Жумладан, суд органларининг совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршиликни бостиришдаги роли қаҳрамонлик сифатида баҳоланиб, йўл қўйилган хатолар ва мавжуд муаммолар ҳақида умуман сўз юритилмайди.

Туркистон АССР судлари фаолиятининг айрим жиҳатлари Ўрта Осиё республикалари суд тизими тарихига[7] ёки бошқарув органлари фаолиятига бағишланган баъзи бир тадқиқотларда қисман кўриб чиқилган[8]. Шундай бўлса-да, ушбу муаллифлар мавжуд мафкура доирасида

---

[5] Кожевников М. История советских судов. – М.: Юриздат, 1948. – 376 с.; Крахмальник Л. Совет халқ судининг тузилиши ва фаолиятининг демократик асослари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 51 б.; Садовников И. Совет суди буржуазия судидан тамомила фарқ қилади. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1949. – 31 б.; Горшенин К. Совет халқ суди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 63 б.; Бордонов С. Социалистик мулкни қўриқлашда совет суди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1951.– 40 б.

[6] Сулейманова Х. Создание и развитие советских судебных органов в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.).: Дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1954. – 192 л.

[7] Сапаргалиев М. Два мира – две системы суда и законности. – Алма-Ата: Казахстан, 1965. – 144 с.; Унинг ўзи. История народных судов Казахстана. – Алма-Ата: Казахстан, 1966. – 448 с.; Унинг ўзи. Возникновение и развитие судебной системы советского Казахстана (1917–1967 гг.). – Алма-Ата: Казахстан, 1971. – 416 с.; Разыков Ш. К истории советского суда в Таджикистане. – Сталинабад: Изд. АН Тадж. ССР, 1960. – 114 с.; Дурдыев Б. Создание и развитие советского суда в Туркменистане. – Ашхабад: Туркменгосиздат, 1960.–120 с.

[8] Бакиров Ф. Совет суди чинакам халқ судидир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957. – 52 б.; Унинг ўзи. СССР да суд ва прокуратура тузилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962. – 152 б.; Унинг ўзи. Чор Туркистонида суд,

фикр юритиб, муаммога бир ёқлама ёндашганлар ҳамда суд тизимининг шаклланишидаги зиддиятли ва салбий жараёнларни хаспўшлашга интилганлар.

Умуман олганда, Туркистонда совет судларининг ташкил топишига бағишланган совет даври тадқиқотларини таҳлил этиш шундан далолат беради, уларда бой фактологик манбавий асос мавжуд бўлса-да, бироқ ҳукмрон мафкура тазйиқи туфайли 1920-йиллардаги илк эълон қилинган ишларни мустасно этганда, бир ёқлама ёндашув асосида ёзилганлиги билан характерланади.

Совет суд тизимининг шаклланиш тарихига оид дастлабки холис фикр-мулоҳазалар мустақиллик йилларида, ошкоралик шароитларида олға сурилди. Худди шу даврда тарихчилар томонидан янги назарий концепция асосида Туркистоннинг 1917–1924 йиллардаги тарихига доир бир қатор ишлар нашр этилди[9]. Мазкур давр тарихининг ишлаб чиқилган янги концепцияси бир қатор муаллифлар жамоаси томонидан Р. Ражабова таҳрири

шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – 48 б.; Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – 188 с.; Гордиенко А. Узбекская ССР – суверенное государство в составе Советского Союза. – Ташкент: Госиздат, 1957. – 80 с.; Унинг ўзи. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент: Госиздат, 1959. – 324 с.; Унинг ўзи. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1959. – 248 с.; Унинг ўзи. Образование Туркестанской АССР. – М.: Юридическая литература, 1968. – 316 с.; Уразаев Ш. Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. – Ташкент: Госиздат, 1958. – 218 с.; Унинг ўзи. Туркестанская АССР – первое социалистическое государство в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1961. – 179 с.; Иноятов Т. Суды советского Узбекистана в борьбе с феодально-байскими пережитками. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1958. – 42 с.; Тўхтахўжаев И. Совет суди – дунёда энг демократик суд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 23 б.; Манелис Б.Л. Из истории государственно-правовых взаимоотношений Туркестанской АССР и РСФСР. – Ташкент: Фан, 1966. – 88 с.; Мильштейн Н. Из истории Туркестанской ЧК. – Ташкент: Наука, 1965. – 38 с.; Аъзамхўжаев А. Ўзбекистон ССР нинг давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – 223 б.; Унинг ўзи. Ўзбекистон ССР нинг ташкил топиши ва ривожланиши. – Тошкент: Фан, 1974. – 355 б.; Хакимов М. Совет социалистик давлатининг ривожланиш фазалари ва функциялари. – Тошкент: ТошДУ нашриёти, 1960. – 41 б.; Унинг ўзи. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: Наука, 1965. – 505 с.; Унинг ўзи. Партия и советская национальная государственность. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 319 с.; Иркаходжаев К. Организация и деятельность Верховного суда Узбекской ССР.: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1965. – 251 л.; Абидова Н. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР (1917–1928 гг.).: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1974. – 32 с.

[9] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости / Науч. ред. Р. Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000. – 672 с.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Илмий муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000.– 432 б.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2–китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 668 б.; Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 416 б.; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – 240 б.

остида тайёрланган «Туркистон XX аср бошида» номли монографияда ўз аксини топди. Унда ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиш жараёни, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги сиёсати биринчи марта чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди, катта ҳажмдаги янги манбалар илмий муомалага киритилди. Мазкур тадқиқотдан кейин Туркистонда 1917– 1924 йилларда юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ёритиб беришга қаратилган бир қатор ишлар нашр этилди. Масалан, Д.Алимова ва А.Головановларнинг Туркистондаги ғоявий кураш жараёнлари[10], С.Аъзамхўжаевнинг миллий демократик ҳукумат – Туркистон Мухторияти фаолияти[11], Д.Зияеванинг Туркистон тарихида большевистик концепциянинг шаклланиш жараёни, жумладан, миллий озодлик кураши тарихига[12] бағишланган монографиялари, Қ.Ражабов – совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихи[13], М.Ҳайдаров – совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати[14], А.Ерметов – ТАССР назорат органларининг фаолиятини ўз диссертацияларида тадқиқ этишган[15].

Ушбу муаммонинг айрим жиҳатлари ҳуқуқшунос олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ёритиб берилди ва холис баҳоланди. Уларда совет даврида қози судлари томонидан шариат меъёрларининг қўлланиши[16], Олий суд фаолияти[17], адлия органларининг ташкил этилиши тарихи[18] ва шариат қоидаларининг фуқаролик ҳуқуқида қўлланиши[19] каби

---

[10] Алимова Д., Голованов А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологии. – Т.: АН РУз, 2002. – 80 с.

[11] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Т.: Маънавият, 2000. –168 б.

[12] Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 176 б.

[13] Раджабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924гг.).: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. –Т., 2005. – 52 с.

[14] Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924 гг.).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1998. – 28 с.

[15] Ерметов А. Туркистон АССР да назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар).: Тарих фан. номзод. ... дис. автореф. –Т., 2006. – 28 б.

[16] Ишанова Ш. Нормы шариата и применение их казийскими судами в Средней Азии до 1924 года.: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т., 1992. –26 с.

[17] Мингбоев У. Верховный суд Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон, 1994 – 200 с; Унинг ўзи. Олий суд кеча ва бугун. – Т.: Камалак, 1995. – 72 б; Унинг ўзи. Суд шундай ҳокимиятки. – Т.: Шарқ, 1999. – 288 б.

[18] Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Т.: Адолат, 1996. – 44 с.

[19] Джаббаров С. Шариат, семейное и обычное право в Узбекистане: история и современность.: Опыт социально-правового исследования. – Т.: Фан, 1996. – 122 с.

масалаларни тадқиқ этдилар. Бу тадқиқотлар концептуал-назарий ёндашув асосида ёзилганлиги, хулосаларнинг асосланганлиги билан ажралиб туради. Бироқ уларда мазкур масала фақат ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқилган ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғланмаган. Ҳолбуки, муаммонинг долзарблиги уни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар билан узвий боғлиқликда ўрганишни, суд тизимининг босқичма-боқич ривожланиш жараёнларини умумлаштириб, оқибат ҳамда сабоқларини қайд этган ҳолда мажмуавий тарзда ёритиб беришни тақозо этади.

ТАССР тарихи хорижий тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, уларнинг асарлари совет даврида “тарихни сохталаштириш” сифатида баҳоланган. О.Кероу[20], А.Парк[21], Б.Ҳайит[22] сингари муаллифларнинг асарларида Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти биринчи марта тўлақонли тарзда ёритилиб, совет ҳокимиятининг мустабидлик моҳияти очиб берилса-да, лекин суд органларининг фаолияти уларнинг диққат-эътиборидан четда қолди.

Шундай қилиб, мавзуга доир умумий ва махсус адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили Туркистондаги суд тизими тарихи ватан ва хорижий тарихшуносликда тўлақонли ҳамда яхлит тарзда ёритилмаган, дея хулоса чиқаришга асос бўлади. Ушбу муаммони бошқа тарихий жараёнлар билан биргаликда қисман кўриб чиқилганлиги мазкур тадқиқот доирасида ҳал этилишини тақозо этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг айрим хулосалари ва натижаларидан муаллиф ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи” ҳамда “Совет

---

[20] Caroe O. Soviet Empire the Turks of Central Asia and Stalinism.–London: ST Martins press, 1954. –300 p.

[21] Park A. Bolshevism in Turkistan: 1917-1927. – New York: Columbia University press, 1957. – 428 p.

[22] Hayit B. Sowjetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestans.– Koln-Berlin: Verlag Kiepenheuer & Witsch, 1962. – 289 s.; Унинг ўзи. Some problems of Modern Turkistan History. – Dusseldorf: East European Research Institute, 1963.– 60 p.; Унинг ўзи. Turkistan zwischen Russland und China. – Amsterdam: Philo press, 1971. – 415 s.

ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати (1917–1990 йиллар)” мавзуларидаги ДИТЛ лойиҳалари бўлимларини тайёрлашда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ватан тарихшунослигида ТАССР суд тизими тарихини ёритишга бағишланган махсус тадқиқот олиб борилмаганлигини ҳисобга олиб, диссертацияда совет суд тизимининг мураккаб ва зиддиятли шаклланиш жараёнини ҳар томонлама ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, унинг давлат бошқаруви тизимидаги ролини кўрсатиб бериш мақсад қилиб қўйилди.

Қўйилган мақсадни амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо этади:

– Туркистонда совет суд муассасалари ривожланишининг асосий босқичлари ва уларнинг функционал йўналишларини тадқиқ этиш;

– совет ҳокимияти янги суд тизимини яратиш соҳасида олиб борган сиёсатининг моҳиятини таҳлил қилиш;

– суд органлари учун кадрлар тайёрлаш масаласини ўрганиш;

– Туркистон АССР ҳудудида фаолият кўрсатган фавқулодда суд идоралари фаолиятини ёритиш;

– мусулмон аҳолисининг анъанавий суд тизимидан совет суд тизимига ўтиши каби зиддиятли жараённи таҳлил қилиш;

– совет суд тизимининг ҳуқуқий ва ғоявий асосларини ўрганиш;

– анъанавий шариат судларининг фаолияти ва тугатилиш сабабларини тадқиқ этиш;

– Туркистонда совет суд тизими марказлаштирилишининг сабаб ва оқибатларини аниқлаш;

– совет суд идораларининг маъмурий-давлат бошқарувидаги ўрни ва ролини очиб бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асосини турли хил тарихий ҳужжатлар ташкил этади. Уларнинг аксарият қисми биринчи марта илмий муомалага

киритилмоқда. Умуман олганда, ТАССР суд тизими тарихига доир манбаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– меъёрий ҳужжатлар;

– архив манбалари;

– даврий матбуот материаллари;

– статистик тўпламлар.

1. Меъёрий ҳужжатлар. Совет судларининг моҳиятини илмий-назарий таҳлил қилишда РСФСР ва ТАССРнинг олий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар муҳим манба бўлиб хизмат қилди[23]. ТАССР ҳукумати томонидан чиқарилган декрет, низом, йўриқнома ва қарорлар тўплам тарзида нашр қилинган. Кейинги йилларда СССР, РСФСР ва ЎзССР ҳукуматлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўпламларига ТАССР суд тизимига оид айрим қонун ҳужжатлари ҳам киритилган. Қайд этиб ўтиш лозимки, диссертацияда турли йўналишдаги суд идораларининг (халқ судлари, фавқулодда судлар, қози ва бий судлари) ташкил этилиши, ривожланиши ва ислоҳ қилинишига оид ҳуқуқий ҳужжатлар батафсил, хронологик изчилликда ўрганиб чиқилди. Бу эса Туркистонда совет суд тизимининг босқичма-босқич ривожланиш манзарасини тиклаш, уларнинг вазифаларини аниқлаш имконини берди.

2. Архив ҳужжатлари. Совет суд тизими фаолиятини тадқиқ этишда архив ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, газета ва журналлардаги

---

[23] Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики. – Ташкент: Типография ТАССР, 1918. – 50 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1919. – 60 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1920. – 44 с.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР за 1917–1922 гг. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 213 с.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 46 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Средазгосиздат, 1924. – 70 с.; История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – М.: Госюриздат, 1955. – 636 с.; Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947. – 230 с.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. Т. I. – 660 с.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1972. Т. II. – 608 с.

мақолалар устидан цензура ўрнатилиб, тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилган бир даврда архив ҳужжатларида реал воқеликни акс эттирувчи далиллар сақланиб қолган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Р-17, 25, 38, 87, 233, 235, 343, 345, 368, 608-фондларида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланилди.

Масалан, ТАССР МИҚ (Р-17) ва ХКС (Р-25) фондларида давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тарихига доир муҳим ҳужжатлар жамланган. Айниқса, тадқиқотда келтирилган суд тизимининг ҳолатига доир ҳисоботлар, билдиришномалар катта қимматга эга. ТАССР Адлия халқ комиссарлиги фондида эса (Р-38) суд-ҳуқуқ идоралари фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар тўпланган. Мазкур фондда сақланаётган Адлия халқ комиссарлиги, халқ судлари, инқилобий трибунал, фавқулодда комиссия, қози ва бий судлари фаолиятига оид ҳозиргача кам ўрганилган ҳужжатлар биринчи марта илмий муомалага киритилди.

Маълумки, ТАССР суд тизимида фавқулодда идоралар алоҳида мавқега эга эди. ТАССР Олий инқилобий трибунали (Р-344) ва Туркистон округ темир йўл ҳарбий трибунали (Р-345) фондларида мазкур идораларнинг қатағон сиёсати ва ноқонуний фаолиятини акс эттирувчи катта ҳажмдаги ҳужжатлар сақланиб қолган. Шунингдек, Туркистон округ алоқа йўллари (Р-233), Туркистон округ маҳаллий транспорт бошқармаси (Р-608) фондларидаги темир йўл трибунали томонидан кўриб чиқилган суд ишларига оид ҳужжатлар ҳам тадқиқотга жалб этилиб, илмий муомалага киритилди.

Туркистон давлат университети фонди (Р-368) хусусида шуни айтиш мумкинки, бу ерда ҳуқуқшунослар тайёрлашга оид қизиқарли маълумотлар жамланган. Бундан ташқари, университетнинг ҳуқуқшунослар тайёрлаган ижтимоий-иқтисодий факультети фаолияти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан сўнг совет ҳокимияти дастлабки пайтда мавжуд бўлган судларнинг бўлинишига қарши чиқди ва марказлашган суд тизимини ташкил этди. Буни РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими (Р-343), Ўз ССР Адлия комиссарлиги (Р-86), Ўз ССР Инқилобий қўмитаси (Р-87) фондларидаги ҳужжатлар тасдиқлайди.

Вилоят давлат архивларида сақланаётган суд тизимига доир маълумотлардан ҳам фойдаланилди. Масалан, Тошкент вилоят давлат архивининг Сирдарё вилоят инқилобий қўмитаси (1-фонд) ва Сирдарё вилояти ХКС (2-фонд) фондларида судьяларнинг маҳаллий ҳокимиятга турар-жой, маош ва иш юритиш воситалари сотиб олиш учун қўшимча маблағ ажратишни сўраб қилган мурожаатлари сақланади. Бундай маълумотлар совет судларининг моддий таъминоти масаласини ёритишда муҳим роль ўйнади. Сирдарё вилояти ҳимоячилар ҳайъати (282-фонд) фонди ҳужжатлари асосида халқ судларида процессуал меъёрларнинг бузилиши ўрганилди.

Фарғона вилояти давлат архивидаги Фарғона округ суди (1-фонд), Фарғона вилоят суди (2-фонд), Қўқон шаҳар адлия бўлими (448-фонд) фондларида сақланаётган ҳужжатлар совет судларининг зиддиятли ва қарама-қаршиликларга тўла фаолиятини ёритиб беришга хизмат қилди.

3. Даврий матбуот материаллари. Тадқиқ этилаётган даврга оид даврий матбуот нашрлари бир неча гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга ҳукумат ва коммунистик партиянинг расмий нашрлари бўлган “Известия” (Ташкент), “Иштирокиюн”, “Наша газета”, “Туркистон”, “Туркестанская правда”, “Қизил байроқ” каби газеталар киради. Ушбу газета саҳифаларида меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат ва адлия раҳбарларининг суд тизимидаги аҳвол юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, суд-ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг фаолиятига доир маъруза ва мақолалари мунтазам эълон қилиб борилган.

Иккинчи гуруҳга Туркистон Инқилобий ҳарбий кенгаши ва Туркфронт ҳарбий муассасалари томонидан чиқарилган нашрлар киради. Жумладан, “Военная мысль”, «Военный работник Туркестана», «Красная звезда», «Красная казарма» сингари газета ва журналларда фавқулодда суд идоралари фаолиятига доир маълумотлар мавжуд.

Учинчи гуруҳга адлия муассасаларининг ахборотномалар тарзида чоп этилган журналлари киради. «Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики», «Вестник юстиции Узбекистана» сингари журналлар шулар жумласидандир. Ушбу журналларда суд идоралари фаолиятига оид маълумотлар билан бир қаторда суд тизимининг турли муаммолари ва жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган мақолалар ҳам эълон қилинган. Мақола муаллифлари кўп ҳолларда адлия ходимларининг ўзлари бўлган.

4. Статистик тўпламлар. Мазкур мавзуни ўрганишда статистик тўпламлар алоҳида диққат-эътиборга моликдир[24]. Улар суд-тергов муассасаларининг сони, иш ўринлари, кадрларнинг миллий таркиби, ижтимоий келиб чиқиши ва маълумоти ҳақида хабар беради. Шунингдек, қўйилган муаммони ўрганишда шахсларнинг содир этган жиноятлари бўйича таснифланиши, маҳкумларнинг ёши ва совет судлари чиқарган ҳукм бўйича белгиланган жазо чоралари ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш жиноятчиларнинг миллати, ижтимоий аҳволи, партиявий мансублиги, ёши ва жиноят турини аниқлаш имконини берди. Бундан ташқари, статистик маълумотларни ўрганиш асосида турли суд идоралари томонидан тайинланган жазо чоралари аниқланди.

Юқорида санаб ўтилган манбаларни қиёсий таҳлил усули ёрдамида ўрганиш танланган мавзуни ёритишда муҳим аҳамият қасб этди.

---

[24] Статистический ежегодник. – М.: Типография МКХ, 1922. – 425 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. Т. I. – 451 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. Т. II. – 600 с.

Тадқиқот объекти ва предмети Туркистон АССРда совет суд идораларининг ташкил этилиши ва фаолияти тарихидир.

Тадқиқотнинг методлари. Ишда қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди. Бу диссертантга катта ҳажмдаги манбаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берди. Диссертацияда тарихийлик ва объективлик тамойилларига амал қилинганлиги мураккаб, зиддиятли жараёнлари очиб бериш, совет давридаги эълон қилинган ишлар муаллифларининг бирёқлама, мафкуралашган хулосаларини, турли сиёсий ва мафкуравий кучларнинг қарама-қарши кураши шароитларида юз берган ҳодиса ҳамда воқеаларни холис баҳолашга хизмат қилди. Кўриб чиқилаётган муаммо юқорида кўрсатиб ўтилган тамойиллар асосида тарихий вазият билан узвий боғлиқликда ўрганилди, у ёки бу ўзгаришларнинг сабаблари, мақсад ва оқибатлари очиб берилди.

Фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат қуриш ҳақидаги замонавий қарашлар, республикада адолатли суд тизимини яратишга оид қоидалар тадқиқотнинг **назарий асоси** бўлиб хизмат қилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларидаги суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги илмий-назарий, концептуал тавсиялари алоҳида қимматга эга бўлди[1].

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар. Тадқиқотда диссертант томонидан совет ҳокимиятининг Туркистондаги суд сиёсатининг моҳиятини тавсифлаб берувчи қуйидаги асосий хулосалар олдинга сурилган:

– кенг қамровли ҳажмдаги манбаларни таҳлил қилиш асосида дунёда энг демократик, дунёвий судни яратиш даъвоси билан чиққан совет ҳокимиятининг олиб борган суд соҳасидаги сиёсати амалда биринчи

[1] Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. – Б. 344; Унинг ўзи. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир / Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т.13. – Б. 184 -189.

навбатда давлат ва партия манфаатларини ҳимоя қиладиган суд-ҳуқуқ идораларини яратишга йўналтирилганлиги очиб берилди;

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич ва тизимли ўрганиш шуни кўрсатадики, ТАССРда фаолият кўрсатган ҳамда қонунчиликка эмас, партия-давлат органларига тўғридан-тўғри бўйсунадиган суд идоралари мустақилликдан маҳрум этилган эди;

– совет ҳокимиятининг анъанавий судларга нисбатан олиб борган сиёсати босқичма-босқич ислоҳотлар йўли билан эмас, балки суд амалиётининг янги шаклига ўтишни зўравонлик билан амалга оширишга қаратилган бўлиб, маҳаллий аҳоли учун оғир оқибатларни келтириб чиқарган;

– янги ҳуқуқий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва СССРда ягона суд тизимини шакллантириш жараёни, энг аввало, суд идораларини марказлаштиришга ва улар устидан партия-давлат аппарати назоратини кучайтиришга қаратилган эди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– ишда ватан тарихшунослигида биринчи марта Туркистонда совет суд тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи махсус ҳамда яхлит тарзда тадқиқ этилди;

– Туркистондаги совет суд тизими қонунчилиги таҳлил қилинди ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тамойилларнинг декларатив хусусиятга эга эканлиги, уларнинг амалий фаолиятга мос келмаслиги очиб берилди;

– кўп сонли манбаларни таҳлил қилиш асосида суд идораларининг оддий мустақилликка ҳам эга бўлмагани, улар тўлалигича партия-давлат аппаратига қарам бўлганлиги кўрсатиб берилди;

– турли суд идораларининг (анъанавий судлар, халқ судлари, фавқулодда судлар) асосий йўналишлардаги фаолияти ва вазифалари таҳлил этилди;

– анъанавий судларнинг трансформацияси ва тугатилиш жараёнлари ҳамда маҳаллий аҳолининг совет судларига муносабати тадқиқ қилинди;

– совет ҳокимияти томонидан экстремал шароитларда жазо тадбирларини амалга оширишда восита сифатида ташкил этилган фавқулодда суд органларининг фаолияти ёритиб берилди;

– совет ҳокимиятининг суд соҳасида синфий ёндашувга асосланган, тутуруқсизлиги, бир мақсадга йўналтирилган таълим тизимига эга бўлмагани, шовинистик сиёсати, кадрлар тайёрлаш ишларига баҳо берилди;

– партия, давлат органларининг зўравонликка асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда ва мафкуравий курашда совет суд идораларининг бевосита иштирок этганлиги аниқ тарихий далиллар асосида кўрсатилди;

– совет суд тизимини марказлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан тарих ва ҳуқуқшунослик таълим тизими талабалари учун Туркистон тарихи, совет суд тизими ва давлатчилиги тарихи бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда, махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари республика миқёсидаги илмий анжуманларда қилинган маърузаларда, илмий журнал ва тўпламларда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Иш ЎзР ФА Тарих институтининг “Ўзбекистоннинг XIX аср охири ва XX тарихи” бўлимида, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедрасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи” Маркази ҳамда “Ўзбек

давлатчилиги тарихи ва диншунослик” кафедрасининг қўшма йиғилишларида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 3 та илмий мақола ва 8 та тезис эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 140 бет.

I-БОБ. ТУРКИСТОН АССРДА СОВЕТ ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1.1. Совет халқ судлари ташкил этиш жараёнидаги зиддиятлар

Совет судлари тарихини тадқиқ этишдан аввал ўлкада 1917 йилгача суд тизимининг аҳволи қандай бўлганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу йўналишдаги жараёнлар эволюцияси ва трансформациясини аниқлаш имконини беради. 1867 йилда Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топди. Россия императори Туркистонда марказлашган кучли ҳарбий ҳокимиятни қарор топтириш учун генерал-губернаторга чекланмаган ваколатлар берган эди. Хусусан, генерал-губернатор қўлида ҳарбий, фуқаролик ва судлов ҳокимияти бирлашган эди[25]. У айни пайтда императорнинг ноиби, ҳарбий округ қўмондони, полиция хизмати бошлиғи, бош прокурор каби вазифаларни бажарган. Вилоят, уезд маъмурлари ҳам ўзлари бошқарган ҳудудларда шундай ваколатларга эга эдилар.

Мустамлака маъмуриятининг муҳим ҳуқуқий бўғинини суд идоралари ташкил этарди. Бу даврда Туркистонда икки хил судлар: империя судлари ҳамда «халқ судлари» деб аталган анъанавий қози ва бий судлари фаолият юритган.

1867 йил «Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларини бошқариш ҳақидаги вақтли Низом лойиҳаси»га мувофиқ империя судлари уезд судлари, вилоят бошқаруви судлови, генерал-губернатор канцеляриясининг судлов бўлими ҳамда ҳарбий судларга бўлиниши кўрсатиб ўтилган эди[26].

Уезд судлари кам аҳамиятли жиноий ишлар ҳамда икки минг рублгача бўлган фуқаролик даъволарни кўрган. Вилоят бошқарувининг судлов бўлими

---

[25] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Илмий муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 20.

[26] Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1– китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 207-208.

уезд судлари ваколатига кирмайдиган ишларни ҳамда улар устидан тушган кассация шикоятларни кўрган. Генерал-губернатор канцеляриясининг судлов бўлими ўлкадаги барча суд идораларини назорат қилган. Император тафтишчиси Гирснинг қайд этишича: «Канцелярия ҳатто, Адлия вазирлиги ўз тасарруфидаги судларга нисбатан эга бўлмаган ҳуқуқлардан фойдаланган»[27].

Бундан ташқари, вилоят марказларида ҳарбий судлар тузилган бўлиб, улар ҳарбий жиноят қонунчилигига асосан иш юритган ва ҳокимиятга қаршилик, мансабдор шахсларга суиқасд, почта-телеграфга ҳужум каби жиноятларни кўрган ҳамда жазо қўллашда бошқа судларга нисбатан шафқатсизлиги билан ажралиб турган.

1886 йил қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» лойиҳасига кўра суд тизимига ўзгаришлар киритилди[28]. Жумладан, уезд судлари тугатилиб, унинг ўрнига мировой (муроса) судлар ташкил топди. Россиянинг марказий губерняларида мировой судьялар сайланса, Туркистонда эса тайинланган. Рус амалдорлари «маҳаллий халқ маданияти паст эканлиги»ни таъкидлаб, мировой судьялар император фармони билан тайинланар эди. Император ҳукумати ўлкада ҳатто, уезд миқёсидаги энг қуйи судьяларни тайинлашни ҳам қатъий назоратга олган эди.

Низомга мувофиқ вилоят бошқарувининг судлов бўлимлари тугатилиб, вилоят судлари ташкил этилди. Вилоят суди мировой судьяларнинг ҳукм ва қарорларини кассация тартибида кўришдан ташқари алоҳида ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўрган.

1898 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» лойиҳасига баъзи ўзгаришлар киритилди. Жумладан, вилоят судлари округ судлари деб аталадиган бўлди. Ушбу судлар устидан тушган кассация шикоятлари ҳамда ўлка миқёсидаги оғир сиёсий жиноятларни кўриш учун Тошкент суд палатаси ташкил этилди. Тошкент суд палатаси Россия

---

[27] Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. –Тошкент: Академия, 2002. – Б.75.
[28] Положение об управлении Туркестанским краем. – СПб., 1886. – С. 665.

империясидаги 14 та суд палатасидан бири эди. Умуман олганда, ўлка суд тизими империянинг мустамлакачилик манфаатларини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилар эди. Айниқса, Тошкент суд палатаси ҳамда ҳарбий судлар миллий озодлик ҳаракатига қарши қаратилган кучли қуроллардан бири эди. Улар ҳар қандай норозиликни томири билан қўпориб ташлаш ва шафқатсизлик билан бостиришга йўналтирилган эди.

Империя судларидан ташқари Туркистонда анъанавий қози ва бий судлари ҳам мавжуд эди. 1865 йил 6 августда император Александр II имзо чеккан «Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат низом»га асосан қози калон лавозими бекор қилинди ва барча қозиларнинг ваколати тенглаштирилди. Улар ваколатидан тан ва ўлим жазоси қўллаш олиб ташланди. 1867 ва 1886 йилги низомларга асосан қози ва бий судлари «халқ судлари» деб аталадиган, аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланадиган ҳамда фақат ўзларига тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг арзини кўрадиган бўлди[29]. Ушбу судларнинг ҳукм ва қарорларини кассация тартибида кўриш учун иккита юқори инстанция судлари, яъни қози ва бий судларининг қурултойи ҳамда фавқулодда қурултой ташкил этилди.

Империя судларига муқобил равишда қози ва бий судлари маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қиларди. Империя судларининг рус тилида иш юритиши ҳамда юридик жиҳатдан тушунарсиз ва халқ анъаналаридан йироқлиги ҳам маҳаллий аҳолининг қози ва бий судларига мурожаат қилишига сабаб бўлган.

Бундай муносабат мустамлака маъмурияти манфаатларига зид эди. Натижада, империя ҳукумати маҳаллий аҳоли ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган қози ва бий судларини тугатишга қарор қилди. Бунинг учун энг аввало, қози ва бий судлари сайлови устидан назорат ўрнатилди. Шариат қоидаларини мукаммал билган, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ушбу лавозимга сайланишига йўл қўйилмади. Бундан ташқари, суд

[29] Положение об управлении Туркестанским краем... – С. 673-677.

ишларига империя амалдорларининг тез-тез аралашуви ҳамда босим ўтказиши қози ва бийларнинг омма орасида обрўсизланишига сабаб бўлган. Шу асосда қози ва бий судларининг ваколати чеклаб борилиши ва бутунлай тугатилиши лозим эди. Бироқ 1917 йилги сиёсий ўзгаришлар Россия империясининг ушбу режалари амалга ошишига имкон бермади. Қози ва бий судлари совет даврида ҳам маълум муддат фаолият юритди.

Хуллас, совет ҳокимияти ўрнатилишидан аввал Туркистонда амал қилган суд тизими икки бўғиндан иборат эди. Маҳаллий судлар анъанавий тартибларни сақлаб қолган бўлса-да, ваколатлари чекланиб, ҳукумат назоратига олинган эди. Империя судлари эса ўлкадаги суд ишларининг энг муҳим йўналишларини қамраб олган эди. Россия империясида, жумладан, мустамлака бошқаруви ўрнатилган Туркистон генерал-губернаторлигида амалда судьяларнинг ваколатлари чекланган ва империя манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган эди.

Биринчи жаҳон уруши фронтларидаги мағлубиятлар, халқ хўжалигидаги инқироз Россия империясига ҳалокатли таъсир этди. Иқтисодий буҳронлар халқ норозилиги билан қўшилиб, сиёсий инқирозга айланди ва 1917 йил феврал инқилоби натижасида император ҳокимияти ағдариб ташланди. Март ойида Россияда Муваққат ҳукумат ҳамда ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари советларидан иборат қўшҳокимиятчилик вужудга келди. 1917 йил 3 мартда ушбу хабар Туркистон халқига эълон қилинди. Туркистонда ҳам Муваққат ҳукумат идоралари ва советлар тузила бошланди.

Муваққат ҳукумат янги тарихий шароитда ҳам Туркистонни мустамлака ҳолида сақлаб қолишга уринди. Туркистон генерал-губернаторлиги тугатилиб, Туркистон қўмитаси ташкил топди. Ҳукумат тузилмаларининг маҳаллий аҳолига нисбатан муносабати собиқ империя даврига қиёслаганда унчалик ўзгармади. Ушбу идораларни собиқ империя амалдорлари бошқарар эди. Бу ҳақда 1917 йил 30 июнда Андижон совети

аъзоси Абдуқодир Қушбегиев Туркистон қўмитасига топширган ёзма маърузасида ўлка совети ва Туркистон қўмитасининг олиб бораётган мунофиқона сиёсатига шаъма қилиб, шундай деган эди: «Рус пролетариати қандай олий ғоялар, қандай чиройли сўзларни айтди, лекин ҳақиқий ҳаёт ҳар ҳолда бу олий ғоялар ва чиройли сўзлардан узоқ. Тинтувлар, терговсиз суд ва муайян бир айбномалар қўймасдан қамоққа олишлар, турар-жой эркинлигининг бузилиши – буларнинг ҳаммаси инқилоб, эришилган эркинликларни сақлаб қолиш номидан қилинмоқда! Буткул қарама-қарши тушунчаларни қандай баён қилиш мумкин, шиорлар билан далиллар ўртасидаги зиддиятларни қандай тушунтирса бўлади? Келажакдаги ҳуқуқлар номидан очиқдан-очиқ қонунсизлик юз бермоқда»[30]. Демак, қатағон сиёсати фақат Россия империяси ёки совет мустамлакачилари учунгина эмас, қўшҳокимиятчилик даврига ҳам хос бўлганидан далолат бериб турибди.

Шунга қарамай Россиядаги инқилобий жараёнлар Туркистон мусулмон аҳолисининг сиёсий фаоллашувига сабаб бўлди. Мусулмон зиёли ва уламо етакчиларининг ташаббуси билан «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон», «Турк адами Марказият (Федералист) фирқаси» каби сиёсий ташкилотлар вужудга келди. Улар ташкил этган қурултойларда Туркистоннинг давлат тузилиши, бошқарув шакли, адлия идораларининг бўлажак ҳолати муҳокама қилинди. Масалан, 1917 йил 12-14 июлда Фарғона шаҳрида «Турк адами Марказият (Федералист) фирқаси» сиёсий партиясининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Ушбу қурултойда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳамда уларга ҳаммаслак бўлган ўнлаб жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоёндалари томонидан «Турк адами Марказият (Федералист) фирқаси» сиёсий партиясининг Маромнома ва Низомномаси ишлаб чиқилди. Эътиборга лойиқ

[30] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 46.

томони шундаки, жадид мутафаккирлари Маромномада ниҳоятда муҳим масалалардан бири сифатида адлия идораларига алоҳида ўрин ажратдилар.

Маромноманинг саккизинчи боби «Адлия масаласи» деб номланган бўлиб, олти моддани ўз ичига олган. Жумладан, ушбу бобнинг 1-моддасида суд маҳкамалари ва адлия органлари ҳар қандай аралашувдан озод бўлиши ва шариат ҳамда қонунларга бўйсуниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. 3-моддада эса ижроия органлари судьяларнинг тайинланиши, бир ишдан бошқа ишга ўтишига, шунингдек, терговнинг боришига аралашмаслиги ва таъсир қилмаслиги, жазолар тизими парламент томонидан ишлаб чиқилган конституция ҳамда қонунлар асосида белгиланиши таъкидланади. 5-моддада тергов ва суд ишларини кўриш албатта, адвокат иштирокида олиб борилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди[31].

Шунингдек, қурултойда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили ва динидан қатъий назар суд олдида тенг ҳуқуқлиги ва тегишли хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида бир хил жавобгарлиги, агарда бирор шахс тегишли ташкилотлар кўрсатмаси билан ҳибсга олинган тақдирда, унга 24 соат ичида айб эълон қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Мусулмон сиёсий ташкилотлари мустақил суд ҳокимияти ташкил этиш тарафдори эдилар. Жумладан, улар томонидан судьялар дахлсизлигини таъминлаш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг судлар фаолиятига аралашувига йўл қўймаслик, айбсизлик презумпцияси каби ғояларнинг олға сурилиши ўша давр нуқтаи назаридан улкан воқеа эди. Туркистонда мусулмон сиёсий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган концепция асосида демократик давлат ташкил этиш учун барча асослар мавжуд эди. Бироқ большевиклар партиясининг зўравонлик билан ҳокимиятга келиши сиёсий жараёнларни мутлақо бошқа ўзанга буриб юборди.

---

[31] «Турк адами Марказият (Федералист) фирқаси» Маромномаси // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1990. – № 7. – Б. 7.

Худди Россияда бўлгани сингари, Туркистонда ҳам большевиклар партияси аҳоли ўртасида катта таъсирга эга эмас эди. Ерли аҳоли уларнинг пуч ваъдаларига ишонмади ва мусулмон сиёсий ташкилотларга эргашди. Қонуний, демократик йўл билан ҳокимиятни эгаллашга кўзи етмаган большевиклар зўравонлик йўлини танлади. Петроград воқеаларининг таъсирида 1917 йил 1 ноябрда Тошкентда зўрлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди.

Ҳокимиятни қурол билан қўлга киритган большевиклар партияси янги давлат бошқарувини ташкил этиш масаласига ўта синфий ва шовинистларча муносабатда бўлди. Бу 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган ўлка советларининг III қурултойида яққол намоён бўлди. Қурултой большевикларнинг ташаббуси ва тазйиқи билан ўлкадаги янги ҳокимиятнинг раҳбар органи таркибига кўп миллатли маҳаллий аҳолининг бирорта ҳам вакилини киритмади. Бу билан янги бошқарув тизими Туркистон халқларига мустақиллик беришни хоҳламаслиги ва собиқ империя мустамлакаларини ўз тасарруфида сақлаб қолиш учун барча чораларни кўришини маълум қилган эди. Айниқса, ушбу мақсад Туркистон Мухториятининг шафқатсизларча тор-мор этилишида яққол намоён бўлган эди.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг собиқ империя тартиблари бекор қилиниб, янги бошқарув тизимини ташкил этишга киришилди. Жумладан, 1917 йил 24 ноябрда РСФСР ХКС қабул қилган суд ҳақидаги биринчи декретга асосан 1917 йил 12 декабрда Туркистон ХКС суд тўғрисида буйруқ эълон қилди[32]. Унда собиқ Россия империясининг барча суд маҳкамалари, чунончи, округ судлари, суд палатаси бекор қилиниб, сайловлар асосида тузиладиган янги судлар билан алмаштирилиши қайд этилган эди. Собиқ суд маҳкамалари билан бирга прокурор назорати, тергов ва адвокатлар ташкилоти ҳам тугатилди.

---

[32] Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики. –Ташкент: Типография ТАССР, 1918. – С. 2-3.

Эски суд тизими бекор қилингач, амалда янги совет судлари ташкил топмади. Совет даври адабиётларида Туркистон ўлкасида совет судлари жуда тезлик билан ташкил топгани, ҳатто, адлия бўлимлари уларни рўйхатга олишга улгура олмагани қайд этилади. Бу тарихий ҳақиқатга мутлақо зид эканлигини барча далиллар тасдиқлайди. Жумладан, Туркистон ўлкаси Адлия халқ комиссарлиги РСФСР ХКСга телеграмма орқали мурожаат этиб, янги совет судлари тузилгунга қадар собиқ империя судлари фаолиятига рухсат беришни сўрайди. Ушбу ҳолат ўрганиб чиқилиб, Марказнинг кўрсатмаси билан 1917 йил 31 декабрда Туркистон ХКС шошилинч декрет қабул қилди. Унда совет судлари тузилгунига қадар собиқ империя судлари фаолият юритиши, сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишлар эса маҳаллий советларга тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган эди[33].

Совет ҳокимиятининг суд соҳасида юритган сиёсати кескин норозиликка сабаб бўлди. Гарчи собиқ судьялар фаолиятига вақтинчалик рухсат берилса-да, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасига қайтмади. Бунинг оқибатида, жамиятда ялпи қонунсизлик муҳити вужудга келди. Маъмурий давлат идоралари, мансабдор шахслар суд ваколатини ўзлаштириб иш юритар, фуқароларни ноқонуний қамоққа олиш, суд-терговсиз жазога тортиш авж олади.

Натижада, 1918 йил 5 мартда Адлия халқ комиссарлиги бундай ҳаракатларга чек қўйиш ҳақида буйруқ чиқариб, унда давлат идоралари, мансабдор шахслар судларнинг рухсатисиз, агарда судлар мавжуд бўлмаса, Адлия халқ комиссарлигининг розилигисиз бирор-бир фуқарони қамоққа олиши тақиқланди[2]. Амалда эса бу ҳол давом этаверди. Масалан, 1918 йил 22 октябрда Фарғона округ судининг прокурори Туркистон АССР ҳукуматидан ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудлардан ташқарида фуқароларни

---

[33] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 55-варақ.
[2] Ўша жойда. 3-иш, 84-варақ.

суд ва терговсиз отишга чек қўйишни талаб қилганлиги ҳақидаги ҳужжат бунга яққол далил бўла олади[34].

Суд ҳақидаги биринчи декретда янги судларни ташкил этиш ва иш юритиш тартиби аниқ кўрсатиб берилмаган эди. Биринчи декретдаги камчиликларни тузатиш мақсадида 1918 йил 7 мартда иккинчи ва 1918 йил 20 июнда учинчи декретлар қабул қилинди. Аммо бу декретларнинг бирортаси амалда Туркистон ҳаётига жорий этилмади.

Суд тизимидаги анархияга барҳам бериш учун 1918 йил 8 апрелда Туркистонда олий суд идораси бўлган Тошкент суд палатасида йиғилиш бўлиб ўтди[35]. Йиғилиш сўнгида мавжуд вазиятни бартараф этиш учун зудлик билан ўлка суд ходимларининг қурултойини чақиришга қарор қилинди.

1918 йил 15-28 май кунлари Тошкент шаҳрида Туркистон ўлкаси суд ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Еттисув вилоятидан ташқари барча вилоят суд-ҳуқуқ идораларидан вакиллар иштирок этди. Жумладан, Сирдарё вилоятидан 20, Фарғонадан 10, Самарқанддан 5 ва Каспийортидан 4 нафар вакил бор эди[36]. Қурултойда 5 кишидан иборат бошқарув органи ташкил этилди. Унинг раиси этиб, Ашхабод округ судининг раиси В.Пацев сайланди. В.Пацев бунга қадар Тошкент округ судининг прокурори, Тошкент суд палатаси прокурори ўринбосари лавозимларида ишлаган эди.

Қурултой қатнашчиларининг барчаси собиқ идора вакиллари эди. Шуниси ажабланарлики, совет судларини ташкил этиш ва тизимда тартиб ўрнатиш яна собиқ империянинг адлия ходимларига топширилди. Қурултойда халқ судларини ташкил этиш, дастлабки тергов жараёни, фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи, Туркистон Олий кассация судини ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди. Ниҳоят, қатнашчилар Адлия халқ комиссарлиги таркибида янги суд қонунчилиги лойиҳаларини

---

[34] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 2-варақ.
[35] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 8-иш, 26-варақ.
[36] Открытие краевого съезда судебных деятелей // Наша газета. – Ташкент, 1918, 17 мая.

тайёрлаш учун ҳайъат ташкил этилиши ва у қурултой дастури асосида иш юритиши лозим, деган қарорга келди[37].

Бу орада 1918 йил 20 апрел - 1 майда Туркистон ўлка советларининг V қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой 1918 йил 30 апрелда Ленин ва Сталиннинг кўрсатмаси асосида Россия Совет Федерацияси таркибида Туркистон Совет Республикаси ташкил топганлигини эълон қилди. Бу ҳақдаги қарорда Туркистон Совет Республикаси автоном тарзда бошқарилиши, Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олиши ва ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштириши кўрсатиб ўтилган эди[38].

Қурултой республиканинг қонун чиқарувчи олий органи – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва ҳукумати – Халқ Комиссарлар Советини сайлади. Ҳукумат таркибига кирган 16 та комиссарликдан бири Адлия халқ комиссарлиги эди. Туркистон АССРнинг биринчи Адлия халқ комиссари этиб Х.Ибрагимов сайланди[39].

Адлия халқ комиссарлиги зиммасига Туркистонда собиқ империя судларини тугатиш ва совет судларини ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бу ҳақда «Адлия халқ комиссарлиги тўғрисида»ги низомда шундай ёзилганди: «Адлия халқ комиссарлиги ваколатига совет судларини ташкил этиш, уларнинг қонунчиликка риоя этишини назорат қилиш ва ўзаро муносабатини белгилаш киради»[40].

Суд ходимлари қурултойида таъкидлаб ўтилганидек, 1918 йил 18 июлда Адлия халқ комиссарлиги таркибида қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳайъат ташкил этилди[41]. Ҳайъат янги совет судларини ташкил этишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Кейинчалик суд-ҳуқуқ соҳасидаги барча қонун лойиҳалари ушбу ҳайъат томонидан ишлаб чиқилди.

---

[37] Открытие краевого съезда судебных деятелей // Наша газета. – Ташкент, 1918, 1 июня.
[38] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов.–Ташкент: Фан, 1972. Т. II. – С. 251.
[39] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси…– Б. 159.
[40] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 3-варақ.
[41] Ўша жойда. 6-варақ.

Ҳайъат таркиби 8 киши жумладан, 5 нафар рус ҳуқуқшуноси ва 3 нафар мусулмон фиқҳшуносидан иборат бўлиши лозим эди. Ҳақиқатда эса Адлия халқ комиссарлиги томонидан мусулмон фиқҳшуносларини ҳайъатга жалб этиш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмади. Бу эса келгусида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда маҳаллий аҳоли манфаати, турмуш тарзи ва анъаналари ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлди.

1918 йил 1 сентябрда Адлия халқ комиссарлиги йиғилишида Туркистон АССРнинг бўлғуси суд тизими муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида янги тизимнинг таркибий тузилиши аниқлаб олинди ва шу асосда ҳайъат аъзоларига тегишли лойиҳаларни тайёрлаш вазифаси юклатилди. Жумладан, И.Федяевга маҳаллий совет судлари, А.Вишняков ҳамда И.Чарковскийга округ халқ суди, Л.Данилевскийга кассация инстанция судлари лойиҳасини тайёрлаш мажбурияти юклатилди[42]. Ишлаб чиқилган лойиҳалар бир неча маротаба муҳокама қилиниб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ниҳоят, 1918 йил 16 ноябрда Туркистон АССР МИҚ Адлия халқ комиссарлиги томонидан ишлаб чиқилган «Туркистон Республикаси халқ судларига сайловлар тўғрисида»ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида декрет қабул қилди. Декрет 1919 йил 25 январдан кучга кирадиган ва унгача империя судлари тугатилиб, қуйидаги совет судлари тузиладиган бўлди: 1) маҳаллий суд, 2) маҳаллий судьялар вилоят кенгаши, 3) округ халқ суди, 4) Туркистон кассация суди[43].

Собиқ Россия империясининг мировой судлари ўрнини эгаллаган маҳаллий судлар янги суд тизимининг қуйи бўғинини ташкил этарди. Маҳаллий суд таркиби судья ва икки маслаҳатчидан иборат бўлиб, вилоят депутатлар кенгаши ёки ижроия қўмитаси томонидан бир йил муддатга сайланган.

---

[42] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 1-иш, 79-варақ.
[43] Ўша жойда. 3-иш, 163-178-варақлар.

Маҳаллий судлар фаолиятида бир қатор ноаниқликлар мавжуд эди. Жумладан, низомда маҳаллий судлар ҳузурида терговчи ва ҳимоячилар иш юритиши кўзда тутилмаган эди. Бунинг оқибатида судья ўзининг вазифасидан ташқари, тергов ишларини ҳам олиб боришга мажбур эди. Яъни, судья айбланувчини тергов қилгандан сўнг, ишни судда яна ўзи кўриб чиққан. Бундай ҳолатда судья тергов жараёнида ўзи берган айблов хулосасига қарши бориб, судда шахсни айбсиз деб топиши мантиққа зид ҳолат эди. Бундан ташқари, судда ҳимоячилар ҳайъати иштирок этмаган. Маҳаллий турмуш тарзига мутлақо ёт бўлган совет қонунчилиги олдида аҳоли ўзини ҳимоясиз сезарди. Умуман олганда, маҳаллий судларда иш юритиш жараёни ошкора равишда демократик тамойилларни инкор этар эди.

Маҳаллий суд 5 йилгача ҳукм қилинадиган жиноий ишлар ва 10000 рублгача бўлган фуқаролик даъволарни кўрган. Суд ишни кўриб чиқиб, РСФСР номидан ҳукм ёки қарор чиқарган. Ундан норози томонлар бир ой муддатда маҳаллий судьялар вилоят кенгашига кассация шикояти бериши мумкин эди.

Маҳаллий судьялар вилоят кенгаши фақат кассация шикоятларини кўрувчи суд идораси эди. Кенгаш таркиби камида 6 нафар судьядан иборат бўлиб, вилоят ижроия қўмитаси томонидан тегишли ҳудуддаги маҳаллий судьялар орасидан бир йил муддатга сайланган. Кенгаш маҳаллий судлар ҳукм ва қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиб, ҳукмни ўз кучида қолдириши, бекор қилиши ёки жазони енгиллаштириш ваколатига эга эди.

Собиқ империянинг округ судлари тугатилиб, Туркистон АССР таркибидаги ҳар бир вилоятда округ халқ судлари ташкил топди. Округ халқ суди маҳаллий судлар ваколатига кирмайдиган ишларни, жумладан, 10000 рублдан юқори бўлган фуқаролик даъволари ва қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, порахўрлик, давлат валютасини сохталаштириш каби оғир жиноий ишларни кўрган.

Округ халқ суди ҳузурида тергов комиссияси иш юритган. Комиссия таркиби терговчи ва икки ўринбосардан иборат эди. Тергов тугаллангач, иш судга тақдим этилган. Судда айбловчи ва ҳимоячилар ҳайъати иштирок этган.

Округ халқ суди фуқаролик ишларини 3 судья ва 4 маслаҳатчи, жиноий ишларни судья ва 12 маслаҳатчидан иборат таркибда кўрган. Округ халқ суди ҳукм ёки қарорни РСФСР номидан чиқарган. Округ халқ судининг ҳукм ёки қароридан норози томон бир ой муддатда Туркистон кассация судига шикоят бериши мумкин эди.

Тошкент суд палатаси тугатилиб, унинг ўрнига Туркистон кассация суди ташкил топди. Судьялар Туркистон АССР МИҚ томонидан сайланган. Туркистон кассация суди округ халқ судларининг ҳукм ва қарорларини кассация тартибида кўриб, уларни ўз кучида қолдириш, бекор қилиш ёки жазони енгиллаштириш ваколатига эга эди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, янги суд идоралари собиқ империя маҳкамаларидан деярли фарқ қилмасди. Биринчидан, судларнинг фақат номигина ўзгарган эди. Жумладан, «мировой суд» маҳаллий суд, «округ суди» эса округ халқ суди деб юритила бошлади. Иккинчидан эса, судьяларнинг катта қисми собиқ империя амалдорлари орасидан сайланган эди. Мисол учун, Сирдарё вилоятида судьялик лавозимига ўтказилган сайловларда иштирок этган 72 нафар номзоднинг барчаси собиқ соҳа вакиллари эди[44]. Учинчидан, совет судлари ҳали янги қонунлар ишлаб чиқилмагани боис собиқ империя тартиблари асосида иш юритарди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган судлар 1919 йил 25 январдан иш бошлаши белгиланган бўлса-да, совет судларини ташкил этиш март ойида ҳам ниҳоясига етмади. Шундай вазиятда биринчи декрет ҳаётга тўла тадбиқ этилмасдан, иккинчисига киришилди. 1919 йил 6 майда Туркистон АССР

---

[44] Мухамеджанов А. О выборах постоянных членов в народные суды Туркестанской Республики // Наша газета. – Ташкент, 1918, 28 ноября.

ХКС ягона халқ судларига ўтиш тўғрисида декрет қабул қилди[45]. Ушбу ҳужжатда 1919 йил 1 июлгача аввалги совет судлари тугатилиб, ягона халқ судлари ташкил этиш кўрсатиб ўтилган эди. Бундан кейин барча ишлар халқ судлари томонидан кўриладиган, фақат ишнинг оғир-енгиллигига қараб суд маслаҳатчиларининг сони ўзгарадиган бўлди. Масалан, енгил ишларни судья бир ўзи кўрса, оғир турдаги жиноий ишлар ҳамда катта ҳажмдаги фуқаролик даъволарини икки ёки олти маслаҳатчи билан кўриши белгилаб қўйилди.

1919 йил 17 июнда Туркистон АССР ХКС қози ва бий судларини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди[46]. Қарорга асосан 1919 йил 1 августга қадар барча қози ва бий судлари тугатилиб, маҳаллий аҳоли мурожаатлари ҳам совет судларида кўриладиган бўлди. Бундан кейин маҳаллий аҳоли орасидан сайланган совет судьялари янги қонунчиликка асосан иш юритиши, баъзи ҳолларда совет қонунларига зид бўлмаган шариат ва одат нормаларини қўллаши мумкин эди. Халқ судьялари вилоят кенгаши ҳам рус ва мусулмон бўлимларига бўлинди.

Сиёсий тузумнинг беқарорлиги мамлакатда янги суд тизимини қарор топтиришга салбий таъсир кўрсатди. 1917 йилда ташкил топган совет ҳокимияти фақат 1919 йилга келиб, яъни орадан икки йил ўтгачгина янги судларни ташкил этишга муваффақ бўлди. Шунда ҳам совет судлари ўта зиддиятли тарзда фаолият юритди. Буни Туркистон АССР вилоятларидаги совет судлари фаолиятининг таҳлилидан яққол кўриш мумкин. Масалан, Сирдарё вилоятида 1919 йил январда собиқ империя судлари тугатилиб, янги совет судлари ташкил топиши лозим эди. Бироқ, 1919 йил 10 майдаги расмий ҳисоботлардан бирида ҳали ҳам собиқ империянинг округ ва мировой судлари фаолият юритаётгани кўрсатиб ўтилган эди[47]. 1919 йил 1 августда

---

[45] Приказ Совет Комиссаров Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. –Ташкент, 1919. – № 2. – С. 2.
[46] Борисов В. Новая судебная реформа // Известия. – Ташкент, 1919, 3 июля.
[47] Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 4-варақ.

ягона халқ судларига ўтилиши муносабати билан вилоятда 62 та халқ суди ташкил этишга қарор қилинди.

Халқ судлари учун етарли иш шароити яратилмаган эди. Кўп ҳолларда фуқаролардан тушган мурожаатларни расмийлаштириш, девонхона, суд мажлиси, маслаҳат кенгаши каби жараёнларнинг барчаси бир хонада олиб бориларди[48]. Бино йўқлигидан Тошкент уездидаги 4 та халқ судидан фақат биттаси иш юритар эди.

Халқ судьялари Сирдарё вилоят кенгашининг вилоят инқилобий қўмитасига йўллаган мурожаатларининг бирида судлар учун бино ажратилмаганлиги, бунинг оқибатида бир йилда камида 5-6 жойга кўчаётганлиги маълум қилинган эди. Бундай ҳолат суд ишларига салбий таъсир этаётганлигини таъкидлаб, кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан қатъий чоралар кўришни сўраган эди[49].

Судда ишлар йиллаб кўрилмаслиги одатий ҳолга айланганди. Сирдарё вилоятидаги 58 та халқ судида 1920 йил 1 август ҳолатига кўра, 11847 та иш кўрилмасдан тўпланиб қолганди[50]. Судья айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар судда ихтиёрий ҳозир бўлганда ишни кўриши мумкин бўлиб, яширинишга улгурган жиноятчиларга қидирув эълон қилишга эса маблағ йўқ эди. Далиллар ва гувоҳларга эга бўлмаган иш ёпиларди[51].

Суд қонунчилиги адолатни таъминлашга хизмат қила олмасди. Айниқса, товон пули тўлаб айбдорни озод қилиш ҳоллари авж олган эди. Масалан, Сирдарё вилоятидаги халқ судларини тафтиш қилган Адлия халқ комиссарлиги вакили Федоров Пскент халқ судьяси кўрган бир жиноий ишга эътиборни қаратади. Қизил армия сафида хизмат қилаётган икки аскар номусга тегиш ва одам ўлдириш жинояти устида қўлга олинади. Судья уларга енгил жазо қўллаши оқибатида аскарлар бир йил ўтмасдан озодликка

---

[48] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 50-иш, 334-варақ.
[49] Тошкент вилоят архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 7-варақ.
[50] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 95-иш, 38-варақ.
[51] Ўша жойда. 210-варақ.

чиқишга муваффақ бўлади. Ушбу ҳолатни Федоров қуйидагича изоҳлайди: «Бадавлат киши товон пули бериб озодликка чиқса, камбағал бечора эса арзимас айби учун қамоқда ётади»[52].

Шунга ўхшаш ҳолатларнинг гувоҳи бўлган халқ судьялари вилоят кенгаши раиси А.Расулов Адлия халқ комиссарлигига мурожаатларидан бирида қуйидагиларни маълум қилган эди: «1919 йил январдан Туркистонда иш бошлаган янги совет судлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни ҳаётга жорий этиши лозим эди. Ўтган даврда биз гувоҳ бўлдикки, суд ўзига юклатилган вазифани бажара олмади»[53].

1920 йил 16-23 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Сирдарё вилоят судьяларининг қурултойида ҳам судлар фаолиятида учрайдиган муаммолар танқид остига олинган эди. Жумладан, суд чақирув қоғозининг милиция ва ижроия органлари томонидан эгаларига ўз вақтида етказилмаслиги, ҳукм ва қарорлар ижросининг кечикиши ёки умуман ижро этилмаслиги, маслаҳатчиларнинг вазифаларини лоқайдлик билан бажариши, халқ судларининг бино ва зарур иш қуроллари билан таъминланмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди[54].

Суд ижрочилари ва милиция ходимларининг ўз вазифаларини тўлиқ бажармаслиги сабаб суд ҳукмлари қоғозда қолиб кетар эди. Адолат қарор топмаганлиги учун аҳоли судга мурожаат этмас эди.

Суддаги барча юмушлар судьянинг бир ўзига юклатилган эди. У судьялик вазифасидан ташқари девонхона ходими сифатида мурожаатларни расмийлаштирар ҳамда тергов ишларини олиб борар эди. Натижада, пала-партишликлар келиб чиққан. Масалан, Пскент участка судьяси Жўра Султоновнинг маълум қилишича, терговчилар йўқлигидан ишни терговсиз ҳам кўраверган. Ҳимоячилар ҳайъати иш юритмаслиги сабаб собиқ империя адвокатлари хизматидан яширинча фойдаланилган.

---

[52] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 260-278-варақлар.
[53] Ўша жойда. 95-иш, 38-варақ.
[54] Революционный суд // Известия. – Ташкент, 1920, 28 октября.

Фавқулодда тергов идораларининг судга тазйиқи ортиб борган. Ҳукумат йўриғига юрмаган, вазиятни реал баҳолашга уринган судьялар суд залининг ўзида, халқ кўз ўнгида қамоққа олинган ёки бўлмаса турли баҳоналар билан вазифасидан озод қилинган. Бу ҳақда вилоят судьялари қурултойи қатнашчиси, Туркистон уезд 4-участка халқ судьяси Утегенов шундай хабар берган эди: «Ҳокимият идораларидан мустақил фаолият юритишга уринган ёки мансабдор шахсларга маъқул келмайдиган қарор қабул қилган судьялар тез-тез алмаштирилмоқда»[55].

Шунингдек, совет судлари тўлиқ таркибда фаолият юритмас эди. Кўпинча суд мажлислари маслаҳатчиларсиз олиб борилар ёки расмиятчилик юзасидан тасодифий шахслар жалб этиларди. Масалан, Авлиёота уездида судья рус миллатига мансуб бўлса, маслаҳатчилар маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган. Улар бир-бирларининг тилида гаплаша олмаган. Судья эса рус тилида иш юритган[56]. Ушбу ҳолат адолатни таъминлашга даъво қилган, аслида эса халқни асоратда сақлаб туришга қаратилган совет судларининг кўзбўямачиликдан иборат фаолиятини фош этади.

Судьялар иш юритиш учун оддий иш қуролларига ҳам эга эмас эди. Айниқса, қоғоз, қалам ва шунга ўхшаш зарур иш юритиш воситаларининг етишмаслиги жиддий муаммо эди. Судьяларнинг бу масалада ҳукуматга бир неча маротаба шикоят қилганликлари ҳам шундан далолат беради.

Шунга ўхшаш ҳолатларни Самарқанд вилоятида ҳам учратиш мумкин эди. 1919 йил 18 январда Самарқанд округ халқ суди ташкил топди. 1919 йил 1 августдан ягона халқ судларига ўтилиши муносабати билан вилоятда 55 та халқ суди ташкил этиш кўзда тутилган эди, бироқ улардан бор-йўғи 24 таси иш юритарди[57]. Қолган судлар мутахассис йўқлиги ёки маблағ етишмаслиги сабаб ташкил топмаган эди. Натижада, судьялик лавозимини собиқ адлия

---

[55] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 95-иш, 233-варақ.
[56] Ўша жойда. 234-варақ.
[57] Штаты народных судей, следователей и правозаступников по Комиссариату Юстиции Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919. – № 2. – С. 5.

ходимлари эгаллаган. Яъни, рус судьяси этиб собиқ империя судьялари, мусулмон судьяси этиб эса қозилар сайланган.

Халқ судьялари вилоят кенгаши рус ва мусулмон бўлимларидан иборат бўлиши низомда белгиланган бўлса-да, мусулмон мутахассислар йўқлигидан асосан рус бўлими иш юритар эди. 1919 йил 19 сентябрда Адлия халқ комиссарлигининг буйруғи билан Каспийорти вилояти халқ судларининг кассация шикоятини кўриш ҳам халқ судьялари Самарқанд вилояти кенгаши зиммасига юклатилди[58]. Тўлиқ бўлмаган таркибда иккала вилоятга хизмат кўрсатиш кенгаш судьяларини мураккаб аҳволга солган.

1919 йил ноябр-декабр ойларида Адлия халқ комиссари Р.Капкаев Янги Бухоро ва Самарқанд вилоят суд-тергов идораларини тафтиш қилди. Тафтиш давомида судлар фаолиятида жиддий муаммолар борлиги маълум бўлади. Жумладан, Янги Бухорода биргина рус судьяси бўлиб, судьяга юклатилган вазифа жиноий ишлар бўйича меъёрдагидан 30 баравар, фуқаролик ишлар бўйича 14 баравар кўп эди[59].

Халқ судьялари Самарқанд вилоят кенгаши раиси А.Емелянов вилоятдаги аҳвол юзасидан Адлия халқ комиссарига ҳисобот тақдим этади. Ҳисоботда совет судлари маҳаллий аҳоли ўртасида ҳеч қандай нуфузга эга эмаслиги кўрсатиб ўтилган эди. Бундай ҳолатдан фойдаланган маҳаллий ҳокимият суд ишларига муттасил равишда аралашиб, зўравонлик ўтказган. Масалан, Самарқанд шаҳар ижроқўмининг буйруғи билан халқ судьялари вилоят кенгаши жойлашган бино ундан тортиб олингач, суд идораси фуқароларнинг шахсий уйида фаолият юритишга мажбур бўлган[60].

Халқ судьялари Самарқанд вилоят кенгаши раиси судлар қарийб бадарға қилингани, марказий ҳукумат маҳаллий ҳокимиятнинг буйруқларини бекор қилмаса, қонуний иш юритиш мумкин эмаслигини маълум қилган эди.

---

[58] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 31-иш, 125-варақ.
[59] Ўша жойда. 125-варақ.
[60] Ўша жойда. 126-варақ.

Адлия халқ комиссари халқ судлари фаолиятини кузатиб, қуйидаги хулосага келган эди: «Суд маслаҳатчилари нўноқ ва ўз вазифасига номуносиб. Судда халқ судьясининг ҳукмронлиги ўрнатилган. Маслаҳатчилар доимо судьянинг фикрига қўшилишади. Улар аксарият ҳолларда судда иштирок этганда ўзларини ноқулай ҳис қилишади, ўз фикрларини баён этишдан тортинишади ва ҳатто, судья билан бир стол атрофида ўтиришдан қўрқишади»[61].

Маслаҳатчилар судда доимий иштирок этмаслигининг бир қанча сабаблари мавжуд эди. Биринчидан, судьялар амалда маслаҳатчилар билан мутлақо фикрлашмас эди. Аксар ҳолларда улар тасодифий шахслардан иборат бўлиб, ишнинг мазмун-моҳиятини англаб етмас ва расмиятчилик учунгина суд жараёнига жалб этилар эди. Шу боис аҳоли ўртасида маслаҳатчилар суд жараёнида ҳеч нарсани ҳал қила олмайди, деган фикр шаклланган эди. Иккинчидан, маслаҳатчиларга маош берилмаслиги сабаб, ўз ишларига рағбат билан киришмаган. Учинчидан, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳар доим ҳам суд маслаҳатчиларига ўз вазифаларини ташлаб судда иштирок этишига рухсат бермасди[62].

Фарғона вилоятида 1918 йил охирига қадар собиқ империя судлари фаолият юритди. Округ суди раиси Ю.Рахальский Адлия халқ комиссарлигига янги совет қонунлари йўқлиги учун собиқ империя қонунлари асосида иш юритаётганини маълум қилган эди[63].

Фарғона вилоятида дастлабки совет судлари 1919 йил апрелдан иш бошлади. Маҳаллий судьялар Фарғона вилоят кенгашига А.Яковлев раис этиб сайланди. Кенгаш таркибига Ф.Левицкий, Ибрагимов ва Ҳусаиновлар киритилди[64].

---

[61] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 31-иш, 126-варақ.
[62] Ўша жойда. 107-варақ.
[63] Фарғона вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 7-варақ.
[64] Фарғона вилоят архиви, 448-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 294-варақ.

1919 йил 1 августдан халқ судлари тизимига ўтилиши муносабати билан Фарғона вилоятида 55 та халқ судлари ташкил этиш мўлжалланган бўлса-да, кўрсатиб ўтилган судларнинг зўрға ярми ташкил топди ва мавжудлари ҳам фақат шаҳарларда иш юритар эди[65]. Халқ судьялари Фарғона вилоят кенгашининг 1919 йил якуни юзасидан Адлия халқ комиссарлигига тақдим этган ҳисоботида Фарғона вилоятида 29 судья, 12 терговчи ва 13 ҳимоячи борлиги эслатиб ўтилган эди[66]. Маош берилмаслиги сабаб Ўш ва Эски Марғилонда ходимлар ишлашдан бош тортишган[67].

Тергов ишлари тартибсиз олиб бориларди. Жиноятни фош этишда воқеа жойини ўрганиш муҳим аҳамият касб этгани ҳолда терговчилар фақат шаҳарлардагина жиноят содир этилган жойни кўздан кечирар ва суриштирув ишларини олиб борар эди. Масалан, халқ судьялари Фарғона вилоят кенгашининг Адлия халқ комиссарлигига маълум қилишича, уезд ва қишлоқларда ўтказиладиган тергов ишларининг самараси кам бўлиб, кўп ҳолларда терговчилар жиноят содир этилгани ҳақида хабар олса ҳам, у ерга бормасди[68].

Тергов тўлиқ олиб борилмаганидан судга етарли далиллар тақдим этилмас ва бу судьяларнинг нотўғри ҳукм чиқаришига сабаб бўларди. Ягона халқ судлари ҳақидаги декретнинг 30-моддасида тергов комиссияси терговчи ва икки ўринбосардан иборат бўлиши белгилаб қўйилган бўлса-да, аслида бир терговчи бир неча халқ судига хизмат кўрсатган. Масалан, Андижон уездида учта халқ судига бир терговчи бириктирилган эди[69].

Ҳимоячилар фаолияти ҳам тўғри йўлга қўйилмаган эди. Вилоят бўйича фақат Андижон ва Қўқонда ҳимоячилар ҳайъати мавжуд эди. Шунда ҳам улар фақат шаҳарликларга хизмат кўрсатиб, қишлоқ аҳолиси эса бундай хизмат туридан четда қолган эди.

---

[65] Фарғона вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 4-6-варақлар.
[66] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 51-иш, 107-варақ.
[67] Ўша жойда. 107-варақ.
[68] Ўша жойда. 107-варақ.
[69] Ўша жойда. 53-иш, 145-варақ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзасидан Фарғона вилоят адлия бўлими раҳбари Адлия халқ комиссарлигига тақдим этган ҳисоботида маҳаллий аҳоли ихтиёрий равишда совет судларига мурожаат қилмаслиги ва совет судлари ерли халқ турмуш тарзидан йироқлиги баён этилган эди[70].

Бошқа вилоятларда бўлгани сингари Еттисувда ҳам совет судлари муаммолар гирдобида қолган эди. 1919 йил ноябр ойида Адлия халқ комиссарлиги топшириғига асосан Г.Агаревский Еттисув вилоят судларини тафтиш қилганда, бир қатор қонунбузарликларнинг гувоҳи бўлади. Хусусан, у бу ҳақда қуйидагиларни маълум қилган эди: «Совет судлари ҳеч қандай янги ва халқ суди эмас. Вилоятдаги барча суд-тергов идораларининг таркиби собиқ империя судьяларидан иборат. Уларнинг аксарияти совет ҳокимиятининг мустаҳкамлигига шубҳа билан қарайди. Бундай қараш нафақат соҳа вакиллари ўртасида, балки масъул лавозимларда ишлайдиган совет ходимлари ва бутун бошли муассасаларда ҳам мавжуд»[71].

Судлар ҳокимият идораларининг муттасил босими остида фаолият юритган. 1919 йил 22 августда Еттисув вилоят советларининг III қурултойида адлия бўлим раҳбари А.Майстренко судлар фаолиятида тўсиқларга дуч келаётгани, жумладан, маъмурий, ҳарбий ва бошқа давлат идораларининг суд ишига бўлар-бўлмас аралашаётганини маълум қилган эди. Суд одил, ҳаққоний ва тезкор бўлиши учун ташқи таъсир ва босимлардан ҳоли бўлиши лозимлигини талаб қилган эди. Ҳеч ким суд ишларига аралашишга ҳақли эмаслигини, бундай ҳаракатни содир этган шахсларни инқилобий трибуналда жазога тортишга чақирган эди[72].

Шунга қарамай, фавқулодда комиссия судлар фаолиятига аралашиб, ишни ўз манфаати йўлида ҳал этишга эришган. Расмий маълумотлардан бирида келтирилишича, фавқулодда идоралар судьяларнинг ҳукм ва

---

[70] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 53-иш, 147-варақ.
[71] Ўша жойда. 44-иш, 17-варақ.
[72] Ўша жойда. 28-варақ.

қарорларини бекор қилиб, ишни қайтадан кўришга буйруқ берар, бу талабни бажармаган судьялар эса қамоққа олинарди[73].

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш масаласи бир неча бор вилоят, уезд судьяларининг мажлисларида муҳокама қилиниб, қарор ва баёнотлар қабул қилинса-да, бироқ уларнинг бирортаси кутилган натижани бермади. Масалан, 1920 йил 25 майда Жаркент уезд судьяларининг йиғилишида раис Н.Қалмиқов фавқулодда комиссия, божхона, ташқи савдо идораларининг судлар фаолиятига аралашувидан шикоят қилган эди. Улар суддан у ёки бу иш юзасидан қайси судья, маслаҳатчининг иштирок этиши, уларнинг исм-фамилиясини олдиндан маълум қилишни, ишни ўзларига мос йўсинда ҳал қилишни талаб қилишган. Судьялар қабул қилган ҳукм ва қарорларига шахсан изоҳ бериш учун тез-тез фавқулодда комиссиянинг махсус бўлимига чақирилган. Судья билан муносабатда одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилинмас, ҳақоратомуз ва қўрқитувчи оҳангда мурожаат қилинарди. Судьяларга бирор иш юзасидан нима учун айнан шундай ҳукм чиқаргани, айбланувчи қамалмасдан оқлангани ва ҳоказо талабларни қўйишган. Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллиги чекланиб, фавқулодда тергов идоралари томонидан сўроқ қилинган[74]. Шу тарзда, судьялар фавқулодда тергов идоралари томонидан очиқдан-очиқ тазйиққа учраб турарди.

Вилоятлар орасида энг ачинарли ҳолат Каспийорти вилоятида кузатилади. Бошқа вилоятларда 20-30 тадан халқ судлари иш юритса, ушбу вилоятда уларнинг сони атиги 5 та эди. Мавжудлари ҳам амалда фаолият юритмас эди. Масалан, Марв шаҳрида фақат бир нафар халқ судьяси бўлиб, терговчи ва ҳимоячисиз иш юритган. Судья 1919 йил октябрдан 1920 йил сентябргача бор-йўғи 11 та жиноий ишни кўрган[75]. Ваҳоланки, икки мингта иш кўрилмасдан тўпланиб қолган эди.

---

[73] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 54-иш, 119-варақ.
[74] Ўша жойда. 85-варақ.
[75] Ўша жойда. 87-иш, 1-варақ.

Бутун вилоят бўйича фақат Ашхабод шаҳрида 3 нафардан терговчи ва ҳимоячи иш юритган. Вилоятнинг бошқа бирор ҳудудида терговчи ва ҳимоячилар йўқ бўлиб, судьялар процессуал меъёрларни бузган ҳолда иш юритишган. Ана шу ҳолатда совет ҳокимиятининг Каспийорти вилоятида суд соҳасида жиддий хатоларга йўл қўйгани маълум бўлади. Вилоятнинг бошқа уездлари Красноводск ва Теженда нафақат терговчи ва ҳимоячилар, балки халқ судлари ҳам 1921 йилгача ташкил этилмаган эди[76].

Судьяларнинг саводсизлигидан судда жиноий ишлар фуқаролик тартибида, фуқаролик ишлари эса аксинча кўриб чиқилган. Табиийки, ушбу ҳолат ҳукм ва қарорларнинг асосланмаган тарзда қабул қилинишига олиб келган. Бу эса аҳоли ўртасида совет судларига нисбатан ишончсизлик кайфиятининг вужудга келишига сабаб бўлган. Шунингдек, халқ судларига маблағ маҳаллий ҳокимият томонидан ажратилгани учун унга қарам эди. Судьялар ҳокимият идораларининг асоссиз талабларини бажаришга мажбур эдилар.

Халқ судлари ҳукм ва қарорларини кассация тартибида кўрувчи халқ судьялари вилоят кенгаши мавжуд эмас эди. Бундай шикоятлар Самарқанд вилоят кенгашига юборилар эди. Масофанинг узоқлиги натижасида шикоятларнинг ўз вақтида ҳамда қонуний тартибда кўриб чиқилишига умид қилмаса ҳам бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон АССРда совет халқ судларининг фаолияти жуда зиддиятли кечди. Фавқулодда суд-тергов идораларини суд жараёнларига аралашиб, босим ўтказиши халқ судларининг эркин фаолият юритишига имкон бермади. Бундан ташқари, халқ судлари молиявий таъминоти масаласининг ҳал қилинмаганлиги оқибатида анархия янада авж олди.

Вилоят марказларида иш юритган халқ судьялари кенгашлари ҳам тўлиқ таркибда фаолият юритмади. Ушбу идора халқ судларини назорат

[76] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 87-иш, 29-варақ.

қилиш ва кассация шикоятларини кўриши лозим бўлгани ҳолда, кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйгани боис 1920 йил 20 февралда Адлия халқ комиссарлиги таркибида «Суд назорати» бўлими ташкил этилди ва унга вилоят кенгашлари устидан тушган шикоятларни назорат тартибида кўриш ҳуқуқи берилди. Биргина 1920 йилнинг ўзида вилоят кенгашлари томонидан қабул қилинган 450 та ҳукм ва қарор қонунчиликка зид бўлгани учун ушбу бўлим томонидан бекор қилинганлиги совет судлари фаолиятини баҳолаш учун етарли далил бўла олади.

Бир сўз билан айтганда, Туркистонда ташкил этилган совет халқ судлари тизими юқоридан қуйигача муаммолар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларга тўла бўлиб, совет ҳокимияти даъво қилганидек, адолатга хизмат қилувчи халқ суди сифатида шакллана олмади.

1.2. Совет халқ судларида кадрлар муаммоси

Суд тизимида хизмат қиладиган мутахассислар ўз вазифасини қанчалик тўғри ва қонун талаблари асосида ижро этиши суд ҳокимиятининг обрўси ҳамда фуқароларнинг унга бўлган ишончини белгилайди. Шу сабабдан совет суд тизимининг моҳиятини очиб беришда кадрлар масаласини ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди. Инқилоб қонунчилигининг ижрога тадбиқ этилиши совет судьяларининг саводхонлиги ва малака даражаси қай ҳолатда эканлигига боғлиқ эди.

Совет ҳукумати қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бирор ҳодисани тезкор ҳал этиш мақсадида атрофлича ўрганмай, хусусий ҳолатларга асосланиб қабул қилинар эди. Бундан ташқари, улар ўта кескин ва синфий характерга эга эди. Шу боис соҳа вакиллари ҳукумат декретларини кучли норозилик билан қарши олдилар. Масалан, Туркистон уезди мировой судьяси судда совет ҳокимияти кўрсатмаси бўйича жиноий ишларни кўришни рад этиб, большевикларга бўйсунмаслигини маълум қилди.

Верный ва Перовский шаҳар судьялари ҳам ҳукм ва қарорларида совет ҳокимияти декретларига асосланмасликларини маълум қилдилар[77]. Умуман, эски тизимни тугатиш ва янги совет судларини тузиш соҳа ходимларининг шиддатли қаршилиги билан кураш вазиятида юз берди.

Янги совет судларини қарор топтириш учун мутахассислар зарур эди. Большевикларни қўллаб-қувватлаган кам сонли темир йўл ишчилари ва қизил аскарлар орасида судьялик вазифасини бажара оладиган кадрлар йўқ эди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби суд соҳасида ҳам ўзгаришлар бошлаган совет ҳокимияти боши берк кўчага кириб қолган эди. Бунга сабаб биринчидан, совет суд қонунчилигининг назарий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган эди. Ўша давр нашрларидан бирида ёзилганидек, чор ҳукуматининг қонунлари битирилган, аммо янги қонун ва тартиблар тузилган эмас эди[78]. Иккинчидан, асосан зиддиятли ҳолатларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш механизми мавжуд эмас эди. Учинчидан, ҳукумат декретлари фавқулодда қабул қилингани боис, уларни биладиган мутахассислар мавжуд эмас эди. Шу сабаб судьялик вазифасига мутлақо тасодифий, ҳаттоки хат-саводсиз кишилар сайланган. Масалан, Сирдарё вилоятининг Перовский уездидаги 1-участка халқ судьяси Хохлов саводсиз бўлиб, фақат имзо қўйишни биларди. Ҳукм ва қарорлар эса маслаҳатчилар томонидан қабул қилинарди[79]. Яна бир халқ судьяси Розенберг ветеринар врачи бўлиб, суд ишларини умуман тушунмаган[80]. Шунга ўхшаш ҳолатларни Туркистон АССРнинг барча вилоятларида учратиш мумкин эди.

Шу боис совет ҳокимияти собиқ империя судьялари хизматидан фойдаланишга мажбур бўлди. Масалан, 1919 йилда Еттисув ва Фарғона вилоятларида сайланган судьяларнинг аксарияти собиқ империя судьялари

---

[77] Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Т.: Госиздат УзССР, 1957. – С. 44.
[78] Уразаев А. Судебные органы УзССР // Вестник юстиции Узбекистана. –Ташкент, 1925. – № 2-3. – С. 53.
[79] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 50- иш, 294-варақ.
[80] Ўша жойда. 67-варақ.

ҳамда қозилар эди[81]. 1919 йил 5 июлда Сирдарё вилоятида сайланган 25 нафар халқ судьясининг бор-йўғи 3 нафари совет кадрлари эди[82]. Совет ҳокимияти ўрнатилганига бир неча йил бўлган бўлса-да, суд тизимидаги кадрларнинг салмоқли қисмини собиқ адлия ходимлари ташкил этарди.

1919 йил 17 июнда Туркистон АССР ХКС қабул қилган қарорда рус ва мусулмон аҳоли учун ягона халқ судлари ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган бўлса-да, мутахассислар йўқлигидан улар тўлиқ фаолият юритмасди. Статистик маълумотларга мурожаат этилса, Еттисув вилоятида белгиланган 74 та халқ судидан 43 та, Самарқанд вилоятида 55 та халқ судидан 24 та, Сирдарё вилоятида 62 та халқ судидан 56 та, Фарғона вилоятида 55 та халқ судидан 30 та, Каспийорти вилоятида эса 21 та халқ судидан атиги 5 таси фаолият юритарди[83].

Кадрлар муаммоси молиявий инқироз шароитида янада кескинлашди. Судьяларга маошнинг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман берилмаслиги уларнинг суд идораларидан кетишига сабаб бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва хусусий мулкнинг талон-тарож қилиниши натижасида маҳсулот таннархи бир неча баробар ошиб, инфляция даражаси кескин кучайган даврда судьялар арзимас маошга турмуш кечириши қийин эди. Бу ҳақда халқ судьялари Еттисув вилоят кенгаши раиси шундай хабар берган эди: «Судьялар ўз вазифаларини ташлаб кетишмоқда ёки баъзилари хизмат вазифасини бажариш билан бирга аввалги деҳқончилик ва ҳунармандчилигини давом эттирмоқда»[84].

Нафақат ходимларга маош берилмас, ҳаттоки суд жараёнларини амалга ошириш учун ҳам маблағ йўқ эди. Судьяларнинг бир неча бор талабидан сўнг 1919 йил 9 сентябрда Адлия халқ комиссари Р.Капкаев Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасига қуйидаги шикоят хатини тақдим этишга

---

[81] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 53-иш, 146-варақ.
[82] Ўша жойда. 48-иш, 34-35-варақлар.
[83] Штаты народных судей, следователей и правозаступников по Комиссариату Юстиции Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики... – С. 5-6.
[84] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 50-иш, 119-варақ.

мажбур бўлган эди: «Меҳнат жараёнидаги оғир шароит мени раҳбар ходим сифатида фаолиятимиздаги муаммолар юзасидан ўлка олий ҳокимиятига ушбу хат билан мурожаат этишга мажбур этди. Қатъий ишонч билан айта оламанки, комиссарлик ўзига юклатилган вазифаларни ҳаётга жорий этишда етарли кучга эга эмас»[85]. Адлия халқ комиссари ўз шикоятида маошдан ташқари моддий рағбатлантириш чораларининг кўрилмаслиги малакали ходимларни соҳада ушлаб туришга имкон бермаётганлигини маълум қилган эди. Амударё бўлими, Каспийорти ва Еттисув вилоятларига ҳуқуқшунос мутахассислар юборишни, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги суд ходимларини ҳарбий сафарбарликдан озод этишни ҳукуматдан сўраган эди.

Нафақат суд идоралари, ҳаттоки Адлия халқ комиссарлигининг имкониятлари ҳам чекланган эди. Расмий маълумотларга кўра 1919 йилда Адлия халқ комиссарлигида 7 нафар ҳуқуқшунос иш юритган. Улар бир вақтнинг ўзида бир неча лавозимда ва меҳнат мажбуриятлари юки остида ишлаган. Масалан, комиссарлик аъзолари Д.Новицкий ҳарбий трибунал раиси, Сирдарё вилоят халқ судьялари кенгаши раиси лавозимларида ишлаган. А.Расулов эса Сирдарё вилоят халқ судьялари кенгаши ҳамраиси, ҳарбий трибунал аъзоси эди. Адлия халқ комиссари Р.Капкаев бир вақтнинг ўзида Туркистон АССР МИҚ аъзоси ҳам эди. Ушбу ҳолат комиссарнинг имкониятларини чеклаб, ўз вазифасини тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилган[86].

1920 йил 5-8 октябрда Тошкентда Туркистон АССР халқ судьялари вилоят кенгаши ва инқилобий трибунал раисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидаги асосий масала суд ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш эди. Йиғилиш қатнашчилари ҳукуматдан суд ходимларига одилона маош тўланишини, шунингдек, моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш ва мукофот пуллари берилиши лозимлигини талаб қилган эди[87].

---

[85] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 63-иш, 454-варақ.
[86] Ўша жойда. 454 (б)- варақ.
[87] Народный суд // Известия. – Ташкент, 1920, 8 октября.

Адлия халқ комиссари ва халқ судьялари вилоят кенгашининг ҳукуматга бир неча маротаба мурожаатларига қарамай, судьяларнинг аҳволи аввалгидек ночор бўлиб қолаверган. Масалан, 1920 йил сентябрда Туркистон АССР янги конституцияси қабул қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида Адлия халқ комиссари суд-ҳуқуқ соҳасидаги аҳвол юзасидан маъруза қилади. Маърузада судьяларнинг аянчли аҳволи баён этилган эди: «Судьялар ночор аҳволда. Улар қўшимча даромад топиш учун уй хўжалик ишлари билан шуғулланишади: ўтин ёришади, сув ташишади, самовар ёқишади, кир ювишади ва ҳоказо. Юқоридаги каби нуқсонларни бартараф этиш учун улар меҳнатига мувофиқ ҳақ тўланиши керак»[88]. Маърузада келтирилишича, тажрибали ходимлар бўлса-да, улар комиссариятга иш сўраб мурожаат этишмаган.

Бошқа бир маълумотда қайд этилишича, моянанинг камлиги ёки берилмаслиги, суд эҳтиёжи учун тегишли сармоянинг йўқлиги ушбу соҳада ишловчи кадрларнинг адлия маҳкамаларидан кетишига сабаб бўлган. Қолганлари эса ўз касбларини даромад манбаига айлантириб олганлар[89]. Ушбу ҳолат совет суд тизимида дастлабки йилларданоқ тамагирлик ва порахўрликнинг илдиз отишига сабаб бўлди.

Судьяларнинг расмий мурожаатлари натижа бермагач, ҳукумат томонидан ўзларига етарли маблағ ажратилмагунча иш ташлаш эълон қилишди. Масалан, 1920 йил сентябр-ноябр ойларида Еттисув вилоят суд-тергов идоралари ўзларига маблағ ажратилмагунча фаолият юритмаслик ва бу масалада бир-бирларига тўсқинлик қилмасликка келишиб олдилар[90].

Суд тизимида кадрлар қўнимсизлигига ҳарбий ҳаракатлар ҳам таъсир этган. Совет ҳукумати Туркистонда қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш учун қизил армия таркибини кучайтиришга қарор қилди. Шу мақсадда судья, терговчи ва ҳимоячиларнинг ҳам бир қисми ҳарбий кенгаш, фавқулодда

---

[88] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 247-варақ.
[89] Уразаев А. Судебные органы УзССР // Вестник юстиции Узбекистана... – С. 56.
[90] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 230-иш, 153-варақ.

комиссия ва бошқа ҳарбий идораларга сафарбар этилди. Суд идораларидан энг сара ходимлар тортиб олинди.

Суд-тергов идоралари ходимларини сафарбар этиш тартибсиз равишда амалга оширилган. Судья ёки терговчи сафарбар этилса, унинг аввалги вазифаси кимга юклатилиши ҳарбий идораларни мутлақо қизиқтирмаган. Жумладан, Туркистон уездида 4 та халқ судига хизмат кўрсатаётган ягона терговчи фронтга сафарбар этилган[91]. Черняев уездида эса судья Семашко фавқулодда комиссияга сафарбар этилиб, суд жойлашган бино эса ҳарбийларга бўшатиб берилган[92].

Энг ачинарли ҳолат Каспийорти вилоятида юз берди. Бутун вилоятда атиги 5 нафар судья, санокли терговчи ва ҳимоячилар бор бўлиб, улар ҳам сафарбарликка чақирилган эди. Бу ҳолат суд-ҳуқуқ соҳасидаги инқирозни янада кучайтирган.

1919 йил 3 сентябрда Тошкент шаҳрида Туркистон АССР вилоят адлия раҳбарларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой кун тартибидаги асосий масала судья ва терговчиларни ҳарбий сафарбарликдан озод этишга қаратилган эди[93]. Қатнашчилар сафарбарлик суд тизимини барбод қилганлигини, ушбу тадбир маълум режа асосида эмас, балки тартибсиз равишда, ҳаттоки тегишли раҳбарлар билан келишмасдан амалга оширилаётганлигини маълум қиладилар. Қурултойда бир овоздан Ҳарбий комиссарликка мурожаат қабул қилинади. Унда судья ва терговчиларни ҳарбий сафарбарликдан озод этиш сўралган эди. Бироқ ушбу мурожаатга Ҳарбий комиссарлик рад жавоби беради[94].

Расмий ҳужжатлардан бирида ёзилганидек, ўша даврда халқ судлари ҳарбий муассасалар ва фавқулодда комиссияга мутахассис тайёрлаб

---

[91] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 95-иш, 234-варақ.
[92] Ўша жойда. 234-варақ.
[93] Ўша жойда. 48-иш, 67-варақ.
[94] Ўша жойда. 47-иш, 3-варақ.

берадиган идорага айланган эди[95]. Малакали ходим судда қисқа муддат ишлагач, фавқулодда ва ҳарбий идораларга чақириб олинган. Тажрибасиз, ишни ташкил эта олмайдиган мутахассислар эса ўз вазифасида қолаверган.

Суд тизимида ҳуқуқшунослар кам эди. Аксарият ходимлар бошланғич маълумотга эга бўлиб, ўқиш ва ёзишни зўрға биларди. 1920 йил январда Еттисув вилоят адлия бўлими 1919 йилги фаолият якунлари юзасидан қуйидаги маълумотларни келтирган эди: «Судья ва терговчиларнинг фаолияти қониқарсиз аҳволда. Уларнинг кўпчилиги тажрибасиз ҳамда махсус билимга эга эмас. Вилоятдаги 43 судьянинг бор-йўғи 8 нафари ҳуқуқшунос, қолганлари зироатчи, ҳунарманд бўлиб, судьялик лаёқатига эга эмас»[96].

Ўтроқ аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда адлия ходимлари етишмайдиган бир вақтда ярим кўчманчи аҳоли кўпчиликни ташкил этадиган Сирдарё ва Еттисув вилоятларида аҳвол янада аянчли эди. Бу вилоятларда Адлия халқ комиссарлиги кўчманчилар ҳаёт тарзига мос сайёр халқ судларини ташкил этган эди[97].

Сайёр халқ судлари кўчманчи аҳоли билан ёз ойларида яйловларда кўчиб юрар, қишда эса улар билан бирга қишлов манзилгоҳларига қайтар эди. Бундан ташқари, кадрларнинг етишмаслиги боис кўчманчилар ўртасида чўл ярмаркалари ташкил этилди. Чўл ярмаркалари таркибида барча соҳа вакиллари маорифчилар, ҳамширалар, шунингдек, судья, терговчи ва ҳимоячилар ҳам бўлган. Чўл ярмаркалари ўтказишдан мақсад барча соҳаларда кадрлар тақчиллиги сезилаётган бир вақтда кўчма хизмат кўрсатиб бўлса-да, мураккаб вазиятдан чиқиш эди. Ярмаркада фаолият юритаётган судьяга турли овуллардан низолашаётган томонлар ёки жиноий ишлар тақдим этилиб, у қисқа муддатда ўз ечимини топиши лозим эди. Бироқ, судьяларнинг иш юритиш жараёнида турли муаммолар юзага келган.

---

[95] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 82-иш, 57-варақ.
[96] Ўша жойда. 54-иш, 119 (б)-варақ.
[97] Ўша жойда. 111-иш, 142-варақ.

Жумладан, кўчманчи аҳоли кўчганидан сўнг жиноий изларнинг ёпилиб кетиши, гувоҳларни чақириш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар иш юритишни оғирлаштирган.

Большевиклар ҳукумати суд тизимидаги кадрлар муаммосини совет мутахассисларини шакллантирмасдан туриб бартараф этиш мумкин эмаслигини англаб етди ва ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари ҳамда қисқа муддатли курслар ташкил этди.

1918 йил 12 майда ташкил топган Туркистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетида олий маълумотли ҳуқуқшунослар тайёрлаш йўлга қўйилди. Университет ташкил топган биринчи йилда ушбу факультетда 38 нафар талаба ҳуқуқ ихтисослиги бўйича таҳсил олди[98]. Аммо давлат мақомидаги университет ташкил топганлигига қарамай, бундан фақат руслар ёки рус тилини биладиганларгина баҳраманд бўлган. Маҳаллий аҳолининг аксарияти рус тилини билмаганлиги сабаб университетда таҳсил ололмаган. Масалан, 1919 йил Туркистон давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультетининг ҳуқуқ бўлимида ўқийдиган талабаларнинг миллий таркибига эътибор берилса, 17 талабадан 11 нафари рус, 5 нафари яҳудий, 1 нафари поляк миллатига мансуб эди[99]. 1920 йилги статистик маълумотларга кўра, Туркистон давлат университетининг жами талабалари сони 2671 нафар бўлиб, ўзбеклар бор-йўғи 7 кишини ташкил этган. Кўриниб турибдики, кадрлар тайёрлашда ҳам шовинистик сиёсат юритилиб, асосан европаликларга мансуб аҳоли вакилларидан мутахассис тайёрлашга эътибор берилган.

1921 йил март ойида Туркистон АССР ХКС «Туркистон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультетини ҳарбийлаштириш тўғрисида» декрет қабул қилди[100]. Унга кўра, факультет ҳарбийлаштирилган, талабалар эса давлат хизматига олинган деб ҳисобланиб, улар таътил

---

[98] ЎзР МДА, Р-368-фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 200-201-варақлар.
[99] Ўша жойда. 108-иш, 4-варақ.
[100] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 110-иш, 16-варақ.

вақтларида меҳнат мажбурияти асосида Адлия халқ комиссарлиги ва суд-тергов идораларида ҳуқуқий амалиёт ўташ учун юборилган.

1923 йил Туркистон давлат университетини тамомлаган талабалар орасида 32 нафар ҳуқуқшунос бор эди. Ижтимоий-иқтисодий факультет дастлабки олий маълумотли ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшди[101].

Олий маълумотли мутахассис тайёрлаш камида беш йилни талаб этарди. Шу боис судьялар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсларга алоҳида эътибор берилди.

1919 йил 19 майда Адлия халқ комиссарлигининг йиғилишида судьялар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар очиш ва уларга асосан партия аъзоларини қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди[102]. Йиғилишда 1919 йил сентябрдан бошлаб барча вилоят марказларида шундай курслар очиш, шунингдек, Адлия халқ комиссарлиги қошида судьялар тайёрлайдиган марказий курс ташкил этишга қарор қилинди. Ўқув курсининг низом лойиҳасини тайёрлаш Адлия халқ комиссарлиги ҳайъати зиммасига юклатилди.

1919 йил сентябрдан Ашхободда судьялар тайёрлайдиган курс очилди. Курс тингловчиларига қулайлик яратиш мақсадида машғулотлар тунги сменада олиб борилган. Тингловчилар кундузи давлат муассасаларида ишлаб, тунда сабоқ олишган. Бироқ молиявий қийинчиликлар сабаб курс узоқ фаолият юрита олмади ва 1920 йил апрелда ёпилди[103].

1919 йил сентябрда Еттисувда икки ойлик судьялар тайёрлайдиган курс очилди, лекин маблағ йўқлиги сабаб у ҳам тезда фаолиятини тўхтатди. 1921 йил июнда курс қайтадан ташкил этилди. Курсга 28 нафар маҳаллий миллатга мансуб тингловчилар қабул қилиниб, уларга 6 нафар ўқитувчи сабоқ берган. Ўқитувчиларнинг барчаси руслардан бўлиб, маҳаллий тилларда

---

[101] ЎзР МДА, Р-368-фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 28-варақ.
[102] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 70-иш, 83-варақ.
[103] Ўша жойда. 180-иш, 28-варақ.

маъруза ўқий олмас эди. Шунинг учун маърузалар таржимонлар орқали олиб борилган. Бу эса ўқув жараёни сифатига салбий таъсир этиб, курс якунида тингловчилардан бирортаси синовдан ўта олмайди ва қилинган барча саъй-ҳаракатлар бесамар тугайди[104].

1920 йил январда Самарқанд вилоят адлия бўлими қошида судьялар тайёрлайдиган курс очилиб, рус ва миллий гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотлар олиб борилди.

Тошкентда Адлия халқ комиссарлиги қошида 1920 йил ноябрдан судьялар тайёрлайдиган курс ташкил этилди. Курсда ўқиш уч ой этиб белгиланган эди. Дастлаб 40 нафар тингловчи ўқишга қабул қилинди. Маърузачи ўқитувчиларнинг 5 нафари олий маълумотли бўлиб, Москва, Петроград ва Киев университетларининг ҳуқуқшунослик факультетларини тугатган эдилар. Қолган уч нафари мусулмонлардан бўлиб, Тошкент мадрасаларини тугатган фиқҳшунослар эди[105]. Машғулотлар рус ва маҳаллий тилларда олиб борилган. Тингловчиларга совет ҳуқуқидан ташқари мусулмон ҳуқуқидан ҳам сабоқ берилган.

1921 йил 21 ноябрда Туркистон ХКС бир йиллик судьялар тайёрлайдиган курс ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ, Адлия халқ комиссарлиги қошида 120 нафар тингловчига эга бўлган курс ташкил этилди[106]. Курс тингловчиларига белгиланган миқдорда стипендия берилган. Адлия халқ комиссарлиги томонидан ишлаб чиқилган қоидага кўра, судьялик лавозимига ўтказиладиган сайловларда курсни тугатган тингловчилар бошқа номзодларга нисбатан устувор мавқега эга бўлган.

Мутахассислар савиясини янада ошириш мақсадида Тошкентда Олий ҳуқуқшунослик курси ташкил этишга қарор қилинди. 1923 йил 8 февралда

---

[104] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 186-иш, 10-варақ.
[105] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 319-иш, 87-варақ.
[106] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 222-иш, 28-варақ.

курснинг низом лойиҳаси ишлаб чиқилди[107]. Низомнинг биринчи моддасида кўрсатилганидек, курсни ташкил этишдан мақсад назария ва амалиётни мукаммал биладиган ҳуқуқшунослар тайёрлаш эди. Олий ҳуқуқшунослик курсига қисқа муддатли суд курсини тугатган, Адлия халқ комиссарлиги, Туркистон компартияси, Туркбюронинг тавсияномасига эга бўлган ёхуд ТДУ ишчи факультетини тугатган шахслар ўқишга қабул қилинган. Олий ҳуқуқшунослик курсида ўқиш муддати икки йил эди.

Шуниси диққатга сазоворки, судьялар тайёрлайдиган курсларда ўқиш муддати узайтириб борилди. 1919-1920 йилларда ўқиш муддати икки-уч ой бўлса, 1921 йилда бир йиллик ва 1923 йилда икки йиллик курслар ташкил топди.

1923 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида Олий ҳуқуқшунослик курси иш бошлади. Курсга 125 нафар тингловчи, шу жумладан, 100 нафар маҳаллий ва 25 нафар европалик аҳоли вакиллари қабул қилиш мўлжалланган эди. Кейинчалик курс ётоқхонаси 60 ўринга мўлжалланганлиги ҳамда маблағнинг камлиги сабаб 60 нафар тингловчи имтиҳон асосида ўқишга қабул қилинди. Вилоятлар бўйича тақсимлаганда Сирдарёдан 22, Еттисувдан 8, Самарқанд ва Фарғонадан 10 нафардан, Туркман вилояти ва Амударё бўлимидан 5 нафардан тингловчи қабул қилинган эди[108].

Курсда таълим жараёнига салбий таъсир этувчи бир қатор муаммолар мавжуд эди. Аввало, миллий гуруҳларда таҳсил олаётган тингловчилар учун она тилида ўқув қўлланма ва адабиётлар йўқ эди. Иккинчидан, аудиториялар яхши жиҳозланмаган бўлиб, ҳатто энг зарурий буюмлар парта, доска, стол-стуллар етишмасди. Учинчидан, тингловчиларга назарий билимлар берилиб, амалиёт билан яхши таништирилмаган. Масалан, 60 нафар тингловчининг фақат 27 нафари Адлия халқ комиссарлиги ва бошқа суд-ҳуқуқ идораларида

---

[107] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 412-иш, 3-варақ.
[108] Ўша жойда. 475-иш, 8-9-варақлар.

амалиёт ўташга муваффақ бўлган[109]. Тўртинчидан, ўқитувчиларга маош тўланмаслиги сабаб улар маъруза ўқишдан бош тортадилар. Танг вазиятни юмшатиш учун ўқитувчилар сони қисқартирилиб, оз миқдорда бўлса-да маош тўланиши йўлга қўйилган. Ушбу ҳолат барибир таълим савиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

Туркистонда судьялар тайёрлайдиган курслар, Туркистон давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультетининг ҳуқуқ бўлими, қолаверса РСФСР олий ўқув юртларини тугатган ҳуқуқшунослар бўлса-да, уларнинг аксарияти амалий тажрибага эга эмас эди. Шунинг учун 1923 йилдан бошлаб Туркистон АССР ХКС судьяликка номзодлар тайёрлаш институтини жорий этди[110]. Бунга кўра, олий маълумотли ҳуқуқшунослар ёки судьялар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсни тугатган шахслар вилоят суди ҳузурида олти ой давомида иш ўрганадиган ва малака ҳайъатида имтиҳон топширганидан сўнггина, судья этиб сайланиши мумкин эди. Судьяликка номзод назарий билимлардан ташқари амалиётни ҳам яхши билиши талаб этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад тажрибасиз ёки тасодифий шахсларнинг судья этиб сайланишини олдини олиш эди.

Суд тизимида энг катта муаммо маҳаллий кадрларнинг камлиги эди. Аксарият меъёрий ҳужжатларнинг рус тилида эканлиги маҳаллий мутахассисларнинг суд қонунчилигини пухта ўзлаштиришида муаммолар туғдирган. Мутахассислар йўқлигидан кўпчилик ҳолларда маҳаллий аҳоли вакилларидан судья сайланиши лозим бўлган ўринлар бўш қолган ёки шу ўринларга европалик аҳоли вакиллари сайланган. Шу сабабдан 1921 йилгача вилоят кенгашларининг мусулмон бўлимлари фаолият юритмади. Судларда маҳаллий аҳолидан тушган мурожаатлар шу тилни биладиган мутахассис ёки таржимонларнинг йўқлигидан кўрилмасдан қолаверган. Бунинг учун даъвогар судга ўзи таржимон топиб, мақсадини тушунтириши лозим эди.

---

[109] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 5-варақ.
[110] Ўша жойда. 1370-иш, 5-варақ.

Давлат бошқарувида ишлаган маҳаллий коммунистларнинг қатъий талаби билан туб ерли аҳоли вакиллари ҳокимият идораларига жалб қилина бошланди. Жумладан, суд тизимида ҳам маҳаллий аҳолининг салмоғи ошди. Юқорида суд ходимлари тайёрлайдиган курслар миллий ва европалик гуруҳларга бўлинган ҳолда фаолият юритгани таъкидлаб ўтилган эди. Миллий гуруҳларга европаликларга нисбатан бир неча баробар кўп тингловчи қабул қилинди. Амалга оширилган тадбирлар самараси ўлароқ суд тизимида маҳаллий аҳоли вакиллари европаликлар билан тенглашибгина қолмасдан, ҳатто, кўпчиликни ташкил эта бошлади. 1923 йилги статистик маълумотларга кўра, республика ҳудудидаги 170 нафар халқ судьясидан 115 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Улар этник таркибига кўра: 52 ўзбек, 51 қозоқ, 6 тожик, 5 туркман, 1 нафар форс миллатига мансуб кишиларни ташкил этган[111].

Суд тизимида кадрлар масаласи гўёки изга туша бошлагандек кўринсада, амалда бу борада ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжудлигича қолаверди. Масалан, 1922 йилда Адлия халқ комиссарлигида ишлаган 52 нафар ходимнинг 16 нафари олий, 13 нафари ўрта, 18 нафари бошланғич маълумотга эга бўлиб, қолган 5 нафари мутлақо саводсиз эди[112]. Вилоятларда аҳвол бундан-да ачинарли эди. Жумладан, 1923 йилда Туркистон АССРда фаолият юритган 170 нафар халқ судьясининг 50 % бошланғич, 38 % ўрта ва 12% олий маълумотга эга эди[113].

Кадрлар масаласи юзасидан совет ҳукумати қабул қилган режа ва дастурларнинг ижроси токи Туркистон АССР тугатилгунга қадар таъминланмади. Бу ҳақда миллий матбуотда қуйидагилар баён этилган эди: «Етти йиллик ижтимоий ўзгариш даврида очилган адлия курсларимиз бир қанча сабабларга кўра кутилган натижани бера олмади. Шўро қонунларининг русча бўлиши унинг тўла амалга ошишига тўсқинлик қилди ва турли

---

111 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ.
112 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 343-иш, 15-варақ.
113 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 41-варақ.

суиистеъмолликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Адлия хизматчиларини умидсизлантирган ҳолатлардан яна бири иш юритишда таниш-билишчиликнинг мавжудлиги ва турли давлат идораларининг суд ишларига аралашишидир. Энди адлия хизматчиларининг иқтисодий томонларига келсак, улар икки-уч ойлаб маошларини ололмай юрганликлари ва тегишли идораларга мурожаат қилганларида туртки еб қайтиб тушганликлари бунга мисолдир. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар адлия хизматчиларининг иқтисодий бузғунликларига сабаб бўлмоқда»[114]. Демак, совет судьялари ҳар қачонгидек ночор ва муҳтожликда кун кечиришга мажбур эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда совет халқ судлари фаолиятининг барқарор қонун ва мезонларга эга эмаслиги, соҳа вакилларининг мутахассис сифатида шаклланмаганлиги ҳамда ҳуқуқий соҳанинг ҳам таркибан, ҳам мазмунан ўзгариши юз берди. Гарчи совет ҳокимияти дунёда энг демократик, адолатли «халқ судлари»ни ташкил этишни даъво қилган бўлса-да, амалда ушбу идоралар халқ манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмади. Чунки уларнинг моддий таъминоти йўлга қўйилмаган ва ҳудудий жиҳатдан ўлкани тўла қамраб олмаган эди. Халқ судлари фаолияти синфий ёндашувга асосланганлиги сабабли, маҳаллий аҳоли уларни тан олмади ва анъанавий қози ҳамда бий судларига мурожаат қилишда давом этди. Бундай вазиятда совет ҳокимияти ўзига сўзсиз бўйсунадиган фавқулодда судларни кенгайтириш йўлини тутди.

Биринчи боб юзасидан хулоса қилиб айтганда, 1917 йилда Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти ўлкада янги давлат бошқарув тизимини шакллантириб, қонунчилик тизимини ҳам тубдан ўзгартирди. Давлат бошқарувининг ажралмас қисми бўлган суд идоралари фаолиятида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Улар энг аввало, ўлкадаги анъанавий

---

[114] Туркистонда адлия ишлари // Туркистон. – Тошкент, 1924, 23 октябр.

шариат судларини ҳамда империя судларидан воз кечиш ва дунёвий қонунчилик, тенг ҳуқуқийлик принципларига асосланган суд тизимини яратишга қаратилганди. Лекин дастлабки йилларда совет қонунчилиги ва мутахассисларнинг йўқлиги сабабли мазкур соҳада собиқ империя қонун ва кадрларидан фойдаланилди. Большевиклар сиёсати ва мафкурасига уларни тўғри келмаслиги кескин зиддиятларга олиб келди, вақт ўтиши билан совет ҳокимияти собиқ империя суд муассасалари фаолиятини бекор қилди. Янги халқ судларини ташкил этишда мавжуд молиявий кийинчиликлар, меҳнат шароитларининг оғирлиги, кадрлар муаммоси, қонунчиликнинг шаклланмаганлиги, судьялар мустақиллигининг чеклаб қўйилганиги каби омиллар порахўрлик, тамагирлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг авж олиши учун қулай замин яратди.

II. БОБ. ФАВҚУЛОДДА СОВЕТ СУДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Инқилобий трибунал ва унинг суд тизимидаги ўрни

Туркистонда большевиклар ҳукумати амалга оширган мустамлакачилик сиёсати совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Совет халқ судлари бундай шароитда мустабид тузум хавфсизлигини таъминлашга ожизлик қиларди. Шу боис, ҳар қандай қаршилик ҳаракатини шафқатсиз жазолайдиган, фавқулодда кенг ваколатлар берилган судларни ташкил этишни совет ҳокимияти ўз мақсадига эришишнинг бирдан бир чораси деб билди. Ана шу асосда инқилобий трибуналлар ташкил топди[115].

1917 йил 24 ноябрда РСФСР ХКС қабул қилган суд ҳақидаги биринчи декретда инқилобий трибуналлар ташкил этиш кўрсатиб ўтилган эди. Инқилобий трибунал судловига совет ҳокимиятига қарши ҳаракат, ҳокимиятга бўйсунмаслик, буйруқларни бажармаслик, давлат хизматчиларининг лавозимини суиистеъмол қилиши, чайқовчилик ва савдогар-саноатчиларнинг фаолиятига оид жиноятларни кўриш кирган[116].

1917 йил 12 декабрда Туркистон ХКС қабул қилган буйруқ суд ҳақидаги биринчи декретга асосланган бўлса-да, унда инқилобий трибуналлар тузиш назарда тутилмаган эди. Бироқ кейинчалик Туркистон Мухторияти билан совет ҳокимияти ўртасида муносабатларнинг кескинлашуви ва мухториятчиларнинг шафқатсизларча қонга ботирилиши совет ҳокимиятига қарши курашни кучайтириб юборди. Туркистондаги кескин аҳволни ҳисобга олган ҳолда Бутунроссия Фавқулодда комиссияси (ВЧК) раиси Ф.Дзержинский 1918 йил 16 январда Тошкентга телеграмма

---

[115] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости / Науч. ред. Р. Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000. – С. 66-67, 79-80.

[116] История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917-1954 гг. Сборник документов. – М.: Госюриздат, 1955. – С. 31.

орқали мурожаат қилиб, аксилинқилобий ҳаракатларга қарши кураш олиб борадиган идора тузишни буюрди. Бу масала Тошкент советида кўриб чиқилиб, «Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу низомга асосан, 1918 йил 21 февралда Туркистонда дастлабки трибунал суди ташкил топди[117]. Унинг раиси этиб большевик В.Вотинцев сайланди. Инқилобий трибунал кўрадиган ишларни тергов қилиш учун тергов комиссияси ташкил этилди.

Тошкент инқилобий трибунали андозасидаги трибуналлар Туркистоннинг барча вилоят ва шаҳар советлари томонидан тузишга киришилди. Жумладан, 1918 йил 5 мартда Ашхободда инқилобий трибунал иш бошлади[118].

1917-1918 йилларда Туркистонда инқилобий трибунал тармоқларга бўлинмаган ҳолда фаолият юритди. Совет ҳокимиятига қарши курашнинг кескинлашуви муносабати билан қатағон сиёсати янада шафқатсиз тус олади. Бу ихтисослашган трибуналлар ташкил этилишида намоён бўлади. 1919 йилда ҳарбий ва 1920 йилда темир йўл трибуналлари ташкил топди. Ҳарбий трибунал ҳарбий соҳа вакилларининг, темир йўл трибунали эса темир йўл транспорти билан боғлиқ жиноятларни кўрган. Умуман олганда, барча турдаги трибуналлар ҳукмрон партиянинг диктатурасини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, унинг душманларини шафқатсиз жазолаган.

Туркистон ҳудудида маҳаллий трибуналлар фаолият юритишига қарамай, совет ҳокимияти республика аҳамиятига молик оғир сиёсий жиноятларни кўриш учун Олий инқилобий трибунал ташкил этишни зарур деб ҳисоблади. Натижада, 1918 йил 14 сентябрда Туркистон АССР МИҚ

---

[117] Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 8-варақ.

[118] Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане.Сборник документов.– Ташкент: Госиздат УзССР, 1947. – 132 с.

«Олий инқилобий трибунал тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида декрет қабул қилди[119].

Низомда Олий инқилобий трибуналнинг раис, унинг икки ўринбосари ҳамда уч нафар аъзодан иборат таркиби Туркистон АССР МИҚ томонидан сайланиши ва номзодлар Туркистон Коммунистик партиясининг аъзолари бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Олий инқилобий трибуналнинг биринчи раиси этиб коммунист К.Е.Сорокин сайланди.

Олий инқилобий трибуналнинг биринчи мажлиси 1918 йил 28 октябр-2 ноябр кунлари бўлиб ўтди. Унда 19 та иш кўрилиб, улардан 6 таси ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланиш, 5 та чайқовчилик, 2 та аксилинқилобий ҳаракат, қолган 6 таси эса давлат маблағини ўзлаштиришга оид жиноятлар эди[120].

Инқилобий трибуналлар ҳар қандай вазиятда ишни совет ҳокимияти фойдасига ҳал қилар эди. Жазо қўллашда ҳам чекланмаган ваколатларга эга бўлган инқилобий трибуналлар ҳукми устидан апелляция ва кассация шикояти бериб бўлмас эди. Ҳукм қатъий ҳисобланиб, тезда ижро этилган. Ушбу ҳолатнинг ўзиёқ трибуналлар инсон эмас, давлат манфаатини ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйганлигидан далолат беради.

Инқилобий трибунал совет ҳокимияти ва бошқарув тизимига қарши қаратилган жиноятларни кўриши лозим бўлса-да, амалда дуч келган ишни судловига қабул қилаверган. Бундан ташқари, инқилобий трибуналлар қабул қилган ҳукмлар адолатсиз бўлиб, уларни тўхтатиш, бекор қилиш ёки қайта кўрадиган кассация инстанция судини тузиш инқилобий трибунал ҳақидаги низомда кўрсатиб ўтилмаган эди[121].

Инқилобий трибуналлар фаолиятида анархия ва суиистеъмолликлар авж олади. Ушбу идораларни назорат қилиш механизми ишлаб чиқилмагани

---

[119] Hayit, Baymirza. Some problems of Modern Turkistan History. –Dusseldorf: East European Research Institute, 1963. – P. 22.
[120] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1036-иш, 72-варақ.
[121] Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане... – С. 128.

бунга кенг йўл очиб берган эди. Ушбу ҳолат юзасидан Адлия халқ комиссари Х.Ибрагимов ҳукуматга тақдим этган ҳисоботларининг бирида инқилобий трибуналларнинг нотўғри ҳукмлари фавқулодда даражада кўп бўлиб, ҳар лаҳзада ўнлаб юз бераётганлигини маълум қилган эди[122].

Ниҳоят, 1918 йил 13 декабрда Туркистон АССР МИҚ инқилобий трибуналларда иш юритиш тартиби ҳақида йўриқнома қабул қилди[123]. Ушбу ҳужжатда трибунал судьясининг ваколатлари, дастлабки тергов жараёни, айбловчи, ҳимоячиларнинг судда иштироки ва шунга ўхшаш бошқа жараёнларни амалга ошириш тартиби кўрсатиб ўтилган эди. Шунингдек, йўриқномада инқилобий трибунал ҳукмини кассация тартибида кўриш тартиби баён этилган эди. Бу масала билан шуғулланиш учун Туркистон АССР МИҚ қошида махсус ҳайъат ташкил этилди. Агарда Адлия халқ комиссарлиги трибунал ҳукмини адолатсиз ёки қонунчиликка зид деб топса, уни кассация тартибида кўриш учун махсус ҳайъатга тақдим этган. Ҳайъат 6 аъзодан иборат бўлиб, уларнинг камида икки нафари ҳуқуқшунос бўлиши лозим эди. Махсус ҳайъат инқилобий трибунал ҳукмини кассация тартибида кўриб, ҳал қилув қарорини чиқарган[124]. Лекин бу ерда яна бир демократик тамойил бузилган, ҳукмни юқори инстанция суди эмас, балки давлатнинг маъмурий органи кўриб, ҳал этган. Охир-оқибат ҳукмрон партия манфаати устун қўйилиб, совет ҳокимияти хоҳлагандек қарор чиқарилишига олиб келган.

Ҳақиқатда инқилобий трибуналлар чиқарган ҳукмларнинг ҳаммаси ҳам Адлия халқ комиссарлигига маълум қилинмас, уларни назорат қилишнинг эса умуман имкони йўқ эди. Хуллас, фавқулодда судлар фаолиятида қонунбузарлик ва парокандалик ҳукм сурарди.

Бу даврда РСФСР ҳукумати қабул қилган ҳар бир меъёрий ҳужжатга Туркистон АССР ҳам ўз қонунчилигини мувофиқлаштириши ёки у асосда

---

[122] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1034-иш, 19-варақ.
[123] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 187-203-варақлар.
[124] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1034-иш, 21-варақ.

янги бир қонунни қабул қилиши талаб этилган. Жумладан, 1919 йил 12 апрелда Бутунроссия МИҚ (ВЦИК) қабул қилган низомга мувофиқ 1919 йил 6 майда Туркистон АССР МИҚ «Туркистон Олий инқилобий трибунали тўғрисида» ҳамда «Вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимлари тўғрисида»ги Низомларни қабул қилди[125].

Янги низомда Олий инқилобий трибунал олий суд идораси сифатида Туркистон АССР МИҚ, ХКС да хизмат қилаётган давлат амалдорларининг, шунингдек, халқ судьялари, терговчилар ва вилоят трибунали судьяларининг лавозимга оид ва сиёсий жиноятларини кўриши кўрсатиб ўтилган эди.

Олий инқилобий трибунал республика ҳукуматининг қарори билан халқ судлари, вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимларидан ҳар қандай ишни олиб, биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиши мумкин эди. Олий инқилобий трибуналнинг ҳукми ҳал қилув аҳамиятга эга бўлиб, унинг устидан шикоят бериб бўлмас эди.

Олий инқилобий трибунал республика ҳудудидаги барча тергов идоралари, хусусан Туркистон Фавқулодда комиссияси фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга эди. Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларида маҳбусларни сақлаш тартибига риоя қилинишини текшириб бориш ҳам ушбу идора зиммасида эди.

Низомдаги муҳим янгилик шундан иборат эдики, Олий инқилобий трибуналга қуйи трибуналларнинг ҳукмини кассация тартибида кўриш ҳуқуқи берилди. Туркистон ҳудудида инқилобий трибуналлар иш бошлаганидан буён илк маротаба улар чиқарган ҳукмларни юқори инстанция суди томонидан кассация тартибида кўрилишига расман рухсат берилди.

Вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимлари чиқарган ҳукмдан норози томон Олий инқилобий трибуналга бир ой муддатда кассация шикояти бериши мумкин эди. Олий инқилобий трибунал шикоятни


---

[125] Положения о Верховном ревтрибунале // Известия. – Ташкент, 1919, 20 мая.

икки ҳафтада кўриб чиқиб, ҳукмни ўз кучида қолдириши, бекор қилиши ёки қайтадан кўриш ҳақида бошқа трибуналга юбориш ваколатига эга эди.

«Вилоят инқилобий трибунали ва унинг бўлимлари ҳақида»ги иккинчи низомга мувофиқ маҳаллий трибуналлар тугатилиб, ҳар бир вилоятда вилоят трибунали тузилди. Янги Бухоро ва Петро-Александровскда вилоят мақомидаги трибунал тузилиб, уларга Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги рус аҳолисининг аксилинқилобий ҳаракатларини кўриш вазифаси топширилди (1-схемага қаранг). Аҳолиси 200 мингдан ошган шаҳарларда Адлия халқ комиссарлиги Олий инқилобий трибунал билан келишган ҳолда вилоят инқилобий трибуналининг бўлимларини ташкил этиши кўзда тутилган эди[126].

(1-схема)



Вилоят инқилобий трибуналининг таркиби раис, раис ўринбосари ва уч аъзодан иборат бўлиб, вилоят ижроия қўмитаси томонидан уч ойга сайланган. Вилоят трибунали тегишли ҳудуддаги совет ҳокимияти ва

[126] Положения об областных ревтрибуналах и отделах на местах // Известия. – Ташкент, 1919, 20 мая.

бошқарув тизимига қарши қаратилган ишларни кўрган ва РСФСР номидан ҳукм чиқарган.

Инқилобий трибуналларда иш юритиш тартиби инсон ҳуқуқларини чеклашни кўзда тутарди. Жумладан, судья ҳеч қандай гувоҳ ва далилларсиз, айбловчи ва ҳимоячиларсиз ишни кўриб чиқиш ваколатига эга эди. Мустабид тузум манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган трибунал судьяси бундай ваколатдан фойдаланиб, ҳар қандай ҳолатда шахс устидан айблов ҳукми чиқариш имкониятига эга эди. Шунинг учун ҳам ушбу даврга оид архив ҳужжатларида трибуналлар суд идораси эмас, аксинча, инқилобий жазо органи сифатида қайд этилган.

1920 йил 2 февралда Туркистон АССР МИҚ инқилобий трибунал тўғрисида янги низом қабул қилди[127]. Ушбу низом олдингилардан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қиларди. Биринчидан, Туркистон АССР МИҚ қошида Кассация трибунали ташкил топди. Аввалларии кассация шикоятларини Олий инқилобий трибунал кўрган бўлса, энди бу ваколат Кассация трибуналига ўтказилди. Вилоят инқилобий трибуналларида қонунбузарликларнинг авж олиши ва улар қабул қилган ҳукмлар устидан аҳолининг норозилик шикоятларининг ортиб бориши Кассация трибунали ташкил этилишига сабаб бўлди. Иккинчидан, кассация шикояти бериш муддати 30 кундан 48 соатга, яъни 2 кунга камайтирилди. Мақсад сиёсий айб қўйилган шахсларнинг озод бўлишига имкон бермаслик ва қатағон қилишдан иборат эди. Бу даврда суд идоралари ўртасида ахборот алмашув тўғри ташкил этилмагани боис фуқароларнинг кассация шикояти юқори инстанция судига белгиланган муддатда етиб бормас ва ижобий ҳал қилинмасди. Натижада, маҳкумнинг шикояти жавобсиз қолиб, у жазога тортиларди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, совет ҳукумати расман қонун бузилишларни бартараф этиш учун кассация инстанциясини ташкил этса-да,

[127] Положения о революционных трибуналах // Известия. – Ташкент, 1920, 13 февраля.

шикоят бериш муддатини қисқартириб, амалда ушбу институтнинг тўла миқёсда ишлашига йўл бермади.

Кассация трибунали судьялари Туркистон АССР МИҚ томонидан сайланган. Вилоят трибуналлари шикоят келиб тушгандан сўнг 24 соат ичида ишни Кассация трибуналига юбориши ва у ишни бир ҳафта ичида кўриб чиқиши лозим эди[128].

Кассация трибунали тузилиши муносабати билан Олий инқилобий трибуналнинг ваколатлари чекланди. Эндиликда у ҳукумат томонидан тақдим этилган давлат аҳамиятига молик ўта оғир жиноятларни кўрувчи биринчи инстанция суди сифатида сақлаб қолинди. Натижада, фавқулодда суд идоралари тизимида қўшҳокимиятчилик вужудга келди. Бу эса иш юритишга салбий таъсир қилиб, ҳатто, улар ўртасида турли низолар келиб чиқишига сабаб бўлган. Архив ҳужжатларида Олий инқилобий трибунал раисининг Кассация трибунали устидан республика ҳукуматига бир неча маротаба шикоят қилганлиги ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Уларда асосан кассация шикоятларини кўриши лозим бўлган трибунал ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, ишни биринчи инстанция тарзида кўриб чиқаётгани маълум қилинган эди[129].

Юқорида совет ҳукуматининг инқилобий трибуналлар ҳақида қабул қилган меъёрий ҳужжатлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Суд амалиёти таҳлили бундан-да шафқатсиз манзара намоён бўлганлигини кўрсатади. Ҳақиқатда инқилобий трибуналлар ялпи террор ва қатағон қилиш сиёсатини амалга оширганлар.

Инқилобий трибунал ҳақидаги низомда Туркистон АССР таркибидаги ҳар бир вилоятда вилоят инқилобий трибунали ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган эди. 1920 йилга келиб, фақат Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида вилоят инқилобий трибуналлари фаолият юритарди. Фарғона ва Еттисувда

---

[128] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 615-иш, 28-варақ.
[129] Ўша жойда. 318-иш, 107-варақ.

ҳарбий ҳаракатларнинг кучайиши муносабати билан вилоят инқилобий трибунали судловига оид ишларни кўриш ҳам ҳарбий трибуналлар зиммасига юклатилган эди[130].

Каспийорти вилоятида 1921 йил май ойига келибгина вилоят инқилобий трибунали ташкил топди[131]. 1921 йил май-июн ойларида вилоят инқилобий трибунали 62 та ишни кўриб чиқади. Туркман қабилалари асосан ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечириши боис, вилоят инқилобий трибуналининг Тажан, Марв, Тахтабозор ва Кушкада сайёр мажлислари ташкил этилди[132].

Сирдарё вилоят инқилобий трибунали 1921 йил июл-август ойларида Адлия халқ комиссарлиги тафтишчилари Рачинский, Корневский ва Биковлар томонидан ўрганилганда тергов тартибсиз олиб борилиши натижасида судга чала ва асоссиз айблов хулосалари тақдим этилаётгани ва бунинг оқибатида судья мутлақо воқеликка зид ҳукм чиқараётгани маълум бўлган эди[133].

1921 йил 31 июлда Еттисув вилоят инқилобий трибунали раисининг Олий инқилобий трибуналга мурожаатида трибунал судьяларининг аксарияти малакасиз, ҳаттоки саводсиз эканлиги кўрсатиб ўтилган эди[134]. Адлия халқ комиссарлиги ва Олий инқилобий трибунал вилоят инқилобий трибуналига асосан фармойишларни юбориш, ҳисоботларни қабул қилиб олиш билан чекланаётганлиги, муаммоларни бартараф этиш учун амалий ёрдам чораларини кўрсатмаётганлигидан ўз норозилигини билдирган эди.

Самарқанд вилоятида аҳвол янада ачинарли эди. 1922 йил 30 майда вилоят инқилобий трибунали раиси Т.Ибрагимов Туркистон Кассация трибунали раиси Ванагга қуйидагиларни маълум қилган эди: «Сиз 1922

---

130 Ревтрибуналы на местах // Известия. – Ташкент, 1920, 28 октября.
131 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 186-иш, 57-варақ.
132 Ўша жойда. 57-варақ.
133 Ўша жойда. 111-иш, 57-60-варақлар.
134 Ўша жойда. 186-иш, 20 (б)-варақ.

йилнинг биринчи чораги юзасидан ҳисоботларнинг кечикиш сабаблари ҳақида тушунтириш беришни сўрагансиз. Бизда ҳатто, шошилинч хат-хабарлар ҳам маблағ йўқлигидан жўнатилмайди»[135].

Инқилобий трибуналлар совет ҳокимиятининг ҳар қандай буйруғини зўравонлик билан ижро этишда муҳим қурол бўлиб хизмат қилган. Чунончи, қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш жараёнида қизил аскарлар томонидан қишлоқ аҳолисининг талон-тарож этилиши, экин майдонларининг пайҳон қилиниши даҳшатли очарчиликни келтириб чиқарган бир шароитда ҳукумат деҳқонлар қўлидан сўнгги озиқ-овқат захираларини тортиб олишни буюрди. 1921 йил 15 августда Бутунроссия МИҚ озиқ-овқат ва бошқа маҳсулот солиғини тўламаслик ҳолатларини аксилинқилобий ҳаракатга тенглаштириб, бундай ҳаракатларни жазолаш учун инқилобий трибуналлар қошида солиқ бўлими ташкил этиш тўғрисида декрет қабул қилди[136].

Туркистонда ҳам вилоят инқилобий трибуналларининг солиқ бўлимлари ташкил топди. Оммавий равишда солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари юз берса, бундай ҳаракатларни қисқа муддатда кўриш учун сайёр суд мажлислари ташкил этилди. Инқилобий трибуналнинг солиқ бўлимлари айбдорга нисбатан жарима солиш, мулкни давлат ҳисобига мусодара қилиш ёки озодликдан маҳрум этиш жазоларини қўллаши мумкин эди[137].

Маълумки, октябр тўнтаришига қадар мустамлака Туркистонда асосий қишлоқ хўжалик экини сифатида пахта етиштиришга эътибор қаратилиб, истеъмол учун зарур ғалла Россиядан келтирилар эди. Россияда фуқаролар урушининг авж олиши муносабати билан ғалла келтириш тўхтаб, аксинча, Туркистондан энг сўнгги захиралар ҳам олиб кетилиши натижасида, очарчилик бошланди. Ўша даврдаги совет раҳбарларидан бири Х.Бурнашев юзага келган вазиятни шундай таърифлаган эди: «Фарғона фуқаросининг

---

135 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 186-иш, 53-варақ.
136 Ўша жойда. 204-иш, 4-варақ.
137 Об учреждении особых составов облтрибуналах для разбора дел о нарушении законов и постановление о натуральных прод или иных налогах // Туркестанская правда. – Ташкент, 1922, 22 июля.

асосий қисми очарчилик даҳшатига мубталодир. Қўқоннинг эски шаҳрида ҳар куни ўнлаб, ҳаттоки юзлаб очликдан ўлган одам жасадлари йиғиштирилади. Буларнинг ҳаммаси деҳқонлардир. Бу бечоралар қиш кунларида пашша каби қириладилар. Фарғонадаги фалокатлар билан ошно бўлишни истаган киши Шаҳрихонни бориб кўрсин. Бир вақтлар 75 минг нуфузга эга бўлган шаҳар халқидан атиги 9 минг киши қолган»[138].

Шундай вазиятда ҳам РСФСР ҳукумати Туркистонни талашда давом этди. 1922 йил 4 январда Адлия халқ комиссарлиги инқилобий трибуналларга озиқ-овқат солиғини тўламаган фуқароларни дастлабки терговсиз айблаб, ҳукм чиқариш тўғрисида кўрсатма берди[139]. Шунга асосан, 1922 йил январ-март ойларида Туркистон АССР вилоятларида бир қатор сайёр суд мажлислари ўтказилиб, уларда озиқ-овқат солиғини тўламаган шахслар жазога тортилди. Сирдарё вилоят инқилобий трибунали Авлиёота, Чимкент, Перовский ва Тошкент уездларида; Самарқанд вилоят инқилобий трибунали Каттақўрғон ва Жиззах уездларида; Фарғона вилоят инқилобий трибунали Фарғона, Андижон ва Наманган уездларида; Еттисув вилоят инқилобий трибунали Пишпак, Жаркент ва Лепсинск уездларида сайёр суд мажлисларини ташкил этди. Жумладан, Сирдарё вилоят инқилобий трибуналининг Ступин раҳбарлигидаги сайёр мажлиси 1922 йил 14 мартда Тўлқибой волостида озиқ-овқат солиғини тўламаган 33 нафар шахснинг ишини кўриб чиқиб, 8 кишига белгиланган солиқнинг икки баробари, 20 кишига уч баробари, 5 кишига эса беш баробари миқдорида жарима солди[140]. Суд ҳукмида агарда улар жаримани вақтида тўламаса, бир йилга қамоқ жазоси берилиб, барча кўчмас мулклари мусодара қилиниши кўрсатиб ўтилган эди.

Сирдарё вилоят инқилобий трибуналининг сайёр мажлиси 1922 йилнинг биринчи чорагида жами 76 та иш юзасидан 448 кишини айбдор деб

---

138 Фарғонада очарчилик // Қизил байроқ. – Тошкент, 1921, 20 ноябр.
139 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 270-иш, 29-30-варақлар.
140 Ўша жойда. 302-иш, 154-варақ.

топиб, улардан 315 нафарига белгиланган солиқнинг икки баробари миқдорида жарима солиш, 20 нафарининг эса мол-мулкини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди[141].

Деҳқонлар очарчилик ва кам ҳосил етиштириши натижасида солиқни тўлай олмаган эдилар. Мана шундай ҳолатда бир бурда нонга муҳтож деҳқон солиқни 3-5 бараваригача ортиғи билан тўлаши мантиққа зид ҳолатдир. Натижада, уларнинг хўжаликлари бор-буди билан давлат ҳисобига мусодара қилиниб, ўзлари эса озодликдан маҳрум этилган. Бу эса бутун бошли оилаларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятининг Полвонариқ волостида яшовчи Улбозор Бекмуродова вилоят инқилобий трибуналига шундай мурожаат қилган эди: «Мен Сиздан 63 ёшли турмуш ўртоғимни жазодан озод этишингизни илтимос қиламан. Бизнинг оилада бошқа эркак киши йўқ. Вояга етмаган фарзандларим эса юқумли терлама касали билан оғриган. Мен мусулмон аёл сифатида тажрибасизман. Сиз бу ёрдамингиз билан бутун бошли оилани ошкора фалокатдан сақлаб қолган бўласиз»[142].

Ҳукуматнинг аҳолидан зўрлик билан озиқ-овқатни тортиб олишга қаратилган чора-тадбирлари бегуноҳ инсонларнинг жазога тортилиши ва ночор оилаларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Инқилобий трибуналлар жазо қўллашда кенг ваколатларга эга эди. Дастлаб 1918 йил январда тасдиқланган «Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида»ги Низомда трибунал маҳкумга нисбатан жарима солиш, озодликдан маҳрум қилиш, Тошкент шаҳридан чиқариб юбориш, халқ душмани деб эълон қилиш, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш каби жазо чораларини қўллаши мумкин эди[143]. 1919 йил 14 майда қабул қилинган яна бир ҳужжатда инқилобий

---

[141] Стипрайс Н. Обзор деятельности областных революционных трибуналов Туркреспублики // Бюллетень ЦСУ Туркестанской Республики. –Ташкент, 1922. – № 27. – С. 11.
[142] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 58-иш, 29-варақ.
[143] Ташкентский ревтрибунал // Наша газета. – Ташкент, 1919, 20 января.

трибуналлар қўллайдиган жазолар кескинлашиб, уларнинг сони 9 тургa етади. Инқилобий трибуналлар маҳкумни олий жазо – ўлимга ҳукм қилиши мумкин эди[144].

«Туркистон АССР жиноий қонунчилигининг устувор асослари» деб номланган дастлабки қонунлар тўпламида кўрсатиб ўтилганидек, маҳкумни ўлим жазосига фақат инқилобий трибуналлар ҳукм қилиши мумкин бўлиб, халқ судларига бундай ваколат берилмаганди[145].

1920 йил 17 январда Бутунроссия МИҚ қабул қилган декретга асосан ўлим жазоси бекор қилинди. Шунга асосан, 1920 йил 19 январда Туркистон АССР МИҚ ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида декрет қабул қилди[146]. Бироқ инқилобий трибуналлар фаолияти таҳлил этилганда, бунга амал қилинмасдан, маҳкумларни ўлимга ҳукм қилишда давом этилганлиги маълум бўлади.

Совет ҳокимияти қуролли қаршилик ҳаракати вакиллари билан тинч музокара олиб бориш фикридан қайтиб, қурол кучи ва зўравонлик билан уни тор-мор этишга қарор қилди. Инқилобий трибуналлар ушбу мақсадни амалга оширишда асосий восита бўлган. Аввалларии ўлим жазоси бекор қилингач, инқилобий трибуналлар норасмий равишда бу жазо туридан фойдаланган бўлса, кейинчалик ҳукуматнинг ўзи уларга кенг йўл очиб берган. Яъни, 1921 йил 29 майда Туркистон АССР МИҚ Еттисув ва Фарғона вилоят инқилобий трибуналларига яна ўлим жазосини қўллашга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди[147]. Бунга «аксилинқилобий» ҳаракатларнинг ушбу вилоятларда кучайиши сабаб қилиб кўрсатилди.

1921 йил 17 октябрда Адлия халқ комиссарлиги Туркистон АССР МИҚдан ўлим жазосига ҳукм қилиш ҳуқуқини қолган вилоят инқилобий трибуналларига ҳам беришни сўраган эди. Туркистон АССР МИҚ раиси

---

144 Инструкция для революционных трибуналов о порядке производства дел // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919. – № 2. – С. 30.
145 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, 2-5-варақлар.
146 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 169-иш, 3-варақ.
147 Ўша жойда. 16-варақ.

С.Хўжанов бунга рад жавобини беради. Бироқ расман илтимоснома рад этилса-да, ҳукумат ушбу жазо турини қўллашга қаршилик кўрсатмаганлигини манбалар тасдиқлайди.

Суд қонунчилигига асосан, айбдорга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ҳақидаги ҳукм республика олий ҳокимияти томонидан тасдиқлангандан сўнггина кучга кирар эди. Шуниси ажабланарлики, ҳукумат раҳбарлари Еттисув ва Фарғонадан бошқа вилоят инқилобий трибуналларига ўлим жазосини қўллаш тақиқланганини билгани ҳолда, бундай ҳукмларни тасдиқлайверганлар. Жумладан, 1922 йил 14 майда Самарқанд вилоят инқилобий трибунали Узоқ Пўлатовни «босмачилик» ҳаракатида иштирок этганликда айблаб, ўлимга ҳукм қилган[148]. 1922 йил 3 сентябрда Сирдарё вилоят инқилобий трибунали Мачалов ва Эшмуҳаммедовларни бошқарув тизимига қарши курашганликда айблаб, олий жазога ҳукм қилган[149]. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ушбу ҳукмларнинг қонуний эканлиги ҳукумат вакиллари томонидан тан олиниши совет ҳокимиятининг мустамлакачиликка йўғрилган сиёсатини англаб етиш учун асос бўла олади.

Совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайиши муносабати билан инқилобий трибуналлар кўрган ишлар сони ҳам ошиб борган. Буни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1922 йилнинг дастлабки уч ойида Туркистон АССР вилоят инқилобий трибуналларига 776 та иш келиб тушган бўлса, кейинги чоракда улар сони 1055 тага етган. Бутун йил давомида эса 3404 та ишдан 2772 таси кўриб чиқилган. Айбдор деб топилганларнинг 68 нафари олий жазога ҳукм қилинган[150].

Инқилобий трибуналлар томонидан жазога тортилганлар сонининг ошишини қамоқхоналарда сақланаётган маҳбуслар ҳисобидан ҳам билиб олиш мумкин. Хусусан, бу даврда Туркистонда 36 та жазони ижро этиш муассасаси мавжуд бўлиб, улар 3000 маҳбусни сақлашга мўлжалланган эди.

---

148 ЎзР МДА, Р-344-фонд, 3-рўйхат, 2-иш, 47-варақ.
149 Ўша жойда. 80-варақ.
150 Стипрайс Н. Обзор деятельности областных революционных трибуналов Туркреспублики ... – С. 7-8.

Мазкур қамоқхоналарда 1922 йил июлда 5694, августда 6124, сентябрда 6404, октябр ойида 6493 нафар маҳбус сақланган. Биргина Тошкент қамоқхонасида 236 нафар маҳбус сақланиши лозим бўлгани ҳолда 1000 нафар сақланган[151]. Адлия халқ комиссарлиги ҳукуматга мурожаат қилиб, қамоқхоналардаги ноқулай шароит туфайли маҳбуслар ўртасида турли эпидемиялар тарқалганлиги, айниқса, катта ёшдагилар билан вояга етмаганларни бир жойда сақлаш уларнинг ахлоқий тарбиясига ёмон таъсир этаётганлиги ҳақида хабар берган эди[152]. Совет ҳокимияти эса ушбу инсонлар тақдирига мутлақо қайғурмади. Чунки сиёсий рақибларининг жисмонан йўқ бўлишидан манфаатдор эди.

Бу даврда Туркистон АССР инқилобий трибуналлари судлови билан боғлиқ яна бир фавқулодда идора борки, бусиз совет ҳокимиятининг қатағон сиёсатини тўлақонли очиб бериш мумкин эмас. Бу идора фавқулодда комиссия (ЧК) эди. 1917 йил 7 декабрда РСФСР ХКС аксилинқилобий ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш учун Бутунроссия Фавқулодда комиссиясини ташкил этиш ҳақида декрет қабул қилди. 1918 йил 22 мартда Бутунроссия Фавқулодда комиссиясининг матбуотда эълон қилган қарорига асосан, барча маҳаллий советлар томонидан фавқулодда комиссия ташкил этишга киришилди. Жумладан, 1918 йил 14 сентябрда Туркистон АССР МИҚ «Туркистон Фавқулодда комиссияси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади[153].

Совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайиши муносабати билан фавқулодда комиссиянинг ваколатлари кенгайиб борди. Жумладан, 1918 йил 17 сентябрда Бутунроссия Фавқулодда комиссияси раиси Ф.Дзержинский аксилинқилобий ҳаракатлар тергови якунлангандан сўнг иш судга тақдим этилмасдан, комиссия томонидан жазо белгиланиши ҳақида буйруқ берди[154].

---

[151] Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1922. – С. 243.
[152] Ўша жойда. – С. 244.
[153] Hayit, Baymirza. Some problems of Modern Turkistan History...– P 22.
[154] Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане... – С. 54.

Комиссияда бундай турдаги ишлар асосан ўлимга ҳукм қилиш билан якун топарди. Юқоридаги ҳолатлардан аён бўладики, фавқулодда комиссия суд ваколатларини ўзлаштирган ҳолда иш юритган.

Фавқулодда комиссия фаолиятида зўравонлик авжга чиқади. Натижада, 1919 йил 17 февралда Бутунроссия МИҚ қарори билан комиссия ваколати бир оз чекланиб, ушбу идора томонидан тергов қилинган ишлар инқилобий трибуналларга тақдим этилиши маълум қилинди. Бироқ ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ёки ҳарбий ҳолат эълон қилинган ҳудудларда фавқулодда комиссия суд идораларидан мустақил равишда айбдорни жазолаш ваколатига эга бўлиб қолаверди[155].

1919 йил март ойида бўлиб ўтган Туркистон советларининг VII съездида президиум раиси П.А.Кобозев шундай деган эди: «Адлия ва инқилоб бир-бирига мутлақо қарама-қарши тушунчалардир. Адлия бу тинч ҳаёт нормаларидир. Қачонки, бу кураш жараёнлари бўлмасагина амал қилади. Хўш, бу фавқулодда комиссиялар нима иш бажарадилар. Улар оммавий террор ўтказадилар»[156]. Юқорида таъкидлангандек, Туркистон АССР ҳудудидаги фавқулодда комиссиялар ўзларига берилган кенг ваколатлардан фойдаланиб, ошкора равишда халқни талар эдилар. Ходимлар ўртасида порахўрлик, турли суиистеъмолликлар авж олган эди. Бу ҳақда 1919 йил 17 мартда Туркистон АССР МИҚ аъзоси С.Дорожкин қуйидагиларни маълум қилган эди: «Комиссия нормал фаолият юритаётгани йўқ, ходимлар эса пора олишмоқда»[157].

1919 йил 22 мартда Туркистон АССР МИҚ йиғилишида Адлия халқ комиссари А.Сидоров Туркистон Фавқулодда комиссиясини қайтадан ташкил этишни таклиф қилган эди. 1919 йил 4 майда Адлия халқ комиссарининг ҳукуматга киритган шошилинч тақдимномасида қуйидагилар баён этилган эди: «Судда маълум бўлишича, фавқулодда комиссия

---

[155] Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане... – С. 54.
[156] Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи . –Тошкент: Университет, 2002. – Б. 44.
[157] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 36-варақ.

ходимлари тергов жараёнида айбланувчилардан пора олишмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан аҳоли ўртасида миш-мишлар тарқалмоқда. Шунинг учун фавқулодда комиссиянинг ҳозирги таркибини тарқатиб юбориш ва унинг ўрнига муносиб кадрларни сайлаш лозим»[158].

Фавқулодда тергов комиссияси фаолиятида қонунбузарликлар авж олганлигини аҳолининг ҳукуматга мурожаатларидан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, қамоқда сақланаётган А.Циперсоннинг турмуш ўртоғи Р.Циперсон Халқ Комиссарлар Советига қуйидагиларни маълум қилган эди: «Менинг турмуш ўртоғим Арам Циперсон 1918 йил 7 октябрда Тошкент шаҳрида тиббиёт дори воситаларини юқори нархда сотганликда айбланиб, фавқулодда комиссия томонидан қамоққа олинди. Комиссия аъзолари унга гаров эвазига озодликка чиқишни таклиф қилишди. Биз уларга 45000 рубл гаров пули тўладик. Бир неча кундан сўнг у яна қамоққа олиниб, гаров пули давлат ҳисобига мусодара қилингани маълум қилинди»[159]. Хўжанд фавқулодда комиссияси кулолчилик буюмларини сотаётган ҳунармандларни чайқовчиликда айблаб, 10000 рубл миқдорда жарима солади ва маҳсулотлари мусодара қилинади. Юқоридаги ҳолатлар Адлия халқ комиссарлиги томонидан ўрганилиб, фавқулодда комиссиясининг қарорлари бекор қилинади[160].

1919 йил 6 майда Туркистон АССР МИҚ «Туркистон Фавқулодда комиссияси тўғрисида» янги низом қабул қилди[4]. Низомга асосан, фавқулодда комиссиялар фаолияти марказлаштирилди. Хусусан, Тошкентда фавқулодда комиссиянинг марказий идораси Туркистон Фавқулодда комиссияси (ТФК) ташкил топди ва у қуйи идораларни назорат қилиб борди.

---

158 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 17-варақ.
159 Ўша жойда. 90-иш, 20-варақ.
160 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 89-иш, 51-варақ.
4 Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 12-варақ.

ТФК бош органи ҳайъат ҳисобланиб, унинг таркибига 7 нафар аъзо кирган. Номзодлар Туркистон Коммунистик партияси томонидан тақдим этилган ва Туркистон АССР МИҚ томонидан тасдиқланган.

ТФК таркибида тезкор қидирув, ҳуқуқ, махсус ва транспорт бўлимлари мавжуд эди. Улар орасида, айниқса, махсус бўлим кенг ваколатларга эга эди[161].

ТФК республика ҳудудида тинтув ўтказиш, айбдорларни қамоққа олиш, маъмурий жавобгарликка тортиш ва мулкни мусодара қилиш ваколатига эга эди. Низомда фавқулодда комиссия РСФСР ва Туркистон АССР ҳукуматларининг ҳар қандай буйруқларини сўзсиз бажариши кўрсатиб ўтилган эди. Бир сўз билан айтганда, фавқулодда комиссия ҳукумат буйруқларини амалга оширишда зўравонлик қуроли бўлган.

Туркистон АССР таркибидаги ҳар бир вилоятда вилоят фавқулодда комиссияси ташкил топди. Вилоят фавқулодда комиссияси ўзининг жосусларига эга бўлиб, барча совет идоралари уларга маълумот бериб боришлари ва зарур ҳолатларда эса амалий ёрдам кўрсатишлари лозим эди[162]. Совет ҳокимияти давлат сиёсатига қарши ҳаракатлар ва кайфиятларни аниқлашда улар хизматидан кенг фойдаланди. Бундан ташқари, вилоят фавқулодда комиссияси ҳузурида 200 кишилик махсус қуролли гуруҳ ташкил этилган бўлиб, зарур бўлганда комиссия ходимларига ўз мақсадларини куч ишлатиш йўли билан амалга ошириш имконини берарди.

Фавқулодда комиссия идоралари марказлаштирилса-да, улар фаолиятидаги қонунбузарликларга чек қўйилмади. 1919 йил 27 майда Туркистон АССР МИҚ «Туркистон Фавқулодда комиссияси фаолияти устидан Назорат-тафтиш ҳайъати ташкил этиш тўғрисида»ги декретни қабул қилиши ушбу фикрнинг яққол исботидир[163]. Тошкентда Назорат-тафтиш

---

[161] Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 12-варақ.
[162] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 48(б)-варақ.
[163] Ўша жойда. 203-иш, 230-варақ.

ҳайъатининг марказий идораси, вилоятларда эса унинг бўлимлари ташкил топди.

Назорат-тафтиш ҳайъатининг асосий вазифаси фавқулодда комиссия ишида қонунийликни таъминлаш, ходимлар ўртасидаги суиистеъмолликларга чек қўйишдан иборат эди. Назорат-тафтиш ҳайъати ТФК ва унинг вилоят бўлимларини доимий равишда сиёсий ва молиявий томондан тафтиш қилиб борган.

Назорат-тафтиш ҳайъати Туркистон Фавқулодда комиссиясининг барча йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга эди. Агарда ҳайъат фавқулодда комиссиянинг бирор қарорига раддия билдирса, ушбу қарор ТФК Пленумида кўриб чиқилмагунча ижроси тўхтатиб турилган.

Фавқулодда комиссия ваколатини чеклаш ва назорат қилиш масаласи бир қанча йиғилиш ва қурултойларнинг кун тартибидаги асосий масалага айланган эди. Жумладан, 1919 йил 15 сентябрда Олий ва Сирдарё вилоят инқилобий трибуналининг қўшма мажлисида Олий инқилобий трибунал раиси А.Илёсов фавқулодда комиссия ва унинг махсус бўлими бирор айб эълон қилмасдан, шахсларни уч-тўрт ойлаб қамоқда сақлаётгани, трибунал санкциясисиз жазога тортаётганини маълум қилган эди. Йиғилиш сўнггида фавқулодда комиссия ва махсус бўлим устидан инқилобий трибуналнинг тезкор назорат бўлимларини ташкил этишга қарор қилинди[164].

Фавқулодда комиссия устидан бир қанча назорат органлари ташкил этилса-да, воқеалар ривожи таҳлил этилганда, бирор ижобий ўзгаришга эришилмагани аён бўлади. Жумладан, 1919 йил 6 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Адлия ва Ички ишлар халқ комиссарликлари вакилларининг мажлисида Адлия халқ комиссари А.Сидоров фавқулодда комиссия бўлимлари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқаётганини таъкидлаб, ушбу идора ваколатини чеклаш лозимлигини маълум қилган эди[165].

---

[164] ЎзР МДА, Р-344-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ.
[165] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 50-иш, 211-варақ.

Мажлисда иштирок этган Олий инқилобий трибунал раиси А.Илёсов фавқулодда комиссиянинг судсиз шахсларни ўлимга ҳукм қилишига қарши фикр билдирган эди. Ушбу ваколат комиссияда бебошлик ва қонунбузарликни келтириб чиқараётгани, шу боис унинг ваколатларини чеклаш лозимлигини талаб қилган эди[166].

Мажлис якунида ушбу масалани ҳал қилиш ва ҳукуматга тегишли таклифлар киритиш учун Сидоров, Вершинин ва Богомоловлардан иборат комиссия тузилди.

Фавқулодда комиссия ҳар қандай қонундан устун турувчи идора сифатида иш юритди. Халқ судлари тугул, инқилобий трибуналлар ҳам уларни назорат қила олмасди. Ваҳоланки, низомга кўра, инқилобий трибунал фавқулодда комиссия терговини назорат қилиш ваколатига эга эди. Амалда эса, бунинг акси бўлган. Фавқулодда комиссия инқилобий трибунал ва халқ судларига тазйиқ ўтказиб, бирор айб эълон қилмасдан судья ва маслаҳатчиларни қамоққа олар эди. Жумладан, 1920 йил 21 майда Адлия халқ комиссари ўринбосари А. Расулов ТФК раисига судьяларни ноқонуний қамоққа олиш юзасидан кўплаб шикоятлар келиб тушаётгани, бундай ҳаракат суд обрўсига путур етказишини маълум қилиб, бу борада қуйи органларга тегишли кўрсатмалар беришни талаб қилган эди[167].

Фавқулодда комиссия фаолиятидаги зўравонлик, қонунбузарликлар юзасидан вилоят инқилобий трибуналлари Адлия халқ комиссарлигига бир неча маротаба шикоят билан мурожаат қилишган. Масалан, 1921 йил 29 июнда Каспийорти вилоят инқилобий трибунали шундай хабар берган эди: «Инқилобий трибуналга фавқулодда комиссия томонидан тақдим этилган жиноий ишлар етарли далилларга эга эмас. Бундай ҳолат суд ишларини мураккаблаштирмоқда ва кўпинча ишни кўриш кейинга қолдирилмоқда»[168].

---

166 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 50-иш, 211-варақ.
167 Ўша жойда. 89-иш, 119-варақ.
168 Ўша жойда. 186-иш, 64-варақ.

Еттисув вилоят инқилобий трибунали раиси А.Юташев эса аҳволни қуйидагича баён этган эди: «Тергов идораси бўлмиш вилоят фавқулодда комиссияси ва унинг махсус бўлими суд ишларида инқилобий трибунални сиқиб қўйишга муваффақ бўлди. Сўнгги вақтларда деярли барча суд ишлари улар томонидан истисносиз ҳал этиляпти. Фавқулодда комиссия танбеҳ беришдан токи отувга ҳукм қилишгача бўлган жазо чораларини қўлламоқда»[169].

Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, фавқулодда комиссия томонидан кўрилган ишлар халқ суди ва инқилобий трибуналларга нисбатан кўпчиликни ташкил этган. Масалан, 1921 йил июн ойида Туркистон АССР бўйича жазога тортилганларнинг 28,4% совет халқ судлари, 23,9% инқилобий трибуналлар, 36,1% фавқулодда комиссия ва қолган 11,6% бошқа идоралар томонидан амалга оширилган[170].

Нафақат Туркистон АССРда, ҳаттоки РСФСРда ҳам фавқулодда комиссия ваколатини чеклаш лозимлиги юзасидан таклифлар билдириларди. Ниҳоят, 1922 йил 6 февралда Бутунроссия МИҚ қабул қилган декретга асосан Бутунроссия Фавқулодда комиссияси тугатилди ва унинг ўрнига Ички ишлар халқ комиссарлигига бўйсунувчи Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) ташкил топди. Туркистонда эса ушбу идоранинг бўлими тузилди. Хуллас, Россияда фуқаролар уруши тугагач, совет ҳокимияти хавфсизлик идораларида ислоҳот ўтказиб, улар ваколатини чеклади.


Инқилобий трибуналларда ҳам ислоҳот амалга оширилди. Бу даврда Олий инқилобий трибуналдан ташқари, кассация, ҳарбий ва темир йўл трибуналлари фаолият юритар, аксарият ҳолларда улар ўртасида қарама-қаршилик ва чалкашликлар келиб чиқар эди. Шу боис 1921 йил 23 июнда Бутунроссия МИҚ қабул қилган декретга асосан Республика ҳарбий трибунали, Бош темир йўл трибунали ва Бутунроссия МИҚ қошидаги

---

169 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 186-иш, 63-варақ.
170 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 3-варақ.

Кассация трибунали тугатилиб, Олий инқилобий трибуналга бўйсунувчи ҳарбий, ҳарбий транспорт ва кассация ҳайъатларга айлантирилди[171]. Шу тарзда Россияда фаолият юритган барча трибуналлар бир марказдан туриб бошқарилиши йўлга қўйилди (2-схемага қаранг).

(2-схема)



Юқорида кўрсатиб ўтилган декретнинг 2-моддасида автоном республикаларда РСФСР Олий инқилобий трибуналининг вилоят мақомидаги бўлими ташкил этилиши баён этилган эди. Шунга асосан, Тошкентда Олий инқилобий трибунал тугатилиб, РСФСР Олий инқилобий трибуналининг бўлими ташкил этилиши кўзда тутилган эди.

Аввалларии Туркистон АССР ҳудудидаги ҳарбий ва темир йўл трибуналлари Марказдан туриб бошқариб келинган бўлса, бундан кейин инқилобий трибунал ҳам Марказ назоратига ўтадиган бўлди. Юқоридаги декрет Туркистон АССР давлат раҳбарлари ва адлия ходимларининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Чунки 1920 йил сентябрда қабул қилинган Туркистон АССР конституциясининг 26-моддаси б-бандида автоном республика ўз ҳудудида мустақил равишда суд идораларини ташкил этиши, 45-модданинг в-бандида эса суд ишларини юритишда мустақиллиги кўрсатиб

[171] История законодательства СССР и РСФСР...– С.168-171.

ўтилган эди[172]. РСФСР эса Туркистон АССР конституциясини қўпол равишда бузиб, марказ олдида масъул бўлган ҳарбий ва темир йўл трибуналларини ташкил этганди. Сўнгра бу билан кифояланиб қолмасдан, инқилобий трибуналларни ҳам ўз таъсирига олмоқчи бўлди.

1921 йил 16 сентябрда Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлигида Д.Устабоев раҳбарлигида бўлиб ўтган мажлисда декрет муҳокама қилиниб, ушбу ҳужжат республика конституциясига зид деган қарорга келинди. 1922 йил 12 мартда Туркистон АССР МИҚ раиси А.Рахимбоев имзо чеккан декрет сўнггида хусусан қуйидагилар баён этилган эди:

А) Туркистон АССР конституциясида мустақил равишда суд идораларини ташкил этиш ҳуқуқи белгилаб қўйилганлиги боис, Тошкентда РСФСР Олий инқилобий трибуналининг вилоят бўлимини ташкил этиш мумкин эмас;

Б) Туркистонда фаолият юритаётган Туркфронт ҳарбий трибунали ва Туркистон округ темир йўл трибуналлари ўзларига бўйсунувчи трибуналлар билан Туркистон АССР Олий инқилобий трибуналига бўйсундирилсин[173].

Туркистон АССР давлат раҳбарларининг қаттиқ қаршилигидан сўнг Марказ ён беришга мажбур бўлди. 1922 йил 27 июлда Бутунроссия МИҚ Туркистонда суд идораларини ташкил этиш тўғрисида янги декрет қабул қилди[174]. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Туркистонда Пленум, судлов ва кассация ҳайъатларидан иборат Олий инқилобий трибунал сақлаб қолинди. Ҳарбий ва темир йўл трибуналлари яна аввалгидек Марказ тасарруфида қолаверди.

Бу вақтинчалик чора бўлиб, Марказ ўз режасини амалга оширишни бир оз ортга сурган эди, холос. Кейинги воқеалар ривожи ушбу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, 1923 йил апрелда ягона суд тизимига ўтилиши муносабати билан халқ судлари ҳамда инқилобий трибуналлар тугатилди ва Тошкентда РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими ташкил топди.

---

[172] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 264-272-варақлар.
[173] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 615-иш, 151-варақ.
[174] ЎзР МДА, Р-344-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 27-варақ.

Шундан сўнг, Туркистон АССР ҳудудидаги судлар тўлалигича РСФСР ҳукумати назоратига олинди.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти нафақат сиёсий жиноятларни, балки оғирроқ жазо берилиши лозим деб топган ҳар қандай ишни кўриш учун инқилобий трибуналларга тақдим этди. Дастлабки йилларда трибуналлар чиқарган ҳукм устидан шикоят бериб бўлмаслиги ёки бундай муддатнинг қисқалиги ушбу суд идораларининг инсон ҳуқуқларини эмас, совет ҳокимияти манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганидан далолат беради.

Инқилобий трибунал ўзининг қисқа муддатли фаолияти давомида шафқатсиз террорни амалга оширди. Бундай ҳаракат совет ҳокимиятига қарши курашнинг янада кучайишига олиб келди. Натижада, мустабид тузум совет режимига қарши бўлган шахсларни ошкора суд қилмасдан қатағон қилиш мақсадида фавқулодда комиссияни ташкил этди. Чекланмаган ваколатларга эга бўлган инқилобий трибунал ва фавқулодда комиссия ҳар қандай норозилик ҳаракатини зўравонлик билан тугатиб, мажбурий равишда совет режимини қарор топтиришда муҳим қурол бўлиб хизмат қилди.

2.1. Ҳарбий ва темир йўл трибуналларининг ташкил топиши

Совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг кучайиши муносабати билан ҳарбий ва темир йўл трибуналлари ташкил топди. Ҳарбий трибуналларнинг бу борадаги фаолияти хусусида сўз юритишдан аввал қизил армиянинг вужудга келиши ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки ҳарбий трибунал фаолияти қуролли кучлар билан узвий боғлиқдир.

1917 йил ноябрда Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг зудлик билан қуролли кучларни ташкил этишга киришилди. Аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган большевиклар ҳукумати фақат куч воситасида ҳокимиятни сақлаб қолишга уринди. Шу боис 1917 йил 28

ноябрда Туркистон ХКС қизил гвардия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди[175]. Ушбу қарор асосида 1917 йил 6 декабрда йўриқнома ишлаб чиқилди. Йўриқномада қизил гвардияни ташкил этиш тартиби ва унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган эди. Орадан бир оз муддат ўтгач, 1918 йил 15 январда РСФСР ҳукумати қизил армия ташкил этиш ҳақида декрет қабул қилди. Шунга асосан 1918 йил 2 мартда Тошкентда дастлабки қизил аскар гуруҳлари ташкил топди[176].

Қизил аскарлар асосан европаликлардан иборат эди. Уларнинг негизини темир йўл ишчилари, собиқ асирлар ва жиноятчи шахслар ташкил этарди. Аскарлик сафига бирор касб-корга эга бўлмаган, ғоявий маслаксиз ва қорин ташвишида яшайдиган кишилар қабул қилинган. Улар ҳукуматнинг ҳар қандай буйруқларини сўзсиз бажарувчи, жиноятчиликда суяги қотган кишилар эди. Бу ҳақда Туркистон мусулмон коммунистларининг биринчи қурултойида шундай дейилган эди: «Аскарликка асосан очлик сабабидан ёзилганлардан ташқари турли жиноятчилар ҳам бор. Мана шулар таъсирида биз ёмон ҳолларга учрадик. Қизил аскарларни жиноятчилардан тозалаш керак»[177]. Қизил аскарлар аксарият ҳолларда совет режимига қарши курашни бостириш жараёнида маҳаллий аҳолини талаш билан шуғулланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, қизил аскарлар нафақат совет ҳокимияти мақсадларини амалга оширишга ёрдам берган, балки ҳукумат учун жиддий хавф ҳам туғдирган. Ҳаттоки, совет ҳокимиятидан норози кайфиятдаги ҳарбийлар ҳокимиятни эгаллашга ҳам уриниб кўрдилар. Жумладан, 1919 йил 19 январда Туркистон АССР Ҳарбий комиссари К.Осипов Тошкентда давлат тўнтаришини амалга ошириб, 14 совет комиссарини отиб ташлади. Аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган Осипов исёни 21 январда бостирилди. Ушбу ҳолат совет ҳокимиятининг ҳарбий соҳада кескин ўзгаришлар қилишга

---

175 Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости... – С. 79-80.
176 Победа Октябрьской революции в Узбекистане... – С.163.
177 Туркистон жумҳурияти мусулмон коммунистларининг биринчи қурултойи // Иштирокиюн. –Тошкент, 1919, 15 июн.

мажбур этди. 1919 йил 7 апрелда Туркистон АССР МИҚ қарорига асосан А.Казаков раислигидаги Инқилобий ҳарбий кенгаш ташкил топди[178]. Кенгаш ўлкада олий ҳарбий идора ҳисобланиб, Ҳарбий комиссарлик ва қуролли кучлар қўмондонлиги унга бўйсунарди. 1919 йил июнда Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳарбий низом тартибларини бузган аскарларни жазолаш учун армия ва гарнизон судларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосан, Каспийорти, Еттисув, Фарғона вилоятларида армия судлари, Тошкент, Верный, Пишпак, Копал, Лепсинск, Жаркент, Норин, Скобелев, Самарқанд шаҳарларида гарнизон судлари ташкил топди[179].

Бироқ армия ва гарнизон судлари қизил аскарлар ўртасидаги дезертирлик, бўйсунмаслик ҳаракатларига чек қўя олмади. Натижада, бундай ҳаракатларни шафқатсиз жазолаш мақсадида армия ва гарнизон судлари тугатилиб, унинг ўрнига ҳарбий трибуналлар ташкил топди.

Дастлабки ҳарбий трибунал 1918 йил июл ойида Россиядаги энг кескин фронт бўлган Шарқий фронтдаги 1-армияда ташкил топди. Ўша йилнинг охирига келиб, барча фронт ва армияларда ҳарбий трибуналлар тузишга киришилди. 1918 йил 14 октябрда РСФСР Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси Троцкий Республика ҳарбий трибуналини ташкил этиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди.

Юқоридаги буйруқ асосида ҳарбий трибуналлар ташкил топса-да, ушбу идоранинг ваколат доираси, суд жараёнларини ташкил этиш тартибини белгилаб берадиган бирорта меъёрий ҳужжат мавжуд эмас эди. Маълум муддатгача ҳарбий трибуналлар ҳеч бир қонунга асосланмай иш юритди. 1919 йил 4 февралда РСФСРда ҳарбий трибунал ҳақида дастлабки низом

---

[178] Организация высшего управления красной армии Туркестанской Республики // Военный работник Туркестана. –Ташкент, 1922. –№ 2. – С. 70; Яна бу ҳақда қаранг. Caroe O. Soviet Empire the turks of Central Asia and Stalinizm. – London: ST Martins press, 1954. – P. 102-103.

[179] Временное положение об армейских и гарнизонных судах // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919 г. – № 2. – С. 33-38.

қабул қилинди. Низомга асосан, республика, фронт, армия, дивизия ҳарбий трибуналларидан иборат ягона тизим вужудга келди[180].

Ҳарбий трибунал судьялари инқилобий трибуналдан фарқли равишда сайланмасдан, тайинланган. Масалан, Республика ҳарбий трибунали Республика Инқилобий ҳарбий кенгаши, фронт ҳарбий трибунали фронт ҳарбий кенгаши томонидан тайинланган.

Республика ҳарбий трибунали ўта оғир турдаги сиёсий ва ҳарбий жиноятларни, жумладан, Ҳарбий комиссарлик аъзолари, фронт ва армия қўмондонларининг содир этган жиноятларини кўрган.

Фронт ҳарбий трибунали фронт комиссари, дивизия, батальон, полк қўмондонлари каби ҳарбий хизматчиларнинг ишини кўрган. Армия ва дивизия ҳарбий трибуналлари эса қуйи лавозимдаги зобит ва ҳарбий хизматчиларнинг жиноий ишларини кўрган.

Республика ҳарбий трибунали олий суд идораси сифатида Инқилобий ҳарбий кенгашнинг қарори билан ҳар қандай фронт, армия ва дивизия ҳарбий трибуналидан ишни олиб, биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиши мумкин эди.

1919 йил 20 ноябрда ҳарбий трибунал ҳақидаги низом янги таҳрирда қабул қилинди[181]. Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, ҳарбий трибуналларнинг ўлим жазосини қўллашдаги ваколати чекланди. Жумладан, фронт, армия ва дивизия ҳарбий трибуналлари ўлим жазоси бериш ҳақидаги ҳукмларини зудлик билан Республика ҳарбий трибунали ва Инқилобий ҳарбий кенгашга маълум қилишлари лозим эди. Улар хабардор қилинганидан кейин 48 соат ўтгач, ҳукм ижро этилган. Агарда ҳукм нотўғри қабул қилинган бўлса, юқоридаги идоралар унга раддия билдириши мумкин эди.

1918 йилда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кураш авж олиб, Еттисув, Фарғона ва Каспийорти фронтлари вужудга келди. Шу боис 1918

---

[180] История законодательства СССР и РСФСР... – С.79-80.
[181] История законодательства СССР и РСФСР...– С.112 -118.

йил 27 декабрда Туркистон АССР МИҚ Туркистонни ҳарбий лагер ҳолатида деб эълон қилди[182]. 1919 йилга келиб кураш янада кескин тус олди. Ўлкада совет ҳокимияти ҳам ички, ҳам ташқи томондан ўзига қарши кучлар қуршовида қолган эди. Туркистондаги оғир аҳволни ҳисобга олган Қизил Армия бош қўмондонлиги 1919 йил 14 августда Шарқий фронтнинг жанубий қисмида алоҳида Туркистон фронти ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди ва унга М.В.Фрунзе қўмондон этиб тайинланди. Туркистон фронти таркибида Туркфронт ҳарбий трибунали иш бошлади.

Оренбург ва Актюбинск фронтларидаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Туркистон фронт штаби ва ҳарбий трибунали 1919 йил декабргача Туркистон ҳудудидан ташқарида фаолият олиб борди. «Оренбург тиқини» бартараф этилиб, ушбу ҳудудларда совет ҳокимиятининг тўла назорати ўрнатилгач, 1920 йил январда Туркистон фронти штаби ва ҳарбий трибунали Тошкентга кўчирилди[183].

Туркистонда Туркфронт ҳарбий трибуналининг 12 та бўлими мавжуд эди[184]. Бундан ташқари, жиноятларни содир этилган жойнинг ўзида қисқа муддатда кўриш учун бир неча сайёр суд мажлислари ташкил этилди.

Туркфронт ҳарбий трибунали олдида иккита вазифа турарди. Биринчидан, қизил аскарлар ўртасида мустаҳкам тартиб ўрнатиб, уни жиноятчилардан тозалаши лозим бўлса, иккинчидан, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган қуролли ҳаракат қатнашчиларини шафқатсиз жазолаши керак эди.

Биринчи вазифани ҳал этиш унча мураккаб кечмади. Қизил аскарлар, ички ишлар, фавқулодда комиссия, махсус бўлим ходимлари содир этган жиноятлари учун ҳарбий трибунал томонидан жазога тортилди. Масалан, 1920 йил март ойида Туркфронт ҳарбий трибуналининг Петро-

---

[182] Сборник декретов, приказов и распоряжений правительства ТССР. – Т.: Госиздат, 1919. – С. 73.
[183] Hayit, Baymirza. Sowjetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestans. – Koln-Berlin: Verlag Kiepenheuer & Witsch, 1962. – S. 82-83.
[184] Военные трибуналы в Туркестане // Красная звезда. – Ташкент, 1923, 14 октября.

Александровск бўлими Амударё бўлими аскарларининг бир гуруҳини суд қилиб, уларни талончиликда айблаб, ўлимга ҳукм қилди[185]. Самарқанд шаҳар учинчи туман милиция бошлиғи ўзининг отлиқ бўлинмалари билан жамоат тартибини сақлаш ўрнига аҳолини талаш, қирғин қилиш билан шуғулланган учун 1920 йил 1 сентябрда Туркфронт ҳарбий трибуналининг Самарқанд бўлими томонидан олий жазога ҳукм қилинди[186].

1920 йил 15 октябрда Туркфронт ҳарбий трибуналининг сайёр мажлиси Перовский уездида ҳарбий дала суди раиси Костенконинг ишини кўриб чиқиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги ва ўзбошимчалик билан аҳолини отувга ҳукм қилгани учун ўлимга ҳукм қилди.

Фавқулодда комиссия ходими Александр Бушков қўл остидаги 10 кишилик қуролли гуруҳ билан мунтазам равишда Тошкент уездида талончилик билан шуғулланган. Ушбу жиноий тўда Тошкент шаҳри атрофидаги Толариқ аҳоли манзилгоҳида икки кишини отиб, от, озиқ-овқат ва пул маблағларини ўзлаштираётганида қўлга олинган. Шуниси ажабланарлики, Туркистон Фавқулодда комиссиясининг раҳбарлари ўз ходимларининг бундай ҳаракатларини кўра-била туриб, жиноятчиликни олдини олиш ўрнига уларни қурол-яроғ билан таъминлаб турган. 1922 йил 28 сентябрда жиноятчилар устидан ҳукм чиқарилди. Айбдорларнинг икки нафари ўлим жазосига, қолганлари эса 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилди ва жазони кучайтирилган тартибдаги муассасаларда ўташлари белгиланди[187].

Бу даврга оид даврий матбуот нашрларида қизил армия ўртасида ватанпарварлик туйғуси йўқлиги, зобит ва аскарлар бойлик эвазига ўз қуролларини рақиб томонга сотиб юбораётганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. «Мана тўрт йилдирки, босмачилар ҳеч қандай порох, ўқ-дори, қурол ишлаб чиқарадиган заводлари бўлмасдан бизга қарши кураш

---

185 Горный А. Военная жизнь в Туркестане // Военная мысль. –Ташкент, 1921. – № 1. – С. 312.
186 Горный А. Военная жизнь в Туркестане // Военная мысль… – С. 312.
187 Суд над бандитами // Туркестанская правда. – Ташкент, 1922, 3 октября.

олиб бормоқда. Бу мўъжизами? Йўқ, мўъжиза эмас. Бу жиноятларнинг сонидир. Оғир бўлса ҳам шуни тан олишимиз керакки, босмачилар қуролни бизнинг ўзимиздан олмоқда»[188], деган эди совет қўмондонларидан бири.

Қизил аскарлар устидан ўтказилган кўплаб суд жараёнлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, 1920 йил 2 апрелда Туркфронт ҳарбий трибунали махсус бўлими раҳбари Г.Бокий ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан шуғулланган 7 нафар ҳарбийни отувга ҳукм қилди. Ўлимга ҳукм қилинганлардан бири Михаил Бабаев турли вақтларда 6 та пулемёт, 80 та милтиқ, 40 та тўппончани совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган кучларга сотган. Яна бир маҳкум 1-Тошкент қоровул полкининг 6-рота зобити Борис Городецкий 272 минг рубл давлат маблағини шахсий манфаатлари йўлида ўзлаштириб юборган. У «Наган» маркали тўппончани 20 000 рублга пуллаётган вақтда қўлга олинган[189].

1922 йил 4 мартда ҳарбий трибуналнинг Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мажлиси Фарғона қўшинлари штабининг зобитлари Алексеев ва Зиновевларни ноқонуний қурол ва ўқ-дори савдоси билан шуғулланганликда айблаб, ўлимга ҳукм қилди[190].

Юқорида келтириб ўтилган суд жараёнлари шундан далолат берадики, ҳарбий идоралар жиноятчилар тўдасига айланган эди. Ҳаттоки, талончилик ҳаракатларига уларнинг раҳбарлари хайриҳоҳлик билан қараб, керак бўлса қўллаб-қувватлаганлар. Ушбу ҳолат янги ташкил топган давлат режимининг аввалбошданоқ мустамлакачилик мазмун-моҳиятини белгилаб берган эди.

Ҳарбий трибунал олдида турган иккинчи вазифа совет режимига қарши кураш олиб бораётган қуролли ҳаракат қатнашчиларини аёвсиз жазолашдан иборат эди. 1922 йилнинг кузига келиб, совет ҳокимияти ҳарбий ҳаракатларни кучайтириши муносабати билан кўплаб қўрбошилар тор-мор этилди. Йирик қўрбошилардан бири Муҳиддинбекни суд қилиш учун шахсан

---

188 Смерть пособником басмачей // Красная звезда. – Ташкент, 1922, 23 августа.
189 Расстрел врагов революции // Известия. – Ташкент, 1920, 4 апреля.
190 За продажу винтовки и патронов // Известия. – Ташкент, 1922, 8 марта.

Туркфронт ҳарбий трибунали раиси П.А.Камерон 1922 йил 18 сентябрда Тошкентдан Ўш шаҳрига келади. Бир ҳафта давом этган суд мажлиси 26 сентябрда ҳукм чиқарди. Қўрбоши Муҳиддин Усмоналиев, юзбошилар Саидқори Тўрақулов, Муллақори Алиев, Исомбой Исҳоқ, Муҳиддинбекнинг шахсий қўриқчилари Қамчи Темирбоев, Умрзоқ Шерхўжаев, Сотибой Матназаровлар ўлим жазосига ҳукм қилиндилар[191]. Айбланувчиларнинг бирортаси ҳарбий трибунал томонидан ўзларига қўйилган айбни тан олмаган.

Совет ҳокимияти давлат бошқарувидаги маҳаллий коммунистларнинг тазйиқи остида қаршилик ҳаракати қатнашчиларига бир неча маротаба авф эълон қилди. Кураш сардорларига қуролини ташлаб, таслим бўлишга даъват этилди. Бироқ қуролини ташлаган кураш қатнашчилари ҳарбий трибунал томонидан суд қилиниб, ўлимга ҳукм қилинди. Жумладан, Фарғона водийсида ҳаракат қилган йирик қўрбошилардан бири Раҳмонқули 1922 йил 3 ноябрда ўзининг 22 нафар қуролланган аскари билан советлар томонига ўтди. Яна бир қатор қўрбошилар, шу жумладан, ўғли ва ака-укаларини таслим бўлишга кўндирди. Аммо совет ҳокимияти уларнинг барчасини шафқатсиз жазолади. 1922 йил 25 ноябрда Қўқон шаҳрида Раҳмонқули Мамарозиқов бошчилигидаги бир гуруҳ қўрбошилар, 11 нафар юзбоши ва понсод Туркфронт ҳарбий трибунали томонидан ўлимга ҳукм қилинди[192].

Ҳарбий трибунал томонидан нафақат қуролли ҳаракат қатнашчилари, балки уларга ёрдам берганликда айбланган тинч аҳоли ҳам қатағон қилинган. Деярли барча қўрбошилар совет ҳокимиятига мурожаатларида ҳарбий трибунал ва фавқулодда тергов комиссияларининг тинч аҳолини асоссиз қирғин қилишига чек қўйишни талаб қилган эдилар[193].

Совет ҳокимияти озодлик курашини бостириш учун қўрбошилар ўртасида сунъий равишда адоватни кучайтирди. Шермуҳаммадбекдан сўнг Фарғона водийси қўрбошиларига раҳбарлик қилган Омон Полвонни 1923 йил

---

[191] Приговор по делу Муэтдина // Красная звезда. – Ташкент, 1922, 28 сентября.
[192] Приговор по делу Рахманкула // Красная звезда. – Ташкент, 1922, 5 декабря.
[193] Park A. Bolshevizm in Turkestan: 1917-1927. – New York: Columbiya university press, 1957. – P. 33.

24 майда яна бир қўрбоши Ёқуббек хоинларча ушлаб берди. 1923 йил 13 июнда ҳарбий трибунал ҳукми билан Омон Полвон отувга ҳукм қилинди[194]. Орадан кўп ўтмай Ёқуббек ҳам отиб ташланди.

Туркфронт ҳарбий трибуналининг бўлимлари бутун ўлка бўйлаб курашнинг фаол қатнашчиларини ўлимга ҳукм қилган. Масалан, Шарқий Бухорода кураш олиб борган қўрбошилар устидан суд жараёнлари бўлиб ўтди. Ҳарбий трибуналнинг Самарқанд бўлими 1923 йил 20 майда Шоҳизинда мақбарасида Матча беги Асрорхон ва 11 кишидан иборат курашнинг фаол қатнашчиларини ўлимга ҳукм қилди[195].

Фарғона вилоят Инқилобий ҳарбий кенгашининг 1923 йил 2 ноябрдаги 1077-қарори бўйича қамоққа олинган 183 та қўрбошининг иши ҳарбий трибуналга оширилади. Ҳарбий трибунал ушбу қўрбошиларнинг дастлаб бир қисмини отишга буюриб, ўзича «мурувват» кўрсатган бўлса, 1924 йил ва ундан кейинги даврда барча таслим бўлган қўрбошилар ва уларнинг йигитларини отиб ташлаш ҳақида ҳукм чиқарди[196].

Статистик маълумотларга мурожаат этсак, ҳарбий трибунал амалга оширган қатағонлар яққол намоён бўлади. Биргина 1920 йилда Туркфронт ҳарбий трибунали ва унинг бўлимлари томонидан 11793 та иш кўрилган бўлса[197], 1921 йилда 5633 та, 1922 йилда 3609 та, 1923 йилнинг дастлабки саккиз ойида 2715 та жиноий иш кўриб чиқилган[198]. Ҳарбий трибунал томонидан кўрилган ишлар камайса-да, жазога тортилганлар сони ортиб борган. Буни қуйидагилардан ҳам билиб олиш мумкин: 1920 йил кўрилган ишлардан 5075 таси (42%) бўйича айб эълон қилинган бўлса, 1921 йил 3947 та (70,1%), 1922 йил 2725 та (75,5%), 1923 йилнинг дастлабки саккиз ойида 2225 та (85%) иш юзасидан айб эълон қилиниб, жазога тортилган. Биргина

---

194 Аман Палван расстрелян // Красная звезда. – Ташкент, 1923, 19 июня.

195 Суд на матчинскими басмачами // Красная звезда. – Ташкент, 1923, 24 мая.

196 Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши куролли ҳаракат (1918 -1924 йиллар): Тарих фан. док. ... дис. –Т., 2005. – Б.215.

197 Горный А. Деятельность революционного военного трибунала Туркестанского фронта в 1920 г. в цифрах // Военная мысль. – Ташкент, 1921. – № 2. – С. 315.

198 Военные трибуналы в Туркестане // Красная звезда. – Ташкент, 1923, 14 октября.

1922 йилда содир этилган бошқарув тартибига қарши жиноятларни 1923 йилдагилар билан таққосланса 21,3% дан 45,4% га ошган. Ўлим жазосига асосан бошқарув тартибига қарши курашган қуролли ҳаракат қатнашчилари ҳукм қилинган. Масалан, 1922 йилда ҳарбий трибуналлар томонидан айбдор деб топилганларнинг 8,5% ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, 1923 йилда улар 23,6% га ошган. Яъни, айбдор деб топилганларнинг ҳар тўрттасидан бири отувга ҳукм қилинган.

Туркфронт ҳарбий трибунали РСФСР ҳарбий трибуналлари орасида кескин қатағонни амалга оширгани билан ажралиб турган. Жумладан, 1922 йилнинг сўнгги уч ойида Туркфронт ҳарбий трибунали 887 кишини жазолаш юзасидан ҳукм чиқарган. Худди шу даврда РСФСР нинг бошқа округ ҳарбий трибуналлари билан таққосланса, Москва округ ҳарбий трибунали 338 кишини, Волгабўйи округ ҳарбий трибунали 182, Петроград округ ҳарбий трибунали 449, Ғарбий округ ҳарбий трибунали 449, Украина округ ҳарбий трибунали 422, Шимолий Кавказ округ ҳарбий трибунали 277, Ғарбий Сибир округ ҳарбий трибунали 114 кишини айблаб ҳукм чиқарган[199].

Ҳарбий трибуналларда асосан совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг энг фаол раҳбарлари-лидерларининг иши кўриб чиқилган. Ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари судсиз, терговсиз отиб ташланган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, қатағон қилинган қуролли ҳаракат қатнашчиларининг сони юқорида кўрсатиб ўтилган рақамлардан бир неча баробар кўп эди.

Бундан ташқари, Туркистонда темир йўл трибуналлари ҳам мавжуд эди. Мустабид тузум мақсадларини амалга оширишда темир йўл коммуникация тармоқлари муҳим роль ўйнарди. Чунки табиий-географик жиҳатдан олиб қараганда, РСФСР ҳукумати Туркистон билан алоқа ўрнатиши учун бундан қулай восита йўқ эди. Сув йўлларининг имконияти чекланган, карвон йўллари эса аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган эди.

---

[199] Военные трибуналы в Туркестане // Красная звезда. – Ташкент, 1923, 14 октября.

Туркистонда совет ҳокимияти фронтлар қуршовида қолган ва ушбу мураккаб вазиятдан Марказнинг ёрдамисиз чиқиб кетиши мушкул эди. Бир сўз билан айтганда, совет ҳокимиятининг келгуси тақдири ушбу транспорт воситасининг мунтазам ва самарали ишлашига боғлиқ эди. Шу боис совет ҳокимияти темир йўл транспорти хавфсизлигини таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солди. 1918 йил 28 ноябрда РСФСР ҳукумати қабул қилган декретга асосан мамлакатдаги барча темир йўлларда ҳарбий ҳолат эълон қилинди[200]. Темир йўл ишчи ва хизматчилари ўз вазифаларида қолган ҳолда ҳарбий хизматга чақирилган деб ҳисобланди.

Темир йўлларда поездлар хавфсизлигини таъминлаш учун темир йўл милицияси ташкил топди. Милиция ходимларига темир йўлларга хавф солувчи ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш вазифаси юклатилди. Бироқ ўта махфий тамғаси босилган архив ҳужжатларининг бирида таъкидланганидек, милиция ходимларининг 90% жиноятчилар бўлиб, улар аҳволни ўнглаш ўрнига ўзлари жиноятга қўл уришган[201].

1919 йил 9 июлда РСФСР Алоқа йўллари халқ комиссарлиги қарорига асосан, темир йўлга оид жиноятларни кўриш учун махсус комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия темир йўл транспорти билан боғлиқ жиноятларни кўриб чиқиб, айбдорларга 50 000 рублгача жарима солиши ва 5 ойгача қамоқ жазоси қўллаши мумкин эди.

Хавфсизлик масалалари билан бир қанча идоралар шуғулланганига қарамай, темир йўлларда аҳвол мураккаблигича қолаверди. Чунончи, 1920 йил 2 февралда РСФСР ХКС раиси В.И.Ленин Мудофаа кенгашига йўллаган хатида темир йўл транспортида аҳвол фожеали даражада деб, маълум қилган эди[202]. Натижада, 1920 йил 18 мартда Бутунроссия МИҚ «Темир йўл

---

[200] ЎзР МДА, Р-608-фонд, 2-рўйхат, 321-иш, 68-варақ.
[201] ЎзР МДА, Р-233-фонд, 1-рўйхат, 818-иш, 21-22-варақлар.
[202] ЎзР МДА, Р-235-фонд, 3-рўйхат, 75-иш, 345-варақ.

трибунали ташкил этиш ҳақида» декрет қабул қилди[203]. Шу тариқа, учинчи турдаги трибунал ташкил топди.

Москвада РСФСР Бош темир йўл трибунали иш олиб борган. Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида унга бўйсунувчи округ темир йўл трибуналлари ташкил топди. Низомда кўрсатилганидек, заруриятга қараб темир йўл трибуналининг сайёр мажлислари ташкил этилиши мумкин эди. Темир йўл трибунали судьялари Алоқа йўллари халқ комиссарлиги томонидан тайинланарди.

Юқоридаги ҳужжатга асосан, Тошкентда Туркистон округ темир йўл трибунали ташкил этилди. Ушбу трибунал ваколатига Ўрта Осиё темир йўлларидан ташқари, Тошкент–Оренбург темир йўлида содир этилган жиноятларни кўриш ҳам кирган.

Туркистон округ темир йўл трибунали тасарруфидаги ҳудуд 8 та тергов тумани ва 200 та тергов участкасига бўлинган эди[2]. Хуллас, Туркистоннинг темир йўл излари ўтган барча ҳудудларида темир йўл терговчилари иш олиб борган. Улар ушбу транспорт билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиб, ишни темир йўл трибуналига тақдим этишган. Бундан ташқари, Туркистон Фавқулодда комиссиясининг транспорт бўлими томонидан тергов қилинган ишлар ҳам кўриб чиқиш учун темир йўл трибуналига тақдим этилган.

Туркистон округ темир йўл трибунали кўрган ишларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: талончилик, меҳнат дезертирлиги ва ҳокимиятга қарши жиноятлар.

Темир йўл трибунали кўрган ишлар орасида талончилик жиноятлари кўпчиликни ташкил этган. Сиёсий тузумнинг беқарорлигидан фойдаланган айрим шахслар юк поездларини аёвсиз талон-тарож этганлар. Ҳисоботлардан бирида келтирилишича, камдан-кам ҳолларда юк белгиланган манзилга етиб борган. Биргина Тошкент станциясида 1921

---

[203] История законодательство СССР и РСФСР... – С.134-136.
[2] ЎзР МДА, Р-345-фонд, 4-рўйхат, 16-иш, 101-варақ.

йилнинг октябр ойида 88 маротаба: хусусан 47 маротаба буғдой, 9 маротаба туз, 32 маротаба кўмир ортилган вагонлар талон-тарож этилган. Масалан, туз ортилган вагонлардан бирида 1100 пуд туздан 429 пуди ўғирланган. Кўмир талон-тарожи вақтида 22 маротаба юкнинг ярми, 5 маротаба эса юк тўлалигича ўғирланган[204].

Бундай ҳаракатлар йил сайин ортиб борган. Масалан, РСФСР темир йўлларида 1920 йил 1098 минг пуд, 1921 йил 2435 минг пуд, 1922 йилнинг дастлабки ўн ойида 4340 минг пуд товар ва бошқа моддий бойликлар талон-тарож қилинган[205]. Уларнинг асосий қисми Москва-Қозон, Кавказорти ва Туркистон темир йўлларига тўғри келган. Темир йўл транспортида талон-тарож қилинган товарларнинг қиймати 1922 йилда олтин ҳисоби билан 37 миллион рублни ташкил этган[206].

Совет ҳокимияти ташкил этган идоралар талончилик ҳаракатларини олдини олишга ожиз эди. Фавқулодда комиссия ходимларидан бири ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлаган эди: «Темир йўлларда ўғрилик ва талончиликларни содир этаётганлар шунчаки ўғрилар эмас, балки темир йўл ходимларининг ўзларидир. Темир йўлларда уюшган жиноий гуруҳлар фаолият юритмоқда ва уларга темир йўл транспорти раҳбарлари бошчилик қилмоқда»[207].

Ушбу фикрни темир йўл трибунали чиқарган ҳукмлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Оренбург станцияси ишчиси П.Франченко «Берданка» маркали қурол ва 15 дона патронни вагондан ўғирлагани учун 1920 йил 10 сентябрда Туркистон округ темир йўл трибунали томонидан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган[208]. 1921 йил 21 декабрда А.Леденов

---

[204] ЎзР МДА, Р-233-фонд, 1-рўйхат, 193-иш, 25- варақ.
[205] Статистический ежегодник. – М.: Типография МКХ, 1922. – С.155.
[206] ЎзР МДА, Р-345-фонд, 4-рўйхат, 16-иш, 214-варақ.
[207] ЎзР МДА, Р-345-фонд, 1-рўйхат, 127-иш, 667-варақ.
[208] Ўша жойда. 7-иш, 1-варақ.

Бузулук станциясида вагондан қурол-аслаҳа ўғирлагани учун 1,5 йилга озодликдан маҳрум этилган эди[209].

1921 йил 23 ноябрда темир йўл трибунали Тошкент станцияси кассири В.Горбатовни транспортга ноқонуний юк ортгани ва 20000 рубл пора олгани учун 3 йилга озодликдан маҳрум этади[210]. Яна бир темир йўл ишчиси П.Илинович цистернадан керосин ўғирлагани учун 1922 йил 26 февралда темир йўл трибунали томонидан айбдор деб топилди[211].

Темир йўл ходимлари ўртасида порахўрлик ва турли суиистеъмолликларнинг авж олиши муносабати билан бундай ҳаракатларга тезкор қарши курашиш учун учлик комиссиялари ташкил топди. Учлик комиссиялари айбланувчиларни тергов қилиб, ишни кўриб чиқиш учун темир йўл трибуналига тақдим этган. 1922 йилда Туркистонда 25 та учлик комиссиялари иш олиб борган. Хусусан, Тошкент–Оренбург темир йўлининг Арис, Авлиёота, Туркистон ва Чияли станцияларида учлик комиссиялари мавжуд эди. Арис станциясидаги учлик комиссияси поездларни тузувчи ходим Тимофеевни 40000 рубл пора эвазига ноқонуний юк ортганлиги учун қамоққа олган[212].

Бундан ташқари, Туркистон округ темир йўл трибуналининг сайёр мажлислари ташкил қилинган эди. 1922 йил 15 апрелда сайёр суд мажлиси Тошкент–Оренбург темир йўлида узлуксиз равишда жиноят содир этиб келаётган бир гуруҳ раҳбар шахсларнинг ишини кўриб чиқиб, айбдор деб топилганларнинг икки нафарини ўлим жазосига, қолганларини эса турли муддатга озодликдан маҳрум этди[213].

Яна бир сайёр суд мажлиси 1922 йил 1 октябрда Перовский станциясида темир йўл ходимлари В.Греков ва К.Еременколарнинг ишини

---

209 ЎзР МДА Р-345-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 2-варақ.
210 Ўша жойда. 82-иш, 78-варақ.
211 Ўша жойда. 86-иш, 2-варақ.
212 Борьба за вяточничествам // Туркестанская правда. – Ташкент, 1922, 13 октября.
213 ЎзР МДА, Р-345-фонд, 1-рўйхат, 127-иш, 745 - варақ.

кўриб чиқди. Улар юк вагонларидан 15 пуд гўшт, 6 қоп ун, 3 ўрам газмол ўғирлагани учун ўлимга ҳукм қилинди[214].

Темир йўл трибунали кўрган иккинчи турдаги жиноятлар меҳнат дезертирлиги билан боғлиқ эди. Маош тўланмаслиги ва меҳнат шароитларининг оғирлиги ишчи-ходимлар ўртасида норозиликни келтириб чиқарган эди[215]. Натижада, ишчилар ўз вазифаларини ташлаб кета бошладилар. Масалан, 1920 йил 27 мартдан 1 апрелгача Самарқанд вилоятининг 8-темир йўл участкасида 70 нафар ходим ўз вазифасини ташлаб кетган[216]. 1920 йил 8 майда Тошкент Бош темир йўл устахонасининг маъмурияти хизмат вазифасини бажаришдан бош тортган 18 нафар ходимнинг рўйхати ва уй манзилларини фавқулодда комиссияга тақдим этиб, улар устидан жиноий иш қўзғашни сўраган эди[217].

1920 йил 25 майда Сирдарё вилоят темир йўл устахоналари маъмурияти ишлашдан бош тортган 139 нафар ходим ҳақидаги маълумотларни ҳукуматга тақдим этган эди.

Матбуотда эса бу ҳақда шундай маълумот берилади: «Дезертирларнинг сони қанча. Ушбу саволга жавоб бериш анча мураккаб. Туркистон округ дезертирликка қарши кураш комиссиясида ҳам аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунда Тошкент–Оренбург ва Ўрта Осиё темир йўлида меҳнат дезертирларининг сони 2600 нафардан кам эмас»[218].

Республика Марказий Давлат Архивининг 233-фондида меҳнат дезертирлиги ҳаракатини содир этган шахсларнинг рўйхати қайд этиб борилган ҳужжатлар сақланиб қолган[219]. Ушбу ҳужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, темир йўлларда меҳнат дезертирлиги ҳаракати оммавий тус олган эди.

---

214 На транспорте // Туркестанская правда. – Ташкент, 1922, 7 октября.
215 ЎзР МДА, Р-235-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 15- варақ.
216 ЎзР МДА, Р-233-фонд, 2-рўйхат, 193-иш, 60- варақ.
217 ЎзР МДА, Р-608-фонд, 1-рўйхат, 180-иш, 31- варақ.
218 Дезертиры транспорта // Известия. – Ташкент, 1922, 2 ноября.
219 ЎзР МДА, Р-233-фонд, 2-рўйхат, 193-иш, 158-170-варақлар.

Совет ҳокимияти бундай ҳаракатларни жазолайдиган идораларни ташкил этди. Жумладан, 1920 йил 14 декабрда Туркистон округ темир йўл бошқармаси меҳнат дезертирлигига қарши курашувчи комиссия ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқарди[220]. Унга асосан, хизмат вазифасини маъмуриятнинг розилигисиз, ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлар ёки узрли сабабсиз уч кундан ортиқ ишга чиқмаганлар меҳнат дезертирлари сифатида қайд этиладиган бўлди. Комиссия бундай шахсларга хайфсан эълон қилиши, лавозимидан тушириши ёки бир ойлик қамоқ жазоси қўллаши мумкин эди. Оғир турдаги меҳнат дезертирлиги ҳаракатларини кўриш комиссия ваколатига кирмаган ва бундай ишлар темир йўл трибуналида кўриб чиқилган. Масалан, Тошкент–Оренбург темир йўли ишчиси Л.Морсаков ўз хизмат вазифасини бажармасдан 1920 йил 6 февралдан 22 апрелгача яшириниб юрган. Ниҳоят, фавқулодда комиссия томонидан қўлга олиниб, темир йўл трибуналига тақдим этилади ва уч йилга озодликдан маҳрум этилади[2].

Темир йўл трибунали кўрган учинчи турдаги ишлар совет ҳокимиятига қарши қаратилган жиноятлар эди. Аввало, октябр тўнтаришини амалга оширишда большевикларга таянч бўлган темир йўл ишчилари ўртасида ҳукмрон тузумдан норозилик кайфияти кучайган эди. Большевиклар эълон қилган ғояларнинг сароблигига амин бўлган темир йўл ишчилари ҳукумат декретларига қарши чиқдилар. Темир йўл ишчиларининг ҳукуматга бўйсунмаслик, буйруқларни бажармаслик, шунингдек, совет ҳокимиятига қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борганлик учун жавобгарликка тортилиши бунинг исботидир. Масалан, Тошкент–Оренбург темир йўлининг ишчиси П. Кабанов дастлаб ишчилар ўртасида совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб боради, сўнгра оқ гвардиячилар томонига қочиб ўтади. 1920 йил 28 июнда фавқулодда комиссиянинг махфий тезкор бўлими

---

[220] ЎзР МДА, Р-233-фонд, 1-рўйхат, 196-иш, 37- варақ.
[2] Ўша жойда. 2-иш, 20 - варақ.

П. Кабановни қўлга олади. Фавқулодда комиссия тергов ишларини тугатиб, ишни темир йўл трибуналига тақдим этади ва суддан айбланувчига нисбатан олий жазо – ўлим ҳукмини чиқаришни сўрайди[221]. Жазога тортилган П.Кабанов коммунист эди.

1920 йил 23 октябрда Тошкент–Оренбург темир йўлининг Орск станцияси ишчиси П.Лаврентев[222], яна шунингдек, 1920 йил 1 декабрда бир гуруҳ темир йўл ишчилари ҳукуматга қарши фаолият юритганликда айбланиб, Тошкент округ темир йўл трибунали ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган[223].

Туркистон ҳудудидаги ҳарбий ва темир йўл трибуналлари экстерриториал ваколатга эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмас ва РСФСР ҳукумати томонидан назорат қилинарди. Туркистон АССР олий ҳокимияти ўз ҳудудидаги ҳарбий ва темир йўл трибуналларининг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйиш ёки қонун доирасида бирор таъсир чорасини кўллашга ожиз эди. Масалан, 1921 йил 20 мартда Туркистон АССР МИҚ I Туркдивизия ва Фарғона қўшинлари штаби ҳарбий трибунали томонидан ўлимга ҳукм қилинган 5 нафар шахснинг ишини қайтадан кўришни сўраб Туркфронт ҳарбий трибуналига мурожаат қилади. Туркфронт ҳарбий трибунали эса бунга шундай жавоб берган эди: «Ҳукм қилинганлар ишини тўхтатишга фақат Бутунроссия МИҚ, Республика Ҳарбий трибунали ва Инқилобий ҳарбий кенгаши ҳақлидир. Бошқа давлат идоралари, шу жумладан, Туркистон АССР МИҚ бундай ваколатга эга эмас»[224].

Туркистон АССР давлат раҳбарларининг бундай судларни республика қонунчилигига бўйсундириш ҳақидаги ҳақли талаблари РСФСР ҳукумати томонидан рад этилди. Аксинча, умумий тартибда иш юритувчи инқилобий трибуналларни ҳам Марказ ўз назоратига олишга интилди. 1922 йил 27

---

221 ЎзР МДА, Р-345-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 3-варақ.
222 Ўша жойда. 12-иш, 33-варақ.
223 Ўша жойда. 1-иш, 16 -варақ.
224 Ўша жойда. 54-иш, 2-3-варақлар.

июлда Бутунроссия МИҚ қабул қилган «Туркистон АССР суд тузилиши тўғрисида»ги Низомга асосан ҳарбий ва темир йўл трибуналлари аввалгидек, Марказ томонидан бошқарилиши кўрсатиб ўтилган эди[225].

Совет ҳокимияти мустаҳкамланиб олгач, дастлабки йилларда мавжуд бўлган суд тизимидаги турли хилликка барҳам беришга киришди. Ушбу ҳолат 1923 йилдан ягона суд тизимига ўтилиши муносабати билан фавқулодда судларнинг босқичма-босқич тугатилишида намоён бўлади. Хусусан, 1923 йил апрелда Олий ва вилоят инқилобий трибуналлари тугатилиб, улар ўрнига РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими ва вилоят судлари ташкил топди.

Кейинчалик темир йўл трибунали ҳам тугатилди. 1923 йил 25 ноябрда Бутунроссия МИҚ Олий суд транспорт коллегияси ва унга бўйсунувчи темир йўл трибуналларини тугатиш тўғрисида декрет қабул қилди. Бу даврда РСФСР ҳудудида саккизта округ темир йўл трибуналлари мавжуд эди ва уларнинг барчаси тугатилди. Хусусан, 1923 йил 13 декабрда Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлигида юқоридаги декрет ижросини таъминлаш юзасидан мажлис бўлиб ўтди. Унда Адлия халқ комиссари Дадабоев, Олий суд Туркистон бўлими судьяси Гайлис, Туркистон округ темир йўл трибунали раиси Упельник ва вилоят суди судьялари иштирок этди. Мажлис қарорига асосан Туркистон округ темир йўл трибунали тугатилди[226].

Мажлисда темир йўл трибунали тугатилгандан кейин вужудга келадиган ҳолатлар ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, темир йўл трибунали тугатилгач, темир йўл транспорти билан боғлиқ жиноятларни кўриш вилоят судлари зиммасига юклатилди. Бунинг учун собиқ темир йўл трибунали судьяларидан бири вилоят суди судьяси этиб сайланиши белгилаб қўйилди. Вилоят суди қошида темир йўл билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш учун катта транспорт терговчиси лавозими жорий этилди. Хуллас, аввалги

---

[225] ЎзР МДА, Р-344-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 27-варақ.
[226] ЎзР МДА, Р-345-фонд, 4-рўйхат, 56-иш, 169-варақ.

темир йўл трибунали ва терговчилари тугатилса-да, янги суд тизимида ушбу вазифа билан шуғулланадиган лавозимлар жорий этилди. Шу йўсинда суд тизими ихчамлаштирилди.

Олий инқилобий трибунал ва унинг қуйи бўғинлари, шунингдек Туркистон округ темир йўл трибунали тугатилса-да, бироқ Туркфронт ҳарбий трибунали сақлаб қолинди[227]. Бунинг боиси совет режимига қарши қуролли ҳаракат ҳали тўла мағлубиятга учрамаган эди. Жазо қўллашда шафқатсизлиги билан ном қозонган ҳарбий трибуналлардан совет ҳокимияти кейинги йилларда ҳам фойдаланишга қарор қилди.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳукумати жамиятнинг барча соҳалари устидан ўз назоратини ўрнатиш мақсадида ихтисослашган трибуналларни ташкил этди. Ҳарбий ва темир йўл трибуналлари Туркистон АССР эмас, аксинча РСФСР ҳукумати олдида масъул бўлиб, ўлкада совет режимига қарши қаратилган қуролли ҳаракат қатнашчиларини ва ҳар қандай ўзгача фикрлайдиган инсонларни шафқатсиз қатағон қилди. Шу тарзда Марказнинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишида таянч бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи боб юзасидан хулоса қилиб айтганда, Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ташкил этилган фавқулодда суд органлари – трибуналлар чекланмаган ваколатга эга бўлиб, амалда совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш қуроли бўлиб хизмат қилди. Ушбу суд органлари фаолияти меъёрий ҳужжатлар асосида эмас, балки синфий кураш талабларига асосланган ҳолда инқилоб номи билан амалга оширилар эди. Сиёсий кураш кучайиши муносабати билан фавқулодда судларнинг ваколати кенгайиб, улар қўллайдиган жазо чоралари янада шафқатсиз кўриниш касб этиб борди.

Улар мухолиф кучларга қарши оммавий қатағон ва террор усулларини, қамоққа олиш ва сохта айблар қўйиб, жисмонан мавҳ этиш чораларини

---

[227] Кибальчич Н. О работе военных трибуналов // Красная казарма. – Ташкент, 1924. – № 23. – С.4-7.

амалга оширдилар. Трибуналларда иш юритиш тартиби инсон ҳуқуқларининг таҳқирланишига сабаб бўларди ва одил судловдан мутлақо йироқ эди.

Трибуналлар қошидаги солиқ бўлимлари эса иқтисодий террор билан шуғулланиб, халқ қўлидан озиқ-овқат захираларни тортиб олиш билан шуғулланган. Шу тариқа трибуналлар совет ҳокимиятининг жазо органи сифатида асосан сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий террорни амалга ошириш орқали совет ҳокимиятининг шу соҳалардаги ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилди.

III. БОБ. ТУРКИСТОН АССРДА СУД ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

3.1. Туркистонда ягона суд тизимининг ташкил топиши

Россияда фуқаролар уруши тугаганидан сўнг давлат бошқарув тизимида ўзгаришлар рўй берди. Фуқаролар уруши даврида амалда бўлган фавқулодда идоралар тугатилиб, доимий фаолият юритадиган давлат аппаратини шакллантиришга киришилди. Ушбу сиёсат суд-ҳуқуқ соҳасига ҳам тадбиқ этилди. Жумладан, суд тизимидаги халқ судлари ва инқилобий трибуналлардан иборат икки хиллилик барҳам топиб, ягона тизимга ўтилди. Бу 1922 йил 31 октябрда Бутунроссия МИҚ қабул қилган «РСФСР суд тузилиши тўғрисида»ги Низомда ўз ифодасини топган эди. Ушбу низомда РСФСРда 1923 йил 1 январдан Олий суд, губерния суди ва халқ судларидан иборат янги тизим иш бошлаши кўрсатиб ўтилган эди[228].

Олий инқилобий трибунал тугатилиб, унинг ўрнига РСФСР Олий суди ва автоном республикаларда Олий суднинг бўлимлари ташкил топди. Олий суд таркиби еттита ҳайъатдан ташкил топган. Ҳар бир ҳайъат маълум йўналишга ихтисослашган бўлиб, раис ва аъзолардан иборат бўлган. Жумладан, Олий суд таркибида жиноий судлов, жиноий кассация, фуқаролик судлов, фуқаролик кассация, ҳарбий, ҳарбий транспорт ва интизомий ҳайъатлар мавжуд эди. Олий судда амалдаги қонунларни шарҳлаш ва маъмурий-ташкилий ишларни бошқариш учун Пленум ва Президиум фаолият юритган. Олий суд раиси ва судьялари Бутунроссия МИҚ томонидан сайланар эди.

Туркистон АССР РСФСР таркибидаги автоном республика бўлгани учун бу ерда Олий суднинг Туркистон бўлими ташкил этилди. Суд тизимининг ундан кейинги қуйи бўғинларини вилоят ва халқ судлари ташкил этар эди.

---

[228] История законодательства СССР и РСФСР... – С. 237-247.

РСФСРда янги тизимга 1923 йил 1 январдан ўтилган бўлса, Туркистонда эса ушбу тизим 1923 йил апрелдан иш бошлади. Январ-март ойларида тузилажак судларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, 1923 йил 18 январда Бутунроссия МИҚ Олий суднинг Туркистон бўлимини очиш тўғрисида қарор қабул қилди[229]. 17 мартда эса бу ҳақдаги низом ишлаб чиқилди. РСФСР Олий суди Президиумининг қарор ва тезислари эълон қилинди, штат ҳамда харажатлар сметаси ишлаб чиқилди[230]. Ниҳоят, 1923 йил 14 апрелда Туркистон Олий инқилобий трибунали тугатилиб, унинг ўрнига Олий суднинг Туркистон бўлими ташкил топди[231].

Олий суднинг Туркистон бўлими раиси этиб А.Шарафуддинов сайланди. У бунга қадар Туркистон Олий инқилобий трибунали раиси лавозимида ишлаган эди. Олий суднинг Туркистон бўлими таркиби Президиум, жиноий судлов ва жиноий кассация ҳайъатларидан иборат эди.

Судлов ҳайъати судьялари М.С.Юмакаев, Я.Х.Исмаев, П.С.Немзоров, С.Х.Султонхўжаев бўлиб, ҳайъат раиси Ф.Суровцев эди. Кассация ҳайъатининг судьялари Р. Лепсис, С.Саидахматов ва раис К.Гайлис эди.

Олий суднинг Туркистон бўлими ҳузурида ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар Маханин, Мурашев, Гринбаум ва Ерданцевлар иш олиб борган[232].

Марказ Олий суднинг Туркистон бўлимига вилоят мақомидаги суд идораси сифатида муносабатда бўлди ва унинг ваколатларини ҳар томонлама чеклаб қўйди. Ушбу ҳолат қуйидагиларда намоён бўлади. Аввало, судьяларни сайлаш устидан назорат ўрнатилган эди. Гарчи Олий суднинг Туркистон бўлими судьялари Туркистон АССР МИҚ томонидан сайланса-да, кейинчалик уларни Бутунроссия МИҚ тасдиқлаши лозим эди. Яъни,

---

229 ЎзР МДА, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 28-варақ.
230 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1051-иш, 35-варақ.
231 ЎзР МДА, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 31-варақ.
232 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1051-иш, 40-варақ.

РСФСР ҳукумати ўзига маъқул келмайдиган номзодларни тасдиқламаслик ваколатига эга эди.

Олий суднинг Туркистон бўлимида ҳайъатлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва амалдаги қонунларни шарҳлаш учун Пленум ташкил этилмаган эди. Бу вазифа билан Президиум шуғулланар эди.

Олий суднинг Туркистон бўлимида иш юритувчи ҳайъатлар сони чекланган эди. Олий судда еттита ҳайъат иш юритса, Туркистон бўлимида эса фақат жиноий судлов ва жиноий кассация ҳайъатлари мавжуд эди. Вилоят судларининг фуқаролик бўлимлари, шунингдек, ҳарбий ва темир йўл трибуналлар устидан тушган кассация шикоятлари Туркистон бўлимида тегишли ҳайъатлар йўқлиги учун Олий судга юборилар эди. Бундан ташқари, интизомий ҳайъат ҳам мавжуд эмас эди. Бу масала Президиум зиммасига юклатилган эди.

Олий суднинг Туркистон бўлими харажатлар сметаси, штатлар сони Марказ томонидан белгиланар эди. Бир сўз билан айтганда, ташкилий ва молиявий жиҳатдан ушбу суд идораси РСФСР ҳукумати назоратида эди. У фақат вилоят судларининг жиноий бўлимларини назорат қиладиган ҳамда ўта оғир ва давлат аҳамиятига молик жиноятларни кўрувчи биринчи инстанция суди эди, холос.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Олий суднинг Туркистон бўлимидаги энг асосий муаммо фуқаролик судлов ва кассация ҳайъатларининг йўқлиги эди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ўлка ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, ушбу соҳада юзага келган низоларни ҳал этиш ерли халқ турмуш тарзи ва анъаналарини мукаммал билишни талаб этарди. Бироқ вилоят судларининг фуқаролик бўлимлари устидан кассация инстанцияси Олий суд бўлгани учун шикоятлар Москвага юборилар ёки бу

вазифа билан маҳаллий комиссарлик ва ижроия қўмиталари шуғулланар эди[233].

Москвада Олий суд судьялари маҳаллий тил ва шароитни билмаганлиги учун ишга изоҳ ва тушунтиришлар беришни сўраб, Туркистонга мурожаат қилишган. Марказдаги судьялар иш тафсилоти рус тилига таржима қилинганда ҳам кўп ҳолатларда ишнинг мазмунига тушунишмасди. Натижада, аксарият фуқаролик ишлари ўз ечимини топмасдан РСФСР Олий судида қолиб кетарди[1].

Бунинг оқибатида баъзи кассация шикоятларни кўриш турли комиссарлик ва вилоят ижроия қўмиталари зиммасига юклатилар эди. Ушбу ҳолатлар юзасидан Олий суднинг Туркистон бўлими раиси А.Шарафуддинов 1923 йил 16 декабрда Туркистон АССР МИҚ Президиумида қилган маърузасида ўз эътирозларини баён этган эди. Жумладан, у «РСФСР суд тузилиши тўғрисида»ги Низомнинг 58-моддасини асос сифатида келтириб, унда Олий суд бўлимининг ваколатлари жиноий ишларни кўриш билан чеклаб қўйилмаганлигини кўрсатиб ўтган эди. Яъни, қонуний жиҳатдан олганда Туркистон бўлимида бошқа ҳайъатлар ҳам тузилиши керак эди. Шу боис А.Шарафуддинов фуқаролик судлов ва кассация ҳайъатларини ташкил этиш ҳақидаги ўз лойиҳаларини олий ҳокимиятга тақдим этиб, суд ваколатига эга бўлмаган комиссарлик ёки ижроия қўмиталари вилоят судлари устидан тушган шикоятларни кўришга ҳақли эмаслигини, тез орада бундай қонунбузарликларга чек қўйиш лозимлигини талаб қилган эди[2]. Бироқ Марказ маъмурлари бунга рухсат бермадилар. Ўрта Осиё республикаларида миллий-ҳудудий давлат чегараланиши ўтказилиб, Туркистон АССР тугатилгунга қадар РСФСР ҳукумати Туркистонда олий фуқаролик судлов ва кассация инстанциясини ташкил этмади.

---

233 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1051-иш, 68- варақ.
1 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1051-иш, 69- варақ.
2 Ўша жойда. 70-варақ.

Олий суднинг Туркистон бўлими жиноий ишлар бўйича ўлкада олий суд идораси эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилган эди. 1923 йил апрел ойида Олий суднинг Туркистон бўлими 13 та ишни биринчи инстанция тартибида, 146 та ишни кассация тартибида кўриб чиқди. Умуман олганда, кейинги йилларда ушбу суд идораси томонидан кўрилган ишлар: совет режимига қарши қуролли ҳаракат қатнашчиларининг ишлари ҳамда порахўрликка оид жиноятларга бўлинади.

1923-1924 йилларда совет режимига қарши қуролли ҳаракат бир оз заифлашган бўлса-да, қўрбошилар курашни давом эттирганлар. 1923 йилнинг кузига келиб Фарғона водийсида 200 га яқин қуролли тўдалар совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган. Уларни суд қилиш учун Олий суднинг Туркистон бўлими сайёр суд мажлисларини ташкил этди. Фарғона, Андижон, Қўқон, Ўш ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган сайёр суд мажлислари қаршилик ҳаракатининг фаол қатнашчиларини олий жазо – ўлимга ҳукм қилди[234].

Порахўрлик жинояти совет раҳбарлари ўртасида ниҳоятда авж олган эди. Порахўрлик ва суиистеъмолликка йўл қўйгани учун Туркистон банки, Терига ишлов бериш трести ва Тошкент трамвай бошқармасининг масъул ходимлари жавобгарликка тортилди. Тошкент шаҳар коммунал хўжалик бошқармаси, шунингдек, озиқ-овқат солиғини йиғишда порахўрликка йўл қўйган солиқ хизмати ходимлари устидан жиноий иш қўзғатилиб, айблов ҳукми эълон қилинди[235].

Аслида масаланинг моҳиятига эътибор берилса, давлат бошқаруви ва халқ хўжалигида порахўрлик, таниш-билишчилик совет бошқарув тизимининг шаклланиш давриданоқ авж олган эди. Ўша даврда халқ хўжалиги соҳалари ва давлат идораларини партия вакиллари ва у томонидан

---

234 ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1051-иш, 61-варақ.
235 Ўша жойда. 62-варақ.

тайинланган шахслар бошқарганлиги эътиборга олинса, бу жиноятлар ким томонидан содир этилгани аён бўлади.

Янги тизимга ўтилиши муносабати билан халқ судьялари вилоят кенгаши ва вилоят инқилобий трибуналлари тугатилиб, уларнинг ўрнига вилоят судлари ташкил топди. Вилоят суди жиноий ва фуқаролик бўлимларидан иборат бўлиб, айни вақтда ҳар бир бўлим судлов ва кассация ҳайъатларига бўлинган эди. Вилоят суди ишни биринчи инстанция сифатида кўришдан ташқари, халқ судлари устидан тушган шикоятларни кассация тартибида кўриб чиққан.

Вилоят судларининг таркиби раис, икки нафар раис ўринбосари ҳамда 12 аъзодан иборат эди. Судьялар вилоят ижроия қўмиталари томонидан бир йил муддатга сайланган. Номуносиб номзодлар сайловчилари томонидан муддатидан аввал вазифасидан чақириб олиниши мумкин эди.

Туркистон АССР ҳудудида барча вилоят судлари бир вақтда ташкил топмади. Бунга маҳаллий шароит, маблағ ва кадрлар муаммоси ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, Адлия халқ комиссарлигининг 1923 йил 28 февралдаги буйруғига асосан Фарғона вилоят инқилобий трибунали ва халқ судьялари вилоят кенгаши тугатилиб, 1923 йил 1 апрелдан Фарғона вилоят суди иш бошлади. Суд раиси этиб И.Чудаев тайинланди[236]. Апрел ойининг охирларига келиб Самарқанд, Сирдарё ва Туркман вилоят судлари ҳам ташкил топди. Май ойидан Еттисув вилоят суди иш бошлади[237].

Вилоят судлари ташкил топгандан сўнг собиқ халқ судьялари вилоят кенгаши ва вилоят инқилобий трибуналлари судловига қабул қилинган, бироқ кўриб улгурилмаган ишлар ҳам улар зиммасига юкланди. Масалан, шундай ишлардан 770 таси Сирдарё вилоят суди зиммасига тушган эди[238].

Вилоят судларида ҳал этилмаган муаммолар кўп эди. Чунончи, судьялар фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ турли идора ва

---

[236] Фарғона вилоят архиви, 1-фонд, 4-рўйхат, 476-иш, 9-варақ.
[237] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1058-иш, 35-варақ.
[238] ЎзР МДА, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 4(б)-варақ.

ташкилотларнинг босимига учради. Судьялар вилоят ижроия қўмиталари томонидан сайланиши юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Агарда сайланган судьялар суд қонунчилигини бир неча маротаба бузса, ўз вазифасини юрита олмаса ижроия қўмиталари уларни муддатидан аввал лавозимидан озод этиши мумкин эди. Вилоят ижроия қўмиталари айнан шу ваколатдан фойдаланган ҳолда суд ишларига аралашдилар ва босим ўтказдилар. Бўйсунишни хоҳламаган судьялар асоссиз равишда вазифасидан олиб ташланди.

Бу ҳақда даврий нашрлардан бирида шундай маълумот берилган эди: «Судьяларни сайлашда суд ҳақидаги низом талабларига амал қилинмасдан судьялик лавозимига ҳеч бир ҳозирлиги йўқ инсонларни ва баъзида мутлақо саводсиз кишиларни белгилаб келдилар. Судьялар гуруҳлар манфаатига боғлиқ қилиб сайланмоқда. Шундай вилоят судлари борки, мазкур вилоят судининг раиси бир йил ичида энг камида уч марта алмаштирилмоқда. Шунинг билан баробар бу раисларнинг лоақал биттаси ҳам низом талабларига мувофиқ эмас. Ҳукумат идораларининг кўрган чора-тадбирларига қарамасдан суд ходимларини тез-тез алмаштириб туриш одатий бир ҳолга айлангандир»[239].

Ушбу маълумотни архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1923 йил сентябрда Туркман вилоят суди раиси Хонов сабабсиз ўз вазифасидан бўшатилиб, унинг ўрнига етарли маълумот ва меҳнат малакасига эга бўлмаган Ўразов раис этиб сайланди[240]. Фарғона вилоят суди раиси И.Чудаев вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига У.Султонов тайинланди[241]. Самарқанд вилоятида аҳвол бундан-да аянчли эди. Вилоят суди ўз фаолиятини бошлаган биринчи ойда фуқаролик ишлари бўйича бўлим раиси Ибрагимов вазифасидан озод қилинди. 1923 йилнинг май-июн ойларида судьялар Демин, Ширинов, Бечкентиев, суди раиси ўринбосари Собировлар

---

239 Уразаев А. Судебные органы УзССР // Вестник юстиции Узбекистана... – С. 26.
240 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1805-иш, 85-варақ.
241 Фарғона вилоят архиви, 1-фонд, 4-рўйхат, 476-иш, 9-варақ.

эгаллаб турган лавозимларига «номуносиб» топилиб, вазифасидан озод қилинди. Бу ҳолат 1924 йил февралига қадар давом этди[242] (1924 йил апрел ойи ҳисоботидан – *диссертант*). Шунга ўхшаш ҳолатни бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин эди.

Судьялар маҳаллий ҳокимиятга маъқул келмагани учун бир-икки ҳафтада ўзгартирилаверган. Бундай шароитда судья ишни тўғри ташкил этиш имконига эга эмас эди. Янги сайланган судья ўз вазифасига кўникма ҳосил қилиши ва ишга мослашиши учун маълум муддат талаб этиларди. Бироқ судьяларнинг тез-тез алмаштирилиши бунга йўл қўймаган. Шунинг учун ишда чалкашликлар, процессуал меъёрларнинг бузилиш ҳолатлари рўй берган. Қўнимсизлик муҳитидан усталик билан фойдаланган ижро ҳокимияти судьяларга тазйиқ ўтказишга муваффақ бўлган ва улардан ўз манфаати йўлида фойдаланган.

Архив ҳужжатларидан бирида кўрсатилишича, маҳаллий ҳокимият аҳолидан тушган арз ва шикоятларни фақат судьялар ёрдамидагина бекор қилиши мумкин эди. Шунинг учун вилоят ижроия қўмиталари имкон қадар судьяларни ўз таъсирига олишга, ўзларига маъқул номзодларни судья этиб сайлашга ҳаракат қилган. Хуллас, судлар маҳаллий гуруҳларнинг кураш аренасига айланган эди[243].

Вилоят судларида техник ходимлар билан қўшиб ҳисоблаганда 618 нафар ходим хизмат қилиши Адлия халқ комиссарлиги томонидан белгиланган эди. Ҳар бир вилоят судига ўртача 100 нафардан ходим тўғри келган. Молиявий муаммолар натижасида бир неча маротаба иш ўринлари қисқартирилди. Дастлаб, захирадаги судья ва терговчи лавозимлари тугатилади. Жумладан, 1923 йил 24 июнда Туркистон АССР Адлия халқ комиссари Дадабоев вилоят судларининг захирадаги судья, котиб ва техник

---

[242] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 7- варақ.
[243] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 7- варақ.

ходимларини қисқартириш ҳақида фармойиш берди. Натижада, республика бўйича 92 нафар ходим ишдан бўшатилди[244].

Кейинчалик вилоят судларининг асосий таркибида қисқартиришлар амалга оширилди. Низом бўйича вилоят суди раис, икки нафар раис ўринбосари ва 12 нафар судьядан иборат бўлиши талаб этилса, 1923 йил 1 ноябрда иш ўринлари қисқариши муносабати билан Сирдарёда 10, Самарқанд, Фарғона, Туркман, Еттисув вилоят судларида 8 нафар судья қолдирилди[245]. 1924 йил 1 февралда иккинчи маротаба иш ўринлари қисқартирилиб, Сирдарё, Самарқанд, Еттисув вилоят судларида 6, Фарғона ва Туркман вилоят судларида эса 5 нафар судья қолдирилди[246].

Вилоят судларининг камчиликни ташкил этган таркиби биринчи инстанция тартибида иш юритишдан ташқари, халқ судлари устидан тушган кассация шикоятларини ҳам кўриши лозим эди. Масалан, 1923 йил май ойида Сирдарё вилоят судининг фуқаролик бўлимига 600 та кассация ва 100 та биринчи инстанция тартибида кўриладиган ишлар келиб тушган. Ушбу ишларнинг барчаси вилоят судининг икки кишидан иборат фуқаролик бўлимида кўриб чиқилиши лозим эди. Жиноий ишлар бўлимида ҳар бир судьяга 250 та кассация, 50 тадан биринчи инстанция тартибида кўриладиган иш тўғри келган[247]. Ишни кассация тартибида кўриш натижасида халқ судлари қабул қилган ҳукмларнинг 50% бекор қилинган.

1924 йил 1 январ ҳолатига кўра, Самарқанд вилоят судида 1923 йилда келиб тушган, лекин кўриб чиқилмаган 1253 та иш мавжуд эди[248]. Меҳнат юкламасининг кўплиги судьяларни оғир аҳволга солган.

Вилоят суди ҳузурида тергов комиссияси иш олиб борган. Иш ўринлари қисқартирилиши муносабати билан терговчиларнинг ярми ишдан

---

[244] ЎзР МДА, Р-343-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 21-варақ.
[245] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 14(б)-варақ.
[246] Ўша жойда. 14 (б)-варақ.
[247] Ўша жойда. 15-варақ.
[248] Ўша жойда. 15-варақ.

бўшатилди. Натижада, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Еттисув вилоят судида 4, Туркман вилоят суди ҳузурида эса 2 нафар терговчи қолдирилди.

1924 йил январ маълумотига кўра, Туркман вилоят судида 1923 йили тергови тугалланмаган 2201 та иш мавжуд эди. Вилоят суди ҳузуридаги 2 нафар терговчи ўтган йилдан қолган ишларни тугаллаши учун бир неча ой вақт сарфлаши лозим эди. Янги йилда келиб тушган ишларни кўриш келгуси йилга қолдирилган[249].

Суд ва тергов идораларида иш ўринлари қисқартиришнинг асосий сабаби маош беришнинг имкони йўқлигида эди. Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, иш ҳақидан қарздорлик яна сақланиб қолаверган. Судьялар деярли таъминотсиз иш юритган. Масалан, Туркман вилоят судига 1923 йил июн ойида 220 минг рубл маблағ ажратилиши лозим бўлгани ҳолда 71000 рубл ажратилган[250]. Вилоят суди раисининг ҳукуматга маълум қилишича, ходимлар ўз хоҳишлари билан ишдан бўшаш ҳақида ариза беришган. Малакали ходимларнинг ишдан бўшаши ва саводсиз кадрларнинг тайинланиши аҳволни янада кескинлаштирган.

Еттисув вилоят суди судьялари 1923 йил сентябрдан 1924 йилнинг март ойигача маош олмаганликлари ҳақидаги маълумот ўлка советларининг XII қурултойида маълум қилинган эди. Қурултойда бу турдаги масалалар Адлия халқ комиссарлиги томонидан ҳал этилмаётганлиги ва бунга умид ҳам қилмаслик лозимлиги таъкидланган эди[251]. Хуллас, адлия соҳаси ҳалокатга маҳкум этилган эди.

Халқ судлари суд тизимининг қуйи бўғинини ташкил этарди. Янги тизимга ўтилгач, Туркистонда 175 та халқ суди ва тергов идоралари ташкил этилди. Халқ судлари сони вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган эди: Сирдарёда 55, Самарқандда 28, Фарғонада 32, Туркманда 24 ва Еттисувда 36

---

249 ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 15-варақ.
250 Ўша жойда. 1370-иш, 51-варақ.
251 Ўша жойда. 1802-иш, 3 (б) - варақ.

та халқ суди ташкил топди[252]. Юқори инстанция судлари сингари халқ судларида ҳам бир неча маротаба иш ўринлари қисқартирилди. Бунинг оқибатида 1924 йил 1 январга келиб, Туркистон АССРда 157 нафар халқ судьяси, 104 нафар терговчи ва 134 нафар ҳимоячи мавжуд эди[253].

Халқ судлари фаолияти ўрганилганда бир қатор муаммо ва камчиликлар борлиги маълум бўлади. Жумладан, халқ судьяларига маош тўлаш тўғри ташкил этилмаганидан, улар ёрдамчи хўжаликлар билан шуғулланишга мажбур эди.

Халқ судлари иш юритиш учун зарур воситалар билан таъминланмаган эди. Бунинг оқибатида судья ва терговчилар қўлда тайёрланган перо ва сиёҳдан фойдаланишган. Ҳукм ва қарорлар устидан тушган кассация шикоятларини вилоят судига юборишга маблағ йўқлигидан ҳафталаб, ойлаб ётарди. Ваҳоланки, бу Жиноят процессуал кодексининг 348-моддасига зид бўлиб, унга кўра шикоят берилгандан сўнг иш уч кун ичида вилоят судига юборилиши керак эди[254].

Бу ҳақда миллий матбуотда қуйидагилар баён этилган эди: «Тошкент шаҳрида халқ судлари ишни яхши юритсалар ҳам, бошқа ҳудудларда судларнинг аҳволи қониқарли эмас. Бунга сабаб бир томондан ақча йўқлиги бўлса, иккинчи томондан баъзи бир судьяларнинг адлия ишларидан хабардорсизлигидир. Адлия ишларидан хабардорлик бир томонда турсин, баъзи бир халқ судьялари ҳатто, канцелярия ишларини юритишни ҳам билмайдилар. Шуларни эътиборга олиб, музофот ижроқўмларига халқ судларини текшириш, ишга ярамайдиганларини ишдан бўшатиш, уларни тегишли моддий кўмак билан таъмин қилиш юзасидан муҳим қарорлар чиқарилди»[255].

---

[252] Статистический ежегодник. 1917-1923 гг. Т.II. – Т.: Изд-во ТЭС, 1924. – С.422.
[253] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 11- варақ.
[254] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 2-варақ.
[255] Халқ судлари тўғрисида // Туркистон. – Тошкент, 1923, 17 феврал.

Халқ судлари маҳаллий маблағ ҳисобига ўтказилганлиги боис, уларга маошни ҳукумат эмас, вилоят ижроия қўмиталари ажратар эди. Натижада, вилоят ижроия қўмиталари молиявий таъминлаш чораларини кўриш ўрнига Адлия халқ комиссарлиги билан келишмасдан ўз билганларича халқ судлари сонини қисқартириб ёки тугатиб юборганлар. Республиканинг марказий органлари ҳам бунга бефарқ муносабатда бўлган. Қолаверса, Туркистон АССР МИҚ ва ХКС йиғилишларида халқ судлари тармоғини кенгайтиришнинг имкони йўқлиги ошкора тан олинган эди. Бир сўз билан айтганда, халқ судлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди.

1922-1923 йилларда РСФСР Жиноят, Фуқаролик ва процессуал кодекслари қабул қилинди. Ушбу кодекслар айни вақтда Туркистон АССРда ҳам амалга киритилди. Бироқ суд идоралари кодекс ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланмаган эди. Борлари ҳам маҳаллий тилларга таржима қилинмаганди. Адлия халқ комиссарлиги ҳузурида РСФСР ва Туркистон АССР қонун ҳужжатларини нашр этиш ва маҳаллий тилларга таржима қилиш юзасидан комиссия тузилган эди. Комиссия томонидан фақатгина Жиноят кодекси ўзбек, қозоқ, туркман ва тожик тилларига таржима қилинди.

Кодексларсиз суд процессини тўғри амалга ошириш, адолатли ҳукм чиқариш асло мумкин эмас эди. Статистик маълумотларга кўра, 1923 йилда Туркистон АССР судлари Жиноят кодекси билан 23%, Жиноят процессуал кодекси билан 25%, Фуқаролик кодекси билан 53%, Фуқаролик процессуал кодекси билан 54% таъминланган эди[256].

Бундай ҳолатда советлар даъво қилган адолатли ҳукм ҳақида сўз юритиш ҳам мумкин эмасди. Оқибатда процессуал меъёрларнинг бузилиши авж олган. Масалан, Чимкент 1-участка халқ судьяси Жиноят кодексининг 81-моддаси бўйича айбланадиган ҳолатлар юзасидан шахсни оқлаб қарор чиқарган. Ўш уездининг 5-участка халқ судьяси кассация шикоятини вилоят

[256] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 40-варақ.

судига эмас, Адлия халқ комиссарлигига юборган. Мирзачўл уездида 1-участка халқ судьяси ишни кўриш учун вояга етмаган маслаҳатчиларни жалб қилган[257].

Тергов ишлари ҳам тартибсиз олиб бориларди. Маблағ йўқлигидан на экспертиза, на тиббий далолатнома тузиларди. Жиноят содир этилган жойни бориб кўриш учун терговчиларда маблағ йўқ эди. Тергов ишлари фақатгина гувоҳ ва айбланувчини сўроқ қилишдан иборат бўлган. Ниҳоят, тергов ўз мазмунини йўқотиб, қоғоздагина қолиб кетган. Жиноятни очиш ўрнига, иш чалкаштирилган. Суд бундай шароитда тўғри ҳукм чиқариш имконига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам аксарият ҳукмлар воқеанинг аниқ мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинарди. Бу суд эмас, масхарабозликнинг худди ўзгинаси деб ёзилган эди, ўша даврдаги архив ҳужжатларидан бирида[258].

Халқ судлари бино билан тўлиқ таъминланмаган эди. Бу эса қонунда белгиланган процессуал меъёрларни бажаришга имкон бермасди. Аксарият халқ судларида маслаҳат хонаси йўқлигидан ушбу жараён мажлислар залида ўтказиларди. Мавжуд маслаҳат хоналари эса етарли даражада ҳимояланмаганидан бегона кишилар судьялар маслаҳат вақтида нима ҳақда гаплашаётганини эшитиб турган. Бу эса судьялар обрў-эътиборига салбий таъсир этган.

Халқ судларига Адлия халқ комиссарлиги ёки вилоят судлари ёрдам бериши мушкул эди. Юқоридаги идоралар билан халқ судлари ўртасида алоқа алмашув яхши йўлга қўйилмаган ва имкониятлар чекланган эди.

1922 йил май ойида Бутунроссия МИҚ совет прокуратураси ва адвокатураси ҳақида декрет қабул қилди[259]. Туркистон АССРда ҳам ушбу идоралар иш бошлади. Бу ҳақда миллий матбуотда шундай хабар берилган эди: «Шўролар ҳукуматининг прокурорлиги ишчи-деҳқонларнинг умумий

---

[257] Ўша жойда. 17(б)-варақ.
[258] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 396-иш, 287-варақ.
[259] Бакиров Ф. СССР да суд ва прокуратура тузилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962. – Б.53.

ишларининг қонунга тўғри келиши ёки келмаслигини жуда эҳтиётлик билан кўриб чиқади. Қонунни бузувчи ва суиистеъмол қилувчилар билан қонун доирасида курашади. Бу борада давлат прокурорлигига кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилгандир».

Туркистон АССР Адлия халқ комиссари айни вақтда республика прокурори ҳисобланган. Вилоят судларининг прокурорлари у томонидан тайинланган. 1924 йилга келиб, Туркистон АССРда 10 нафар прокурор ва 38 нафар прокурор ёрдамчиси иш юритган[260]. Бу даврда Туркистон АССРда совет прокуратураси мустақил идора сифатида эмас, балки Адлия халқ комиссарлигига бўйсунган ҳолда иш юритар эди.

Совет прокуратураси билан бирга адвокатура ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 1924 йилга келиб Туркитон АССРда 106 нафар адвокат бор эди. Камчиликни ташкил этган соҳа вакиллари кўп миллионли Туркистон аҳолисининг барчасига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш имконига эга эмас эди. Асосан адвокатлар вилоят марказлари ҳамда йирик шаҳарларда иш юритар, қишлоқ аҳолиси эса бундай хизмат туридан фойдаланиш имконига эга эмас эди[261].

Фақатгина Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида адвокатлар кўпчиликни ташкил этган. Жумладан, Тошкентда 45, Самарқандда эса 15 нафар адвокат бор эди. Фарғона вилоятида бор-йўғи 6 нафар адвокат бор эди. Фарғона, Марғилон, Наманган, Ўш шаҳарларида атиги 1 нафардан ва Андижон шаҳрида 2 нафар адвокат бор эди[262]. Ҳуқуқшунослик курсини тугатган шахсларнинг бир қисми ўзини адвокатлик фаолиятига бағишласа-да, лекин улар амалий тажрибага эга эмаслиги боис, ўз мижозларига ёрдам бериш ўрнига уларни мушкул аҳволга солиб қўйган.

Мустабид тузум Туркистон халқларини узоқ муддат мустамлака ҳолатида сақлаб туриш учун уларни бўлиб ташлашга қарор қилди. Ўрта Осиё

---

[260] Статистический ежегодник. 1917-1923 гг. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. Т. II. – С. 422.
[261] ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 345-варақ.
[262] Тошкент вилоят архиви, 282-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 10-варақ.

республикаларида миллий-ҳудудий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида қадимдан тили, маданияти, дини, урф-одати ягона бўлган халқлар сунъий равишда бир неча республикаларга ажратилди. 1924 йил 13 декабрда Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитасининг буйруғи билан Олий суд Туркистон бўлими тугатилди ва унинг ўрнига Ўзбекистон ССР Олий суди ташкил топди[263].

Хулоса қилиб айтганда, халқ судлари ва инқилобий трибуналлар тугатилиб, Туркистонда ягон суд тизимининг ташкил этилиши анархияга барҳам берса-да, туб ўзгаришларга олиб келмади. Яъни, ягона суд тизимининг қарор топиши шаклан ўзгаришларга олиб келган бўлса-да, бироқ 1917-1922 йиллардаги муаммолар ва зиддиятлар кейинги йилларда ҳам сақланиб қолаверди. Суд мустақиллиги янада чекланиб, унинг фаолиятига партия ва турли давлат органларининг аралашуви авж олди. РСФСР ҳукумати эса Туркистондаги судларни назоратга олиб, ҳар томонлама чеклаб борди.

3.2. Қози ва бий судлари трансформацияси ҳамда тугатилиши

Россия босқинига қадар Туркистонда асрлар давомида шаклланган суд тизими мавжуд эди. Суд ишлари шариат ва одатга асосланиб, қози ва бийлар томонидан амалга оширилар эди. Ислом дини тартиблари билан уйғунлашиб кетган анъанавий суд тизимининг мавқеи аҳоли ўртасида ниҳоятда юксак эди. Туркистонда мустамлака бошқаруви ўрнатилгач, суд тизими жиддий ўзгаришларга учради. Хусусан, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу судларни тезда тугатиш мумкин эмаслигини англаб етган империя ҳукумати улар ваколатини чеклаган ҳолда сақлаб қолди.

---

[263] ЎзР МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 17-18-варақлар.

Совет даврида ҳам қози ва бий судлари ўз фаолиятини давом эттирди. Ҳали сиёсий жиҳатдан заиф бўлган большевиклар ҳукумати ушбу судларни буткул тугатишга жазм эта олмади. Қози ва бий судларининг совет давридаги фаолияти икки қисмга бўлинади.

Биринчи давр 1917-1919 йилларни ўз ичига олади. Ушбу давр суд ҳақидаги биринчи декрет қабул қилинишидан токи ягона халқ судлари ташкил этиш ҳақидаги ислоҳотга қадар давом этди.

Иккинчи давр 1921-1928 йилларни ўз ичига олади. Бу давр 1921 йил қози ва бий судлари қайтадан тикланишидан бошланиб, токи бутунлай тугатилишига қадар давом этди.

Туркистонда большевиклар ҳукумати ўрнатилгандан сўнг янги совет судларини ташкил этиш ҳақида декрет ва қарорлар қабул қилинди. Бироқ буни қисқа муддатда амалга ошириш мумкин эмаслиги боис яна аввалги империя судлари ҳамда қози ва бий судлари фаолиятига рухсат берилди.

Қози ва бийлар сиёсий жиноятларни кўришга ҳақли эмас эди. Бундай турдаги ишлар айбланувчининг миллатидан қатъий назар совет фавқулодда судларида кўриб чиқилар эди. Бундан ташқари, қози ва бий судлари чиқарган ҳукмлар совет ҳукумати декретларига зид бўлмаслиги талаб этиларди.

1918 йил 9 декабрда Туркистон АССР МИҚ қози ва бийлар судловига тегишли ишлар юзасидан декрет қабул қилди[264]. Ушбу декретда томонлардан бири оғзаки ёки ёзма равишда ишни совет судларига ўтказиш ҳақида мурожаат қилса, бундай ҳолатда иш бир ҳафта муддатда совет судларида кўриб чиқилиши баён этилган эди.

1919 йил 12 февралда Туркистон АССР МИҚ йиғилишида қози ва бий судларини тугатиш масаласи кўриб чиқилди. Бу борада йиғилиш қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳ қози ва бий судларини тугатишга ҳали вақт бор деб ҳисобладилар. Масалан, Г.Агаревский маҳаллий аҳоли ишни қози ва бийлардан совет судларига

[264] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 159-варақ.

ўтказиш ҳақида мурожаат қилмаётганини таъкидлаган эди. У фикрида давом этиб, ушбу судлар аҳоли эътиқод қиладиган динга асосланиб иш юритиши, шунинг учун уларни тезда тугатиш мумкин эмаслигини баён этган эди. Қолаверса, масаланинг молиявий томонлари ҳам борлигига эътибор қаратиб, қози ва бийларни тугатиш ҳамда уларнинг ўрнига совет судларини ташкил этиш катта маблағ талаб этиши, ҳукумат эса янги судлар ташкил этиш тугул мавжудларини ҳам тўлиқ молиявий таъминлай олмаётганлигини маълум қилган эди. Т.Рисқулов унинг фикрига қўшилиб, бу масалани босқичма-босқич амалга оширишни маъқуллайди. Иккинчи гуруҳ эса қози ва бий судларини тугатиш тарафдори эди. Жумладан, А.Казаков ушбу судларни тугатиш жараёнида айланма йўллардан эмас, балки қўйилган мақсад сари тўғри бориш зарурлигини таъкидлаб, кескин чоралар кўришга чақирган эди. И.Федяев зудлик билан қози ва бий судларини тугатиш ҳақида низом ишлаб чиқиш зарур деб топади. Қатнашчилар қози ва бий судларини тугатиш борасида бир тўхтамга кела олмадилар[265].

Маҳаллий аҳоли қози ва бий судларининг ҳукм ва қарорлари юзасидан совет судларига шикоят қилмагач, совет ҳокимияти ушбу судларга таъсир этишнинг бошқа усулини қўллади. Жумладан, 1919 йил 4 мартда Туркистон АССР МИҚ қабул қилган буйруққа асосан, совет судьяларига маҳаллий аҳоли шикоят қилмаса ҳам қози ва бий судлари кўрган ишга раддия билдириб, ҳукмни бекор қилиш ва қайтадан кўриб чиқиш ҳуқуқи берилди[266]. Бундан кўзланган асосий мақсад қози ва бий судларини обрўсизлантириш ҳамда халқ кўз ўнгида гўёки совет судлари адолатли эканлигини кўрсатиб қўйиш эди.

1919 йил 17 июнда Туркистон АССР ХКС ягона халқ судларига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди ва 1 августдан Туркистон ҳудудида қози ва бий судлари тугатилди. Барча аҳолининг мурожаатлари уларнинг миллати, тили,

---

[265] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 202-иш, 10-варақ.
[266] Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 246-иш, 1-варақ.

дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар совет судларида кўрилиши маълум қилинди.

Маҳаллий аҳоли кўпчиликни ташкил этадиган ҳудудларда совет судьялари ерли халқ вакилларидан сайланиши ва уларга совет қонунчилигига зид келмайдиган шариат ва одат нормаларини қўллашга рухсат берилди. Шу асосда Туркистонда 270 та халқ суди ташкил этилиши лозим эди. Ҳақиқатда эса уларнинг зўрға ярми ташкил топди. Мавжудлари ҳам маблағ, тегишли меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги ҳамда судьяларнинг тажрибасизлиги туфайли иш юритмасди. Бўш ўринларни тўлдириш учун маҳаллий аҳоли учун ажратилган судьялик ўринларига ҳам европаликларга мансуб шахслар сайланди. Улар маҳаллий шарт-шароит, ерли халқ тили ва анъаналарини билмасди.

Ҳукумат меъёрий ҳужжатлари фавқулодда қабул қилингани учун уларни мукаммал биладиган мутахассислар нафақат маҳаллий аҳоли, ҳаттоки европаликлар орасида ҳам камчиликни ташкил этарди. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатлар рус тилида қабул қилинган бўлиб, маҳаллий тилларга таржима қилинмаган эди. Бу эса маҳаллий мутахассисларга уларни ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этишда қийинчиликлар туғдирарди.

Октябр тўнтаришига қадар Туркистонда 275 та қози ва 2268 та бий судлари мавжуд эди[267]. Ушбу судлар тугатилгандан сўнг совет судлари сони кўпайтирилиши лозим эса-да, бундай бўлмади. Биргина Сирдарё вилояти мисолида олиб кўрилса, Перовский уездида 196 та бий суди, Туркистон уездида 79 та бий, 6 та қози суди, Чернияев уездида 40 та бий, 10 та қози суди, Тошкент уездида 66 та бий, 20 та қози суди фаолият юритган[268]. Кўрсатиб ўтилган судлар тугатилиб, совет ҳокимияти томонидан 62 та халқ судлари ташкил этилиши маълум қилинди. Бироқ совет судлари сон

[267] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 946-иш, 5(б)-варақ.
[268] Тошкент вилоят архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 246-иш, 10-варақ.

жиҳатдан ҳам, иш юритиш тартиби билан ҳам мутлақо маҳаллий аҳоли талабларига жавоб бермас эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар халқ норозилигига сабаб бўлди. Маҳаллий аҳоли турли намойиш ва митинглар ўтказиб, кўп асрлик анъанавий судларни тиклашни талаб қилдилар. Масалан, 1919 йил 24 июнда Тошкентнинг эски шаҳрида кўнчи усталарнинг норозилик митинги бўлиб ўтди. Қатнашчилар ўз ораларидан Иноғомжон Муҳаммаджоновни вакил сифатида сайлаб, Адлия халқ комиссарлигидан қуйидагиларни талаб қилишди: «Биз мусулмонлар шариатга асосан иш юритамиз, шариатсиз яшашимиз мумкин эмас. Мусулмонлар ўртасидаги муносабатлар қози судлари асосида ҳал қилинишини сўраймиз»[269]. 1919 йил 26 июлда Самарқанд шаҳридаги жомеъ масжидида 390 нафар шойи тўқувчи усталарнинг митинги бўлиб ўтди. Митингда совет халқ суди ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Улар низомдаги кўпчилик бандлар мусулмонлар турмуш тарзига мос келмаслигини баён этдилар. Жумладан, суд қарори шариатга эмас, инқилобий виждонга асосланишидан норози эканликларини билдирдилар[270].

Бир томондан тинч аҳоли, иккинчи томондан қуролли қаршилик ҳаракати раҳбарлари совет ҳокимиятидан қози ва бий судларини тиклашни талаб қилдилар. Деярли барча қўрбошилар совет ҳокимияти билан музокараларида динга эркинлик бериш ва қозихоналарни очиш талабини қўйганлар. Масалан, Фарғонадаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат раҳбарларининг 1921 йил август ойида Туркистон советларининг X қурултойига қилган мурожаатида мактаб, мадрасаларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш талаби қўйилган эди[271].

---

269 ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 189-иш, 120-варақ.
270 Ўша жойда. 127-варақ.
271 Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Илмий муҳаррир. Жўраев М. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 199.

1921 йил 2 сентябрда совет ҳукумати вакиллари билан Шермуҳаммадбек ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Шермуҳаммадбекнинг тинчлик сулҳи шартлари орасида динга эркинлик бериш, халқ қозиларини аҳоли томонидан сайлаш каби талаблар бор эди[272].

Анархия ҳолатида бўлган, жамиятга эмас, инқилоб манфаатларига хизмат қилган совет судлари халқ ишончини қозона олмаган эди. Қуролли қаршилик ҳаракати ҳам ўзининг авж палласига чиққан бўлиб, кураш сардорларининг қози ва бий судларини тиклашни қатъий шарт қилиб қўйиши натижасида совет ҳокимияти ён беришга мажбур бўлди. Миллий матбуот саҳифаларида бу ҳақда шундай маълумотлар баён этилган: «Шўро адлиялари инқилобнинг тўрт йил муддатида ўзларининг кераклик вазифаларини бажара олмадилар. Мамлакат ҳар томонлама ҳарбий жабҳалар билан ўралган ва ҳар бир иш у замоннинг ҳарбий, инқилобий ва фавқулодда идоралари томонидан яхши-ёмон ҳал этилар, парокандалик ва суиистеъмолликлар авж олган эди. Шу боис халқ шўро адлиясини тан олмади»[273].

Совет ҳокимияти қуролли қаршилик ҳаракатининг Туркистондаги энг фаол маркази бўлган Фарғона вилоятида қози ва бий судларини тиклади. 1921 йил октябрда Туркистон АССР МИҚ Фарғона вилоятида қози судларини тиклаш ҳақида қарор қабул қилди[274].

Қарорда таъкидланганидек, аҳолининг хоҳишига мувофиқ ўтроқ аҳоли учун қози, кўчманчилар учун эса бий судлари ташкил этиладиган бўлди. Ушбу ҳужжатда қози судларини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси белгиланган бўлиб, бий судлари ҳам унга амал қилиши кўрсатилган эди.

Қози ва бий судларининг судлов тизими иккита инстанциядан иборат бўлган. Биринчи инстанцияда қози ва бий бир ўзи иш юритган ҳамда қабул қилган ҳукмга имзо қўйиб, муҳр билан тасдиқлаган. Ушбу судларнинг

---

[272] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 392-иш, 238-варақ.
[273] Янги адлия маҳкамалари // Қизил байроқ. – Тошкент, 1921, 14 апрел.
[274] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 178-иш, 120-варақ.

100 рублгача бўлган фуқаролик даъволари ва 7 кунгача қамоқ жазоси қўлланилган жиноий ишлар юзасидан чиқарган ҳукм ёки қарорлари устидан шикоят бериб бўлмас эди. Кўрсатилган меъёрдан кўп бўлган жиноий ва фуқаролик ишлари устидан қози ва бийлар кенгашига апелляция шикояти бериш мумкин эди.

Қози ва бийлар кенгашининг йиғилиши бир йилда камида тўрт марта ўтказилиши лозим эди. Унда тегишли уезд ёки шаҳардаги қози ва бийларнинг камида 3-6 нафари иштирок этган. Кенгаш биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳукм ва қарорни бекор қилиши ёки ўзгаришсиз қолдириши мумкин эди. Кассация инстанцияси вазифасини эса вилоят ижроия қўмитаси ҳузуридаги махсус комиссия бажарган.

Қози судлари шариат, бий судлари эса одатга асосан иш юритган. Қози ва бийлар судловига қуйидаги ишлар тегишли бўлган: а) оилавий ҳуқуқий муносабатлар: никоҳ, ажралиш ва шу билан боғлиқ масалалар; б) мерос ҳуқуқига оид масалалар: меросхўрларни тасдиқлаш ва меросни улар ўртасида тақсимлаш; в) 500 рублдан ошмаган фуқаролик даъволари; г) жамоат тартиби ва шахснинг шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлар, диний эътиқод билан боғлиқ жиноятлар[275].

Қози кўрсатиб ўтилган жиноятлар бўйича 300 рублгача жарима солиши ёки 1,5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаши мумкин эди[276]. Айбдор жаримани белгиланган вақтда давлат фойдасига тўламаса, жазо қамоқ билан алмаштирилган.

Фуқаролик ишлар бўйича қози ўзига тегишли ҳудуддаги мусулмон аҳоли ўртасида тузилган шартнома ва битимларни тасдиқлаган ва уларни бажарилишини назорат қилган.

Жиноий ёки фуқаролик иш бўлишидан қатъий назар, томонлардан бири ёзма равишда қозига мурожаат қилгандагина у ишни кўриб чиқиши мумкин

---

[275] ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 178-иш, 120-варақ.
[276] Ўша жойда. 120 (б)-варақ.

эди. Агарда судлашувчи томонлардан бири ёки иккаласи ҳам шариат бўйича судлашишни хоҳламаса, иш совет судларига ўтказилган.

Қози ва бийлар маҳаллий аҳоли томонидан бир йил муддатга сайланган. 25 ёшга тўлган ҳар бир эркак фуқаро қози ёки бий этиб сайланиш ҳуқуқига эга эди. Сайловни назорат қилиш ва сайланган номзодларни тасдиқлаш маҳаллий ижроия қўмитаси зиммасига юклатилган эди. Қози ва бийлар адлия бўлимларининг хулосасига асосан, вилоят ижроқўмлари томонидан муддатидан аввал вазифасидан озод қилиниши мумкин эди.

Қози ва бийлар судлашувчи томонлардан давлат божини ундирган. Ушбу судлар чиқарган ҳукм ва қарор ижросини таъминлаш уезд ва шаҳар милицияси зиммасига юклатилган эди.

Шу асосда Туркистон АССР вилоятлари орасида дастлаб Фарғона вилоятида қози ва бий судлари тикланди. 1922 йил май ойида вилоятда 180 га яқин қози судлари иш юритар эди[277]. Бошқа вилоятларда ҳам маҳаллий судларни тиклашдан олдин бу масала Туркистон қозиларининг қурултойида кўриб чиқилиши лозим, деган фикрга келинди. Матбуотда бу ҳақда шундай ёзилган эди: «Яқинда бутун қозиларнинг қурултойи чақирилади. Мақсад суд ишларидан олинган тажрибани бир жойга тўплаш ва ундан фойдаланишдир. Демак, бир-биримиздан маълумот олиш, ундан кейин матбуот орқали жумҳурият фуқаросига буни билдириш ва шу вақтгача англаб етмаган масалаларни ҳал этишдир. Булар биргалашиб кенгашгандагина ҳал қилиниши мумкин. Табиийки, бу қурултойнинг материалларидан ҳукумат қонун тузувчилари, олимлар ҳам кўп фойдаланишлари мумкин. Демакки, бизнинг қурултойдан кўп нарсани кутса бўлади. Кўриладиган масалалар муҳим ва масъулиятлидир»[278].

1922 йил июл ойида Туркистон адлия соҳаси ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Туркистон АССРдан ташқари Бухоро ва

---

[277] Уразаев Ш. Туркестанская АССР-первое социалистическое государство в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1961. – С. 162.

[278] Ишчи ва деҳқон қозисининг фикри // Қизил байроқ. – Тошкент, 1922, 29 июн.

Хоразм Халқ Республикаларидан ҳам вакиллар иштирок этди. Унда Адлия халқ комиссарлиги вакиллари ва фиқҳшунос олимлар маъруза қилишди. Сўнгра қози этиб сайланадиган шахслар ва улар амал қиладиган диний-ҳуқуқий манбалар муҳокама қилинди.

Қурултойда қозилар учун «Аҳкоми шария мажалласи»ни тузишга келишиб олинди. Ушбу мажаллани уч ой муддатга ишлаб чиқиш учун 5 кишидан иборат комиссия тузилди. Комиссия таркибига Абдулаҳад Қориев ва Пирмуҳаммад Турсунмуҳаммад ўғли (Тошкент), Фозилбек Отабек ўғли (Андижон), Ҳожи Абдулла (Хўжанд) ва Тўрахон Махдум Маъсумхон ўғли (Қўқон) кирди[279].

Қурултой натижаларига асосланиб 1922 йил 25 июлда Туркистон АССР МИҚ «Қози ва бий судлари ҳақидаги» Низомни тасдиқлади[280]. Низомда Туркистонда мусулмон аҳоли учун совет судлари қаторида қози ва бий судлари амал қилиши, уларнинг сайланиш муддати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган эди.

Қозиларни сайлаш Россия империяси давридаёқ жорий этилган эди. Бироқ совет даврида у янада мураккаблаштирилиб, совет бошқарувига бўйсундирилди. Ҳар бир вилоятдаги қозиларнинг сони вилоят ижроия қўмиталари томонидан белгиланар эди. Сайловга оид ташкилий масалалар билан уезд ижроия қўмиталари шуғулланган. Қозиларни тегишли ҳудуддаги 18 ёшга тўлган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган мусулмон аҳоли сайлаган. Сайланиш ҳуқуқига эса Туркистон ҳудудида яшовчи, судланмаган, шариат билимларини мукаммал биладиган 25 ёшга тўлган эркак фуқаролар эга бўлган. Қозиларнинг ваколат муддати бир йил эди. Агарда қози жиноий ва сиёсий жавобгарликка тортилса ёки қонунда белгиланган бошқа ҳолларда муддатидан олдин вазифасидан озод қилиниши мумкин эди.

---

[279] Туркистон адлия ходимлари қурултойи // Қизил байроқ. – Тошкент, 1922, 20 июл.
[280] Суд тузилиши тартиби // Қизил байроқ. – Тошкент, 1922, 13 август.

Халқ томонидан икки номзод сайланган ва улардан бири қози, иккинчиси эса ёрдамчи вазифасини бажарган. Уезд ижроия қўмитаси сайланган номзодларни тасдиқлаш учун вилоят ижроия қўмитасига тақдим этган. Агарда ижроқўм номзодни тасдиқламаса, сайлов қайтадан ўтказилган ёки улар кўрсатган номзод қози этиб тайинланган. Бундан кўриниб турибдики, қозилик лавозимига сайловлар кўзбўямачиликнинг худди ўзгинаси эди. Халқ ўзига муносиб номзодларни қанчалик сайламасин, барибир бу лавозимни совет ҳукумати розилигисиз ҳеч ким эгаллай олмас эди.

Совет ҳокимияти халқ орасида кучли нуфузга эга бўлган, обрў-эътиборли, шариат билимларини мукаммал биладиган шахсларни қози этиб сайланишига умуман йўл қўймаган. Асосий мақсад шариат судларини тугатиш, уларни халқ кўз ўнгида обрўсизлантириш эди. Бунинг энг осон усули саводсиз, шариат билимларини яхши билмайдиган кишиларни қози этиб тайинлаш эди. Бунинг натижасида, қозиларнинг кўплаб нотўғри қарор ва ҳукмлари совет судлари томонидан бекор қилинган. Охир-оқибат совет ҳокимияти энг адолатли, халқпарвар ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиладиган суд – совет судлари, дея даъво қилган.

1922 йил 25 июл низомига кўра, қози судларининг ҳукмлари устидан апелляция шикоятлари бериш учун қози судларининг уезд кенгаши ташкил топди. Ҳукм ёки қарордан норози томон икки ҳафта ичида кенгашга шикоят бериши мумкин эди. Қозилар кенгаши таркибига уезд ҳудудида фаолият юритаётган 3-6 нафар қози кирган.

Кенгаш ўз йиғилишини ойида камида бир марта ўтказиши шарт эди. Кенгаш ишни апелляция тартибида кўраётган вақтда чиқарган ҳукми юзасидан шикоят келиб тушган қози бу жараёнда иштирок этиши мумкин эмас эди. Қозилар кенгаши устидан кассация инстанцияси вазифасини совет судлари бажарган. Ҳукмдан норози томон икки ҳафта ичида совет судига кассация шикояти бериши мумкин эди.

Қози ва бийларга маҳаллий аҳоли ўртасидаги никоҳ, талоқ, мерос ва 10 йилгача ижарага бериладиган ерга оид масалаларни кўриш топширилган. Қози ва бий судлари ишни кўришда шариат ва одатга асосланган. Лекин бу совет қонунчилигига зид бўлмаслиги керак эди. Яъни, совет ҳокимияти қози ва бий судларига рухсат берса-да, амалда уни жуда тор доирада чеклаб, совет судлари томонидан сиқиб қўйган эди.

Давлатга ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар, иқтисодиёт, ҳарбий соҳадаги жиноятларни кўриш қози ва бий судларининг ваколатига кирмаган. Бундай турдаги жиноятлар совет судларида кўриб чиқилган.

1922 йил июл низомига асосан, Туркистонда 220 та қози судлари ташкил топди[281]. Ушбу судларга маҳаллий аҳолининг мурожаати йилдан йилга ортиб борган. Масалан, Сирдарё вилоятида 1923 йилда қозиларга мурожаат 1922 йилга нисбатан 30% га ошган. Бу кўрсаткич бутун республика бўйича 39% ни ташкил этган[282]. Ҳаттоки, аҳолининг талаби билан қўшимча қози судлари ташкил этилган. Бу ҳақда миллий матбуотда шундай хабар берилади: «Сирдарё вилоят ижроия қўмитаси уездлардан Тошкентда 6 та, Мирзачўлда 3 та, Чимкентда 2 та, Авлиёотада 2 та ва Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 4 та қозихона ташкил этди. Вилоят ижроия қўмитаси уезд ижроия қўмиталарига қозилар сайловини икки ҳафта ичида ўтказиш мажбуриятини юклади. Сирдарё вилоятида қозоқ аҳолиси бий судлари ташкил қилинсин деб сўрамаганлари учун мазкур судлар тузилмади. Умуман қозоқ-қирғиз аҳолисининг маиший аҳволларини эътиборга олган ҳолда улар ўртасида бий судлари ташкил этиш ортиқча ҳам керак эмас деб топилган»[283].

1922 йил 23 декабрда Туркистон АССР МИҚ қози ва бий судлари ҳақида янги низом қабул қилди[284]. Ушбу низом қози ва бий судлари

---

[281] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ.
[282] Ўша жойда. 42-варақ.
[283] Қозихоналар очиш // Туркистон. – Тошкент, 1923, 15 феврал.
[284] Қози ва қозихоналар тўғрисида // Туркистон. – Тошкент, 1923, 3 март.

фаолиятига бир қанча ўзгаришлар киритди. Жумладан, апелляция шикоятларини кўрувчи қозилар кенгаши тугатилди. Қозининг ҳукм ва қароридан норози томон икки ҳафта ичида тўғридан-тўғри совет судларига шикоят бериши мумкин эди. Қози судлари ваколатидан ер билан боғлиқ низоларни кўриш олиб ташланди. Низомдаги яна бир янгилик шунда эдики, бундан кейин қози ва бий судлари шариат ва одат бўйича эмас, балки РСФСР кодекслари асосида иш юритадиган бўлди.

Туркистонда мустабид совет ҳокимияти маҳаллий аҳоли ишончини қозониш учун бир неча бор совет қонунчилиги ва шариат нормаларини ўзаро мувофиқлаштиришга ҳаракат қилди. 1920 йил 31 январда совет ҳуқуқшунослари ва мусулмон фиқҳшуносларидан иборат комиссия тузилди. Комиссия томонидан олиб борилган таҳлилий жараёнларнинг якунига кўра, шариат ва одат нормалари билан совет қонунчилиги бир-бирига мувофиқ келмаслиги баён этилган эди. Жумладан, унда шундай дейилган эди: «Совет қонунчилиги ва мусулмон ҳуқуқи орасида катта қарама-қаршилик бўлиб, уларни мувофиқлаштиришнинг имкони йўқ. Ё совет қонунчилиги шариат ва одатга ён босиши керак ёки шариат ва одат совет қонунчилигига бўйсуниши керак»[285].

Совет ҳокимияти сўзсиз иккинчи йўлни танлади. Қози ва бийлар совет қонунчилигига бўйсундирилди. Қози РСФСР Жиноят кодекси асосида айбдорни бир йилгача озодликдан маҳрум қилиши ва 500 рублгача давлат ҳисобига жарима солиши мумкин эди[286]. Демак, қози ва бий судлари номигагина мавжуд бўлиб, амалда совет қонунчилигига хизмат қилишга йўналтирилган эди.

Совет ҳокимияти йил сайин қози ва бий судлари сонини қисқартириб борди. 1923 йилда қозилар сони 220 тадан 85 тага камайди. Биргина

---

[285] Сапаргалиев М. История народных судов Казахстана. – А.: Казахстан, 1966. – С. 175.
[286] Қози ва қозихоналар тўғрисида // Туркистон. – Тошкент, 1923, 3 март.

Самарқанд вилояти мисолида олиб кўрилса, 1922 йил 71, 1923 йил 30, 1924 йил 15, 1925 йил 6 та қозихона мавжуд эди[287].

Совет ҳокимияти қозиларни қанчалик тугатишга уринса, аҳолининг уларга бўлган мурожаати шунчалик ортиб борган. Масалан, 1923 йилга келиб, Сирдарё вилоятида маҳаллий аҳоли ўртасидаги турли низоларнинг 52 % қози судлари томонидан кўриб ҳал этилган бўлса, ушбу кўрсаткич Самарқандда 42 % ва Фарғона вилоятида 34 % ни ташкил этган[288]. Рақамлардан маълум бўладики, қози судлари камайса-да, улар кўрадиган ишлар салмоқли даражада бўлган.

Қози ва бий судлари 1923 йил давлат таъминотидан маҳрум қилинди. 1924 йилга келиб эса барча жиноий ишларни кўриш совет судлари ваколатига ўтказилди. Қозилар фақат 25 рублгача бўлган фуқаролик даъволари, никоҳ ва ажралишга оид ишларни кўриш билан чеклаб қўйилди.

Бий судлари қози судларига нисбатан анча олдин 1923 йилдаёқ тугатилди. Қози судлари эса 1928 йилда расмий равишда тугатилсада, бироқ XX аср 20-йилларининг охирига қадар норасмий фаолият юритди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий халқ турмуш тарзига ислом дини орқали чуқур кириб борган қози ва бий судларини тугатиш совет ҳокимияти учун қийин кечди. Асрлар давомида шаклланган ва мустаҳкам асосга эга бўлган маҳаллий судларни совет ҳокимияти осонгина тугата олмади. Чунки дастлабки йилларда совет ҳокимияти амалга оширган «қизил террор» натижасида нафақат унинг бошқарув тизими, балки унга хизмат қилган суд тизими ҳам халқда салбий таассурот уйғотган эди. Шунингдек, совет судларида рус тилида иш юритилиши, ҳукм ва қарорларнинг асосланмаган тарзда қабул қилиниши, таниш-билишчиликнинг авж олганлиги, энг муҳими қадриятларга зидлиги, синфий кураш қоидаларига асосланиши халқни ундан янада узоқлаштирди. Бу ҳол маҳаллий аҳолининг қози ва бий судларига

---

[287] Сулаймонова Х. К истории организации советских судов в Узбекистане. – Ташкент: Правда Востока и Кзыл Узбекистан, 1950. – С. 25.
[288] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1372-иш, 42-варақ.

мурожаат этиши давом этишига олиб келди. Аммо совет ҳокимияти узоқ ва пухта ишланган режа асосида қози ва бий судлари ваколатини совет судларига ўтказиб борди ва 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб бутунлай тугатишга муваффақ бўлди.

Учинчи боб юзасидан хулоса қилиб айтганда, Туркистонда 1923-1924 йилларда шаклан амалга оширилган ўзгаришлар суд идораларини марказлаштирди ва уни ижро ҳокимиятга қарамлигини янада ошириб, назорат қилиш имконини кучайтирди. Бунинг оқибатида Туркистон АССР судлари тўлалигича Марказ измига ўтди. Ҳар қандай мустақил фаолият юритишга уриниш кескин қаршиликка олиб келди.

Совет ҳокимияти Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди, у бутун-бутун халқларнинг миллий манфаатларини поймол қилди ва бу халқларга ёт бўлган советлар шаклидаги давлат ҳокимияти тизимини ташкил этди. Хусусан, қози ва бий судлари мустабид совет империяси манфаатларига бўйсундирилиб, кейинчалик бутунлай тугатилди.

Умуман олганда, Туркистон АССРда етти йил давомида судлар ҳукмрон компартиянинг юқоридан берган топшириқларини бажарувчи, синфий душманларни жисмонан йўқ қилиш воситасига айлантирилди ва мустабид тузумнинг ҳар бир ҳаракатига қонуний тус бериб, қатағонларга кенг йўл очиб берди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Туркистон АССРда ўз ҳокимиятини ўрнатиш вақтида тенг ҳуқуқлилик, озодлик ва адолат ғояларини шиор қилиб чиққан большевиклар фақат ўзларининг мафкуравий ва сиёсий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилганлар. Бу ҳол совет суд тизимининг шаклланишида ҳам яққол намоён бўлди. Туркистонда совет суд тизими тарихини ўрганиш ва катта ҳажмдаги манбаларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Туркистонда совет ҳокимиятининг зўравонлик билан ўрнатилиши натижасида суд органлари давлат бошқарувининг таркибий қисми сифатида шакллантирила бошланди. Совет ҳокимияти анъанавий суд тизими ўрнига, дунёвий қонунларга асосланган янги суд органларининг ҳуқуқий асосини яратиш жараёни ўта зиддиятли ва мураккаб тарзда кечди. Дастлабки йилларда махсус суд қонунчилигининг йўқлиги туфайли империя қонунлари қўлланилди, улар совет ҳокимияти манфаатларига мос келмаган ҳолларда эса “инқилоб номи билан” ҳар қандай қарорлар қабул қилинар ва бу совет ҳокимиятининг турли соҳаларда амалга оширилаётган зўравонлик сиёсатини оқлаш учун хизмат қилар эди. Совет қонунчилигининг заифлиги, уни тез-тез ўзгариб туриши суд тизимидаги тангликни янада чуқурлаштирди. Совет ҳокимиятига қарши кураш кучайиб боргани сари қонунлар ва жазо чоралари ҳам тобора шафқатсиз тус олиб борди, улар асосида оммавий террор ва қирғин амалга оширилди.

2. Совет судларининг шаклланишидаги жиддий тўсиқлардан бири кадрлар муаммоси эди. Юқори малакали ҳуқуқшуносларнинг етишмаслиги сабабли большевиклар дастлабки йилларда собиқ империя судьяларидан фойдаланишга мажбур бўлди. ТДУнинг ижтимоий-иқтисодий факультети базасида мутахассислар тайёрлаш, қисқа муддатли курсларнинг ташкил этилиши кутилган натижаларни бермади, зеро, молиявий қийинчиликлар, ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги сингари муаммолар бунга монелик қилар эди. Бунинг оқибатида кўплаб совет судьялари махсус маълумотсиз ва саводсиз бўлиб қолаверди.

3. Зўравонлик сиёсатини ва совет ҳокимияти манфаатларини ҳимоя қилишни қонунчилик жиҳатидан мустаҳкамлаш мақсадида инқилобий трибуналар ташкил этилди. Уларнинг фаолияти синфий ёндашувга асосланган бўлиб, одил судловдан йироқ эди. Қуролли қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг кучайиб бориши билан фавқулодда судларнинг ваколатлари ҳам тобора кенгайтирилди, улар фақат сиёсий жиноятлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш билан чекланмай, иқтисодий чораларни зўравонлик билан амалга оширишда, жумладан национализация қилиш, солиққа тортиш, мол-мулкни мусодара қилишда ҳам иштирок этганлар. Ҳарбий ва темир йўл трибуналларнинг тўғридан-тўғри Марказий идораларга бўйсуниши маҳаллий ҳокимият органларига уларни назорат қилиш имконини бермас эди. Туркистон ҳукумати бу судларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини чеклаш ваколатига эга эмас эди. Экстремал шароитларда тузилган ва чекланмаган ваколатлар берилган фавқулодда суд органлари “инқилобий ҳуқуқ-тартибот”ни таъминлаш шиори остида, энг аввало, большевиклар манфаатларини ҳимоя қилар эди. Бундан ташқари, совет ҳокимияти уларга энг қаттиқ жазо чораларини қўллаш ҳуқуқини ҳам берганди. Буларнинг ҳаммаси мазкур органларнинг аҳолига нисбатан тажовузкорлиги ва шафқатсизлигининг кучайиб боришига олиб келди. Фавқулодда суд органларининг фаолияти совет ҳокимияти мавқеининг узил-кесил

мустаҳкамланиши ва қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг тугатилишига қадар давом этди.

4. Совет судларининг маҳаллий аҳоли анъаналари ва турмуш тарзидан узоқлиги, қабул қилинган қонунларнинг синфий моҳияти, иш юритишдаги мураккабликлар аҳолининг бу судлардан юз ўгиришига сабаб бўлди. Улар анъанавий қози ва бий судларига мурожаат қилишни давом эттирдилар. Дастлабки йилларда совет ҳокимияти анъанавий судларни тугатиш ҳақида қарор қабул қилди, ҳолбуки, уларнинг ўрнини босувчи мақбул ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилмаган эди. Натижада, совет ҳокимияти вақтинча чекинишга ҳамда маҳаллий судларни қайта тиклашга мажбур бўлди, бироқ уларнинг фаолияти фуқаролик ва майда жиноий ишлар доирасида чегаралаб қўйилди.

5. Ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан сўнг совет раҳбарияти марказлаштириш сиёсатига мос келадиган суд ислоҳотини ўтказди. Маҳаллий раҳбарларнинг норозилигига қарамай, ТАССРнинг суд тизими тўлалигича Марказ ихтиёрига ўтди. Мустақил фаолият кўрсатишга бўлган ҳар қандай интилиш қаршилик кўрсатиш сифатида баҳоланар эди. Бу ислоҳотлар суд муассасаларининг марказлашувига, улар устидан назоратнинг кучайишига ва охир-оқибатда судларнинг мустақилликдан маҳрум этилишига олиб келди.

6. Суд тизимида тез-тез юз бериб турган ўзгаришлар, мустаҳкам қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги сиёсий, ҳарбий, мафкуравий кураш ва ижтимоий-иқтисодий вайронагарчилик шароитларида қонунсизликнинг, жиноятчиликнинг, ҳуқуқ-тартибот бузишлари ва анархиянинг кучайишига сабаб бўлди. Совет ҳокимияти пишиб етилган муаммоларни фақат суд тизимини мажбурий равишда марказлаштириш орқали ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблар эди.

Умуман олганда, Туркистонда совет суд органлари тарихини таҳлил этиш натижасида совет суд тизими турли ижтимоий-сиёсий кучлар, ғоя ва

қарашлар, шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар қарама қаршилиги шароитида шаклланганлиги аниқланди. Совет ҳокимияти Туркистон жамияти ҳаётига дунёвий қонунчилик нормалари, аёл ва эркак тенг ҳуқуқлилиги, қонун устуворлиги каби тушунчалар билан бир қаторда синфий кураш, инқилобий кураш, катағон, террор каби ғайри ҳуқуқий тушунчаларни ҳам олиб кирди. Бу тизимни маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилиниши ҳам мураккаб кечди.

Чиқарилган илмий хулосалар асосида қуйидаги илмий-амалий тавсияларни тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– республика суд тизимини босқичма-босқич таҳлил этиш учун совет судларининг 1925-1990 йиллардаги тарихини ҳам ўрганиш зарур;

– ТАССР суд тизими тарихини ёритувчи махсус монография чоп этиш;

– республика олий ўқув юртларининг тарих, ҳуқуқшунослик факультетларининг ўқув режаларига суд органларининг тарихи бўйича махсус курслар ва маъруза машғулотларини киритиш, республика суд тизими ривожланишининг асосий босқичларини ёритиб берувчи ўқув қўлланмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари.

1.1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. – 544 б.

1.2.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.
– Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т. 13. – 448 б.

II. Эълон қилинган меъёрий ҳужжатлар тўпламлари.

2.1. История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – М.: Госюриздат, 1955. – 636 с.

2.2. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947. – 230 с.

2.3. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. Т. I. – 660 с.

2.4. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1972. Т. II. – 608 с.

2.5.Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР за 1917–1922 гг. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 213 с.

2.6.Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 46 с.

2.7.Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики. – Ташкент: Типография ТАССР, 1918. – 50 с.

2.8.Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Средазгосиздат, 1924. – 70 с.

2.9.Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1919. – 60 с.

2.10.Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1920. – 44 с.

III. Архив ҳужжатлари.

III.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлари.

3.1.1. Р-17-фонд. ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси.

3.1.2. Р-25-фонд. ТАССР Халқ Комиссарлар Совети.

3.1.3. Р-38-фонд. ТАССР Адлия халқ комиссарлиги.

3.1.4. Р-86-фонд. ЎзССР Адлия комиссарлиги.

3.1.5. Р-87-фонд. ЎзССР Инқилобий қўмитаси.

3.1.6. Р-233-фонд. Туркистон округ алоқа йўллари.

3.1.7. Р-235-фонд. Туркистон округ маҳаллий транспорт бошқармаси.

3.1.8. Р-343-фонд. РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими.

3.1.9. Р-344-фонд. ТАССР Олий инқилобий трибунали.

3.1.10. Р-345-фонд. ТАССР Ҳарбий темир йўл трибунали.

3.1.11. Р-368-фонд. Туркистон давлат университети.

3.1.12. Р-608-фонд. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси.

III.2. Тошкент вилоят архиви ҳужжатлари.

3.2.1. 1-фонд. Сирдарё вилоят инқилобий кўмитаси.

3.2.2. 2-фонд. Сирдарё вилоят халқ комиссарлар совети.

3.2.3. 182-фонд.Сирдарё вилоят ҳимоячилар ҳайъати

III.3. Фарғона вилоят архиви ҳужжатлари.

3.3.1. 1-фонд. Фарғона округ суди.

3.3.2. 2-фонд. Фарғона вилоят суди.

3.3.3. 448-фонд. Қўқон шаҳар адлия бўлими.

IV. Даврий матбуот нашрлари.

4.1. «Бюллетень ЦСУ Туркестанской Республики» (Ташкент; 1921 – 1924 гг.).

4.2. «Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики» (Ташкент; 1919 г.).

4.3. «Вестник юстиции Узбекистана» (Ташкент; 1925 г.).

4.4. «Военная мысль» (Ташкент; 1920 – 1921гг.).

4.5. «Военный работник Туркестана» (Ташкент; 1921 – 1924гг.).

4.6. «Известия» (Ташкент; 1918 – 1924гг.).

4.7. «Иштирокиюн» (Тошкент; 1918 – 1920 йй.).

4.8. «Қизил байроқ» (Тошкент; 1920 – 1922 йй).

4.9. «Красная звезда» (Ташкент; 1922 – 1926гг.).

4.10. «Красная казарма» (Ташкент; 1922 – 1925гг.).

4.11. «Туркестанская правда» (Ташкент; 1922 – 1925 гг.).

4.12. «Туркистон» (Тошкент; 1922 – 1924 йй.).

V. Статистик тўпламлар.

5.1. Статистический ежегодник. –М.: Типография МКХ, 1922. – 425 с.

5.2. Статистический ежегодник 1917 – 1923 гг. Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. Т.I. – 451 с.

5.3.Статистический ежегодник 1917–1923 гг. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. Т. II. – 600 с.

VI. Адабиётлар.

6.1. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – 240 б.

6.2.Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Ташкент: Адолат, 1996. – 44 с.

6.3.Алимова Д., Голованов А. Узбекистан в 1917–1990 годы: противоборство идей и идеологии. – Ташкент: АН РУз, 2002. – 80 с.

6.4.Аъзамхўжаев А. Ўзбекистон ССРнинг давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – 223 б.

6.5.Аъзамхўжаев А. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. – Тошкент: Фан, 1974. – 355 б.

6.6.Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.

6.7.Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – 48 б.

6.8.Бакиров Ф. Совет суди чинакам халқ судидир. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957. – 52 б.

6.9.Бакиров Ф. СССРда суд ва прокуратура тузилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962. – 152 б.

6.10.Бордонов С. Социалистик мулкни қўриқлашда совет суди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1951. – 40 б.

6.11.Гордиенко А. Образование Туркестанской АССР. – М.: Юридическая литература, 1968. – 316 с.

6.12.Гордиенко А. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1959. – 248 с.

6.13.Гордиенко А. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент: Госиздат, 1959. – 324 с.

6.14.Гордиенко А. Узбекская ССР – суверенное государство в составе Советского Союза. – Ташкент: Госиздат, 1957. – 80 с.

6.15.Горный А. Деятельность революционного военного трибунала Туркестанского фронта в 1920 г. в цифрах // Военная мысль. – Ташкент, 1921. – № 2. – С. 315.

6.16.Горшенин К. Совет халқ суди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 63 б.

6.17.Джаббаров С. Шариат, семейное и обычное право в Узбекистане: история и современность.: Опыт социально–правового исследования. – Ташкент: Фан, 1996. – 122 с.

6.18.Дурдыев Б. Создание и развитие советского суда в Туркменистане. – Ашхабад: Туркменгосиздат, 1960. – 120 с.

6.19.Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 176 б.

6.20.Иноятов Т. Суды советского Узбекистана в борьбе с феодально-байскими пережитками. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1958. – 42 с.

6.21. Кибальчич Н. О работе военных трибуналов // Красная казарма.– Ташкент, 1924. – № 23. – С. 4 -7.

6.22.Кожевников М. История советских судов.–М.: Юриздат, 1948. – 376 с.

6.23.Крахмальник Л. Совет халқ судининг тузилиши ва фаолиятининг демократик асослари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949. – 51 б.

6.24.Манелис Б.Л. Из истории государственно-правовых взаимоотношений Туркестанской АССР и РСФСР. – Ташкент: Фан, 1966. – 88 с.

6.25.Мильштейн Н. Из истории Туркестанской ЧК. – Ташкент: Наука, 1965. – 38 с.

6.26.Мингбоев У. Верховный суд Республики Узбекистан. – Ташкент: Ўзбекистон, 1994 – 200 с.

6.27.Мингбоев У. Олий суд кеча ва бугун. –Тошкент: Камалак, 1995. –72 б.

6.28.Мингбоев У.Суд шундай ҳокимиятки. –Тошкент: Шарқ, 1999. – 288 б.

6.29.Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Илмий муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 432 б.

6.30.Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета. – Т.: Изд-во ТЭС, 1922. –292 с.

6.31. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). –Т.: Университет, 2002. – 167 б.

6.32. Разыков Ш. К истории советского суда в Таджикистане. – Сталинабад: Изд-во АН Тадж. ССР, 1960. – 114 с.

6.33.Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. – 188 с.

6.34.Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Ч. I. 1917–1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925 – 218 с.

6.35.Садовников И. Совет суди буржуазия судидан тамомила фарқ қилади. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1949. – 31 б.

6.36.Сапаргалиев М. Возникновение и развитие судебной системы советского Казахстана (1917–1967 гг.). – Алма-Ата: Казахстан, 1971. – 416 с.

6.37.Сапаргалиев М. Два мира – две системы суда и законности. – Алма-Ата: Казахстан, 1965. – 144 с.

6.38.Сапаргалиев М. История народных судов Казахстана. – Алма-Ата: Казахстан, 1966. – 448 с.

6.39.Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – 147 с.

6.40.Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). Бочагов А. Алаш-Орда. –Алматы: Жалын, 1996. – 272 с.

6.41.Стипрайс Н. Обзор деятельности областных революционных трибуналов Туркреспублики // Бюллетень ЦСУ Туркестанской Республики. –Ташкент, 1922. – № 27. – С. 6-11.

6.42.Сулаймонова Х. К истории организации советских судов в Узбекистане. – Ташкент: Правда Востока и Кзыл Узбекистан, 1950. – 35 с.

6.43.Сулаймонова Х.Создание и развитие советского суда в Туркестанской АССР. –Т: Изд-во АН УзССР, 1954. – 88 с.

6.44. «Турк адами Марказият (Федералист) фирқаси» Маромномаси // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1990. – № 7. – Б. 6-8.

6.45.Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости / Науч. ред. Р. Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000. – 672 с.

6.46.Тўхтахўжаев И. Совет суди – дунёда энг демократик суд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 23 б.

6.47.Уразаев А. Судебные органы УзССР // Вестник юстиции Узбекистана. – Ташкент, 1925. –№ 2-3. – С.53-63 .

6.48.Уразаев Ш. Туркестанская АССР – первое социалистическое государство в Средней Азии. – М.: Госюриздат, 1961. – 179 с.

6.49.Уразаев Ш. Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. – Ташкент: Госиздат, 1958. – 218 с.

6.50.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1–китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 464 б.

6.51.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2–китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 668 б.

6.52.Хакимов М. Партия и советская национальная государственность. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 319 с.

6.53.Хакимов М. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму. Основные проблемы. – Ташкент: Наука, 1965. – 505 с.

6.54.Хакимов М. Совет социалистик давлатининг ривожланиш фазалари ва функциялари. – Тошкент: ТошДУ нашриёти, 1960. – 41 б.

6.55.Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 416 б.

6.56.Фиолетов Н. Судопроизводства в мусульманских судах (суды казиев) Средней Азии // Новьй Восток. – Москва, 1928. – № 23-24. –С.204-217.

6.57.Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право. – Москва, 1927. – № 1. – С. 132-146.

VII.Хорижий адабиётлар

7.1.Caroe O. Soviet Empire the Turks of Central Asia and Stalinism. – London: ST Martins press, 1954. – 300 p.

7.2.Hayit B. Some problems of Modern Turkistan History. – Dusseldorf: East European Research Institute, 1963.– 60 p.

7.3.Hayit B. Sowjetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestans. – Koln-Berlin: Verlag Kiepenheuer & Witsch, 1962. – 289 s.

7.4.Hayit B. Turkistan zwischen Russland und China. – Amsterdam: Philo press, 1971. – 415 s.

7.5.Park A. Bolshevism in Turkistan: 1917–1927. – New York: Columbia University press, 1957. – 428 p.

VIII. Диссертациялар ва авторефератлар.

8.1. Абидова Н. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР (1917–1928 гг.).: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1974. – 32 с.

8.2.Ерметов А. Туркистон АССР да назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 йиллар).: Тарих фан. номзод. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 28 б.

8.3. Иркаходжаев К. Организация и деятельность Верховного суда Узбекской ССР.: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1965. – 251 л.

8.4. Ишанова Ш. Нормы шариата и применение их казийскими судами в Средней Азии до 1924 года.: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1992. – 26 с.

8.5.Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918–1924 йиллар) .: Тарих фан. док. ... дис.– Тошкент, 2005.– 342 в.

8.6.Сулейманова Х. Создание и развитие советских судебных органов в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.).: Дис. ... док. юрид. наук. – Ташкент, 1954. – 192 л.

8.7. Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917–1924 гг.).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук.– Ташкент, 1998. – 28 с.